

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

ЛОГОПЕДИК РИТМИКА

ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Tuzuvchi: - Buxoro shahridagi 123-son kar va zaif eshituvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab internat o‘qituvchisi
Umida Kaxramonovna Abdullaeva

Taqrizchi: Respublika tashxis markazi, inklyuziv ilmiy amaliy tekshirish bo‘limi mudiri **Ubayda Yunusovna Fayzieva**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	16
III. Назарий машғулот материаллари.....	20
IV. Кейслар банки.....	117
V. Мустақил таълим мавзулари.....	119
VI. Глоссарий.....	121
VII. Адабиётлар рўйхати.....	127

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда - муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага доир бир неча йиғилиш ўтказилди, тарихий қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур дастурда Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини, республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарор мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. Таълим соҳасидаги ислохотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислох қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла ҳамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори баён этилган.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бунда мактабгача таълим тизими учун юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришда фақатгина унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашгина эмас, балки мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини

яратиш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Педагогик кадрларни тайёрлаш тизими, хусусан дефектология соҳаси ҳам бундан истисно эмас. Ҳар бир болани унинг ривожланишда нуқсонлар кузатилган тақдирда мактабгача ёшдан оқ таълим шаклини тўғри танлаш, яқка таъсир воситаларини аниқлаш учун чуқур психологик-педагогик ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, ҳозирги замон махсус педагогика ва психологиясида болаларнинг ривожланишидаги бузилишларни, нуқсонларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг зарурлиги ҳақидаги фикрлар таъкидланмоқда. Бунда алоҳида аҳамият мактабгача таълим муассасалари дефектологлари, логопедлари бу тоифадаги болалар билан ишлашга тайёрлаш, уларда таълим жараёнида юзага келадиган ва келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур бўлган психологик-педагогик ёрдамни кўрсатиш ишларини билишлари муҳимдир.

Болаларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга мақбул бўлган таълим турини танлаш, ота-оналарга маслаҳатлар бериш ишларини мақсадга йўналтирилган ва малакали равишда олиб бориш зарур. Шуларга боғлиқ равишда психик ва жисмоний ривожланишида, хусусан нутқда камчилиги бўлган болаларни дифференциал психологик-педагогик ташхис қилиш кўп жиҳатдан дефектолог – кадрларни, логопедларни сифатли қилиб тайёрлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади:

Логопедик ритмика курс тингловчиларига турли нутқ бузилишларига эга бўлган шахсларнинг умумий ва нозик моторикасининг бузилишлари хусусиятлари, реабилитация методикалари тизимидаги логоритмик (муסיқали ритмик) тарбия тамойиллари ва усуллари ҳақида: шунингдек ҳаракат анализаторининг фаолияти ҳақида умумий тарздаги билим ва тушунчаларни ёритиб беради.

Модулнинг вазифалари:

Курс тингловчиларини коррекциялаш мақсадидаги муסיқа, ритм ва ҳаракат уйғунлигининг хусусиятлари ва ўзига хослиги ҳақидаги тасаввурлар, шахсни ривожлантириш ва тарбиялашда муסיқали ритмикадан фойдаланиш малакалари билан қуроллантиришдан иборат.

Логопедик ритмика даволов ритмикасининг асосий бўғини, коррекциялаш-тарбиялашдаги таъсир воситаси ва ўқув фани сифатида кўриб чиқилади.

Логопедик ритмиканинг табиий-илмий асоси бир қатор фанлар мажмуасидан (анатомия, физиология, неврология, гигиена, биомеханика, психология, педагогика, жисмоний тарбия назарияси, муסיқали тарбия назарияси ва методикаси, дефектология) ташкил топган. Буларнинг барчаси

ҳаракат малакаларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш ва тарбиялашда методикасини тўғри танлашга имкон яратади. Мусиқа инсоннинг функционал фаолиятига таъсир этиб, унда ҳиссий кечинмалар, кайфият, ҳаракат реакцияларини вужудга келтиради.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- болаларда учрайдиган нутқий камчиликларнинг турли-туманлиги ўзига хос жиҳатлари;
- махсус адабиётларни таҳлил қилиш;
- нутқ бузилишига эга бўлган шахслар психомоторикасининг ҳолатини текшириш;
- логоритмика машғулотларига режа-матн тузиш;
- педагогик ва вазиятни моделлаштириш;
- нутқ, ҳаракат нуқсонларини логоритмик воситалар орқали бартараф этиш йўналишларини асослай олиш;
- нутқ камчилигига эга бўлган болаларга психологик-педагогик таъсир бера олиш;
- логопедик ритмика бўйича коррекцион-педагогик иш жараёнини таҳлили қилиш ва баҳолаш;
- логопедик ритмика машғулотлари учун дидактик материаллар ва дидактик ўйинларни танлай билиш;
- логоритмик машғулотларда турли шаклларда фойдаланиладиган сўз (ашула, нутқий топшириқлар, сўз кўрсатмалари, нутқий машқлар, воқеабанд – роли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар матнлари, инсценировка ва ҳ.к.) машғулотнинг тарбиявий ва коррекцияловчи йўналганлигини оширади. Нутқ бузилишларига эга бўлган шахсларнинг ёш ва индивидуал, психологик хусусиятларини (тасаввурлари, идрок, диққат, хотираси, тафаккури ва ҳ.к.) нутқ бузилишларнинг моҳияти ва систематикасини билиш логопедларига нутқ нуқсонларига эга бўлган шахсларни текшириш ва улар билан коррекцион тарбиявий иш олиб бориш жараёнида логопедик ритмикадан кенгроқ фойдаланиш имкон беради;
- республикада мактабгача таълим тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига ўз муносабатини билдира олиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактабгача таълим тизимига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таълим-тарбия жараёнида фойдалана олиш;
- давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш **малакаларига эга бўлиши лозим.**
- мактабгача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнларига миллий манфаат нуктаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳулосалар чиқара олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Логопедик ритмика модули назарий, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Мусикали ритмик тарбия тизими. Мусика ва шахсини ҳар томонлама ривожлантириш. Дудукланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика. Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик ритмика. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан олиб бориладиган иш тизимида логопедик ритмиканинг мазмун-моҳиятини сингдиришдан иборат.

Амалий ва кўчма машғулотларда нафас олишни, овоз артикулятсиясини ривожлантириш учун машқлар. Мушаклар, ҳолатини бошқарувчи ва диққат эътиборни фаоллаштирувчи машқлар. Санок машқлари, мусикасиз сўз машқлари. Ритмик машғулотлар, уларнинг бажарилишини ифодалаш, мусиқий асбобларда ойнаш. Ўйин фаолиятидаги мустақил машқлар. Ижодий ташаббускорликни ривожлантирувчи машқлар. Нутқ нуқсонига эга болалар билан логоритмик воситасилардаги машқлар. Дизартрик болалар учун логоритмик ва мусикали ритмик воситалар. Болалр ва ўсмирларда мусика ва шахсни тарбиялаш. Кичик ёшдаги болаларга мусиқий ритмик таъсир ҳақида В.М.Бехтерев ва бошқа мусикашунослар фикрларини сингдиришдан иборат.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, “Концептуал жадвал”, “Т-схема”, “Пинборд”, “SWOT-таҳлил” ёки “ФСМУ” методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоklar билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Логопедия”, “Логопсихология”, “Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси”, “Логопедик ўйин”, модуллари билан узвий боғланган ҳолда логопедларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Умумий тайёргарлик” ва “Умумкасбий тайёргарлик” блоklarидан кейин ўрганилади. Ундан олдин ўрганиладиган блоklarнинг мазмун йўналишларини ва ғоявий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятларини очиб беради.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга турли нутқ бузилишларига эга бўлган шахсларнинг умумий ва нозик моторикасининг бузилишлари хусусиятлари, реабилитация методикалари тизимидаги логоритмик (мусиқали ритмик) тарбия тамойиллари ва усуллари ҳақидаги билимларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти 1.1. Логопедик ритмика

№	Фан мавзулари	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
			назарий	амалий	қўчм машғулот	
1.	Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Мусиқали ритмик тарбия тизими. Мусиқа ва шахсини ҳар томонлама ривожлантириш	2	2			
2.	Логопедик ритмиканинг воситалари	6	4			
3.	Дудукланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика	4	4			4
4.	Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик ритмика	4	4			4
5.	Нафас олишни, овоз артикулятсиясини ривожлантириш учун машқлар. Мушаклар, ҳолатини бошқарувчи ва диққат эътиборни фаоллаштирувчи машқлар.	2		2		
6.	Санок машқлари, мусиқасиз сўз машқлари. Ритмик машғулотлар, уларнинг бажарилишини ифодалаш, мусиқий асбобларда ойнаш. Ўйин фаолиятидаги мустақил машқлар.	4		2	2	
7.	Ижодий ташаббускорликни ривожлантирувчи машқлар. Нутқ нуқсонига эга болалар билан логоритмик воситасилардаги машқлар.	6		4	2	
8.	Дизартрик болалар учун логоритмик ва мусиқали ритмик воситалар. Болалр ва ўсмирларда мусиқа ва шахсни тарбиялаш.	4		4		
9.	Кичик ёшдаги болаларга мусиқий ритмик таъсир ҳақида В.М.Бехтерев ва бошқа мусиқашунослар фикрлари.	2		2		
Жами		40	14	14	4	8

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Мусикали ритмик тарбия тизими. Мусиқа ва шахсини ҳар томонлама ривожлантириш (2 соат маъруза)

Логопедик ритмика даволов ритмикасининг бир бўғини, нутқий патологияга эга бўлган шахсларга нисбатан кенг реабилитация тадбирлар комплексининг бир воситаси, педагогика институтларнинг дефектология факультетларида ўқув фани сифатида. Логопедик ритмиканинг асосий тушунчалари: ритм, логоритмика, мусикали ритм, мусикали ҳаракат тарбияси ҳаракатли ўйинлар. Логопедик ритмиканинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Логопедик ритмиканинг табиий асослари. Ритмика тарихидан қисқа маълумотлар. Логопедик ритмиканинг хусусиятлари.

Мусикали ритмик тарбия тамойиллари. Махсус, ўзига хос тамойиллар – логопедик ритмнинг нутқий патологияга эга шахсларнинг жисмоний имкониятлари билан алоқаси, нутқий нуқсонини эътиборга олиш: шахсни ривожлантириш, ҳаракат фаолиятини ривожлантириш жараёнида у билан бир вақтда ақлий, ахлоқий, эстетик ва сенсор тарбияни амалга ошириш: логопедик ритмиканинг соғломлаштиришга йўналганлиги: логопедик ритмиканинг мусикали фаолиятнинг бошқа турлари: мусикани эшитиш, ашула айтиш, мусикали ритмик ҳаракатлар, байрамлар, рақсга тушиш, мусиқа асбобларини чалиш ва бошқалар билан боғлиқлиги: логопедик ритмиканинг нутқий патологияга эга бўлган шахсларга тиббий-психолого-педагогик таъсир комплекси воситалари билан боғлиқлиги.

Логоритмик таъсир тизимининг асосий бўғинлари тавсифи. Нутқий бўлмаган жараёнларни ривожлантириш: эшитиш диққати ва эшитиш хотираси: кўриш тасавури ва малакаларини, умумий ҳаракатлар координацияси ва ихтиёрий нозик ҳаракатларни ривожлантириш, юз мимикасини ривожлантириш, ҳаракатда суръат ва ритм хисларини, ихтиёрий диққатни тарбиялаш, тақлид қилиш, фаоллик, мустақиллик каби шахс хусусиятларини тарбиялаш, хулқ бузилишларини коррекциялаш.

Мусиқа болаларни эстетик тарбиялаш, ақлий қобилиятларини фаоллаштириш ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш воситаси, мусиқа ва ҳаракат. Нутқ нуқсонларига эга бўлган шахсларни мусикали ритмик тарбиялашнинг вазифалари: соғломлаштириш, таълимий, эстетик, тарбиявий, коррекцион.

Логопедик ритмика воситалари: ашула, турли йўналишидаги қадам ташлашлар (маршировка), тонусини бўшаштирувчи машқлар, мусикасиз нутқий машқлар, мусикали ритм ҳиссини тарбияловчи машқлар, мусикали мустақил фаолият, ўйин фаолияти.

Логопедик ритмика методлари классификацияси:

- Ҳаракат ҳислари ва ҳиссий идрокнинг ёрқинлигини таъминловчи кўргазмали методлар:

- Онгли ўзлаштиришга қаратилган топшириқларни англашга ва ҳаракатли машқларни онгли бажаришга, турли ҳолатларда улардан мустақил равишда фойдаланишга ёрдам берадиган оғзаки методлар.
- Амалий фаолият билан боғлиқ бўлган, ўз мускул-мотор сезгиларида ҳаракат идрокининг тўғрилигини таъминловчи амалий методлар: турли ўйин ва мусобақа методлари:

Кўргазмали, оғзаки ва амалий методларда қўлланиладиган муаммоли ўқитиш ва тарбиялаш методлари.

Амалий методга тааллуқли усуллар: ҳаракатли ўйинлардаги машқларни, алоҳида ролларини, етакчининг ролини кўрсатиш, шуғулланувчиларни фронтал машғулотлар ўтказиш учун гуруҳлар ва кичик гуруҳчаларга бўлиш: логоритмик машғулотларнинг вақтини белгилаш: ижодий изланишни рағбатлантириш, ўйинларни, машқларни ўзгартириш, вариантларни тузиш, янгиларини ўйлаб топиш. Логопедик ритмика бўйича машғулотларни ташкил этиш.

2-Мавзу: Логопедик ритмиканинг воситалари (4 соат маъруза)

Логопедик ритмиканинг воситалари қуйидагилардир: турли йўналишдаги юриш ва ҳарбийларча юриш; нафас, овоз ва артикуляцияни ривожлантириш учун машқлар; мускуллар тонусини бошқарувчи машқлар; диққатни фаоллаштирувчи машқлар; ҳисобли машқлар; мусиқа кузатувисиз нутқий машқлар; мусиқий ўлчов ёки метр туйғусини шакллантирувчи машқлар; мусиқий темп туйғусини шакллантирувчи машқлар; ритмик машқлар; куйлаш; мусиқий асбобларда ўйин машқлари; нутқий бузилиши бўлган одамларнинг мустақил мусиқий фаолиятлари; ўйинли фаолият, ижодий ташаббусларни ривожлантириш учун машқлар; якуний машқлар. Логоритмик воситалар мусиқий тарбия ишида ўзининг махсус хусусиятига эгалик қилади, бироқ улар асосан асабий-психиатрик ва логопедик ташкилотларда даволаш-педагогик усул сифатида кўриб чиқилади. Санаб ўтилган барча иш турларининг қурилишида асосий тамойил – ҳаракатнинг мусиқа билан зич алоқасидир. Мусиқа унинг буюк ҳиссий таъсири, ифодаловчи воситалар бойлиги билан ҳаракат усуллари ва машқларни туганмас турли-туман бўлиши имконини беради.

Логоритмик воситалардан фойдаланишнинг кейинги тамойили уларга нутқий материални киритиш мажбуриятини кўзда тутди. Сўз ўта турли-туман шаклларда киритилиши мумкин: бу қўшиқлар матни, хоровадлар, куйлаш билан драматизация, берилган мавзуда инсценировкалар, ҳаракатли ўйинларда бошловчининг буйруқлари, сценарий олиб боровчи (режиссёр) нинг кўрсатмалари ва ҳ.к. Сўзни киритиш мусиқий ритмда эмас, шеърини қурилган ҳаракатларнинг ритмий бўлишига ёрдамлашувчи бир қатор машқлар яратишга имкон беради.

Логопедик ритмика воситаларини нутқий патологияси бўлган одамларнинг мустақил ҳаракатли, мусиқий ва нутқий фаолияти асосида ётувчи секин-аста мураккаблашиб борадиган ритмик, логоритмик ва мусиқий-ритмик машқлар ҳамда топшириқлар тизими каби тасаввур қилиш мумкин.

3-Мавзу: Дудукланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика (4 соат маъруза)

Мактабгача ёшдаги дудукланувчи болаларнинг нутқи, хулқи ва моторикасини турли иш босқичларида логопедик ритмика воситалари билан коррекциялаш. Ҳар бир босқич вазифаларининг қисқача тавсифи.

Машқлар, ўйин турларнинг классификацияси, тавсифи:

- а) кириш машқлари (бошловчи машқлар);
- б) юз мимикаси ва орал праксисини ривожлантириш учун машқлар ва ўйинлар;
- в) эшитиш диққати ва хотирасини ривожлантириш учун машқлар ва ўйинлар;
- г) фазода чамалашни ривожлантириш учун машқлар ва ўйинлар;
- д) тақлид қилишни ривожлантириш учун машқлар ва ўйинлар;
- е) иродавий сифатлар, фаоллик, мустақилликни ривожлантириш учун машқлар;
- ж) умумий моторикани ривожлантириш учун ҳаркатли ўйинлар;
- з) нутқ просодиясини ривожлантириш учун ўйинлар;
- и) ҳаёлни, ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун ўйинлар;
- к) мусиқали хотира ва мусиқа ижодиётини ривожлантириш учун ўйинлар;
- л) яқунловчи ўйинлар.

Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларда нутқ турларидан фойдаланиш хусусиятлари. Катта ёшдаги дудукланувчилар билан олиб бориладиган логоритмик машғулотларнинг ўзига хослиги. Логопедик ишда ашуладан фойдаланиш. Воакл ва хор малакаларини тарбиялаш. Коррекцион иш учун қўшиқ материални танлаш принциплари.

4-Мавзу: Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик ритмика (4 соат маъруза)

Товуш талаффузи нуқсонларига ва овоз бузилишларига эга шахсларга қисқача тавсиф.

Товушлар талаффузини коррекционлаш учун нутқий ўйинлар ва машқлар. Товуш ҳосил қилиш босқичлари мимикани, орал праксисни, умумий моторикани, эшитиш ва кўриш диққатини, тақлид қилишни ривожлантириш. Ўйинлар ва машқлар тавсифи. Товушни мустаҳкамлаш босқичида. Артикуляция, диққия, интонацион ифодалиликини, мантикий уруғни ривожлантириш. Нутқий ўйин, қўшиқли ўйинлар тавсия товушларни дифференция қилиш босқичида фонематик эшитишни ривожлантириш, товушлар талаффузи, нутқнинг суръати, оҳангини ривожлантириш.

Нутқий ўйинлар ва мусиқа ритмик машқлар тавсифи.

Дизартрик болалар учун мусиқали ритмик машқлар, нутқ иштирок этган ва НТК иштирок этмаган ўйинлар. I Давр. Нутқсиз дидактик ўйинлар, ҳаракат статистикаси учун машқлар, аста-секин ва эҳтиёткорлик билан предметларда

бажариладиган ҳаракатларни (обручлар, коптоклар, шарлар, тўғноғичлар билан) киритиш; умумий ва майда моторикани ривожлантириш учун машқлар, юз мускулларини ривожлантириш, тақлид қилишни тарбиялаш учун машқлар; овозни фаоллаштириш учун кўшиқли ўйинлар (инсценировка, хороводлар). Эшитиш диққатини ривожлантириш мақсадида мусиқа эшитиш. Ҳаракат малакасини шакллантиришдаги аста-секинлик: мусиқанинг иштирокисиз дастлабки кўникмаларни шакллантириш, ҳаракат малакасига мусиқали ритмларни кўшиб ўргатиш, малакаларни мустаҳкамлаш – уларни ўйин фаолиятида ва ҳаётий вазиятларда қўллаш.

II Давр. Кўшиқли ўйинлар, қоидали ўйинлар (воқеабанд, воқеабанд бўлмаган, спорт элементлари бўлган), нутқий дидактик ўйинлар, болаларнинг нутқини, ҳаракатларини ва ўзаро муносабатларини ривожлантириш учун мусиқали ўйинлар.

Ринолалик болалар билан олиб бориладиган мусиқали-ритмик машғулотлар.

Умумий моторикани ривожлантириш учун қоидали ҳаракатли ўйинлар. Юз мимикасини ривожлантириш учун ўйин ва машқлар. Танглай устунини фаоллаштириш учун мусиқа жўрлигидаги товушга тақлид тарзидаги ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар. Ринолаликлардаги манқаланишни кўшиқ воситасида бартараф этиш. Вокал машқлар ва нутқий материалларни танлашга қўйилган талаблар.

Овоз бузилишига эга бўлган шахслар билан олиб бориладиган мусиқали-ритмик машқлар. Функционал ва органик овоз бузилишларига эга шахсларнинг қисқача тавсифи. Кўшиқ айтиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш йўли билан овозни тарбиялаш: нафасни ривожлантириш, овознинг кучи, тембри, баландлигини ривожлантириш, овоз диапозонини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Вокал машқлар тавсифи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Нафас олишни, овоз артикулятсиясини ривожлантириш учун машқлар. Мушаклар, ҳолатини бошқарувчи ва диққат эътиборни фаоллаштирувчи машқлар (2 соат амалий)

2-Мавзу: Санок машқлари, мусиқасиз сўз машқлари. Ритмик машғулотлар, уларнинг бажарилишини ифодалаш, мусиқий асбобларда ойнаш. Ўйин фаолиятидаги мустақил машқлар (2 соат амалий)

3-Мавзу: Ижодий ташаббускорликни ривожлантирувчи машқлар. Нутқ нуқсонига эга болалар билан логоритмик воситасилардаги машқлар (4 соат амалий)

4-Мавзу: Дизартрик болалар учун логоритмик ва мусиқали ритмик воситалар. Болалр ва ўсмирларда мусиқа ва шахсни тарбиялаш (4 соат амалий)

5-Мавзу: Кичик ёшдаги болаларга мусиқий ритмик таъсир ҳақида В.М.Бехтерев ва бошқа мусиқашунослар фикрлари (2 соат амалий)

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Санок машқлари, мусиқасиз сўз машқлари. Ритмик машғулотлар, уларнинг бажарилишини ифодалаш, мусиқий асбобларда ойнаш. Ўйин фаолиятидаги мустақил машқлар. (2 соат кўчма машғулот)

2-Мавзу: Ижодий ташаббускорликни ривожлантирувчи машқлар. Нутқ нуқсонига эга болалар билан логоритмик воситасилардаги машқлар (2 соат кўчма машғулот)

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида “Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан олиб бориладиган иш тизимида логопедик ритмика” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг асосий қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислохотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизими ривож бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);
- амалий машғулотлар (маълумотларни тушуниб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, амалий билимларни мустаҳкамлаш);
- кўчма машғулотлар (мактабгача таълим тизими ривож бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари

Машгулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

Ақлий ҳужум	- (брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб боровчининг хатти- ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
Қоидалари	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1) - Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); - юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; - ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; - талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан қутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказади (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- қутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намоён қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоидага амал қилиш.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Мактабгача таълим тизимнинг кечаги ва бугунги ҳолати масаласида “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Республикада мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига ҳамрам олиш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этади.	Мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз ҳамраб олишга қаратилган
W	Мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, сифатли озиқ-овқат таъминотининг пастлиги.	Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади.
O	Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда - муҳим ўрин тутди.	Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, МТМлар инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшиланади.
T	Сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёдроқ камайган.	Келгуси беш йилликда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи охирига етказиш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” дастури”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Назарий машғулот материаллари

**1-мавзу: Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари.
Муסיқали ритмик тарбия тизими. Муסיқа ва шахсини ҳар томонлама
ривожлантириш (2 соат)**

Режа

- 1.1. Логопедик ритмиканинг предмети
- 1.2. Логопедик ритмиканинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари
- 1.3. Логопедик ритмиканинг тамойиллари ва усуллари
- 1.4. Логопедик ритмиканинг асосий тушунчалари

Таянч иборалар: ритмика, логопедик ритмика, тамойил, усул, коррекция, компенсация

1.1. Логопедик ритмиканинг предмети

Логопедик ритмика фаол терапиянинг ўзига хос шаклларида бўлиб, ўқув фани ва услубининг мажмуига таъсир воситаси ҳисобланади.

Логопедик ритмиканинг дастлабки тушунчаси сўз, муסיқа ва ҳаракатнинг уйғунлашувига асосланган. Кўрсатилган компонентларнинг ўзаро муносабати улардан бирининг ёки улар орасидаги алоқанинг устунлиги билан турли-туман бўлиши мумкин.



Логопедик ритмиканинг иккинчи тушунчаси унинг исталган реабилитатсион услубига тарбия, таълим ва турлича аномалияли ривожланиш ҳамда нутқ бузилиши бўлган одамларни даволашни киритишни шарт қилиб қўяди.

Логопедик ритмика ўқув фани сифатида талабаларнинг билимини коррекцион ишлар услуби билан бойитади.

1.2. Логопедик ритмиканинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари

Логопедик ритмиканинг объекти нутқий нуқсон, нутқда патологияси бўлган шахсларда нутқий бузилишлар ва нутққа тааллуқли бўлмаган психик функциялар тузилмалари ҳисобланади.

Предмети – психомоторли, сенсор функциялар ва ҳаракат тизимининг турли-туман бузилишларини мушқ ҳамда сўз билан уйқунлаштириш.

Мақсади – нутқий бузилишларни нутқий ва нутқий бўлмаган психик функциялар ва якуний натижада инсоннинг ташқи ва ички муқитга мослашувини коррекция қилиш ҳамда ривожлантириш йўли билан бартараф этиш.

Логопедик ритмиканинг вазифалари соқломлаштирувчи, таълимий (англаш), тарбияловчи, коррекцияловчи сифатида белгиланади.

Нутқда бузилиши бўлган одамларда соғломлаштирувчи вазифани қал қилиш натижасида суяк-мушкул аппаратлари мустақкамланади, нафас олиш, мотор, сенсор функциялар ривожланади, мувозанат туйғуси, тўғри қад-қомат, қадам ташлаш, чиройли ҳаракат тарбияланади.

Таълим берувчи вазифанинг амалга оширилиши ҳаракат малакаси ва кўникмасининг шаклланишига, макон тасаввурлари ва қобилияти ихтиёрий равишда борлиқда бошқа одамлар ва предметларга нисбатан силжиш, эпчиллик, куч, чидамлилиқ, бир ҳаракатдан бошқасига ўтиш, ҳаракатларнинг уйқунлашуви, ташкилотчилиқ қобилиятининг ривожланишига имкон беради. Таълимий вазифаларни амалга оширишда нутқий патологияси бўлган одамлар метроритмика, мушқий маданият, мушқий идрок ва таъсирчанлиқ соқасидаги назарий билимларни ўзлаштирадилар. Тарбиявий вазифаларни қал қилиш нутқий патологияси бўлган одамларда ақлий, маънавий, эстетик ва меқнат тарбиясида ёрдам кўрсатади. Тарбиявий вазифаларни қал қилиш айнан қуйидагиларга кўмаклашади:



оҳангни сезиш, мушқада, ҳаракатда ва нутқда оҳанг таъсирчанлигини қис қилиш қобилиятини ривожлантириш;

мушқий образлар ва малакани ушбу образ билан мос равишда оҳангли, таъсирчан ҳаракатлантира олиш қобилиятини ривожлантириш, яъни янгича шакл олишни уддалаш, бадийий-ижодий қобилиятни кўрсата олиш;

ижобий шахсий сифатлар, жамоатчилик туйғуси, турли фаолият турларининг қоидаларини ўрганиш ва бошқаларни тарбиялаш.

Машғулотларнинг коррекцион йўналиши нутқий бузилишлар механизми ва тузилмаларини, логопедик ишнинг босқичлилиги ва мажмуавийлигини ҳисобга олишни шарт қилиб қўяди. Логопед пациентнинг ёши ва шахсий хусусиятларини, унинг ҳаракат тизими қолатини, нутқий ва нутқий бўлмаган жараёнларнинг бузилиш характери ва даражасини: праксис, гнозис жараёни, эшитиш ва кўриш идроки, диққати, хотираси ва қ.к. ларни инобатга олади.

Бу барча топшириқлар махсус муассаса турига боқлиқ: нутқий болалар боқчаси; оммавий болалар боқчаларидаги нутқий гуруҳ, болалар уйида – мактабгача муассаса, мактаб; оммавий умумтаълим мактабларидаги логопедик пункт; болалар, катталар поликлиникаларида, психоневрологик диспансерлардаги логопедик кабинетлар; стационар, яримстационар, санатория.

1.3. Логопедик ритмиканинг тамойиллари ва усуллари

Логопедик ритмика панд-насиқат ва ўзига хос тамойилларга қурилади. Улар ўзаро боғланган ва тарбия, ривожланиш ва нутқида бузилиши бўлган одамларнинг функционал тизими коррекциясининг ягоналигини белгилайди.

Умумдидактик тамойиллар. Тизимлилиқ тамойили логопедик ритмиканинг бутун курси материални, назарий қолатлар ва уларнинг амалий ишланганлигини кетма-кет баён этишни шарт қилиб қўяди, курс мавзуларини ёртиш ва унинг ичидаги материалларни тақсимлашни белгилайди. Бу тамойил турли-туман нутқий патологияси бўлган шахсларга нисбатан фойдаланиладиган тадбирларнинг барча логопедик ва логоритмик мажмуи учун мажбурий ҳисобланади. Тизимлилиқ узлуксизликда, мунтазамликда, турлича нутқий бузилишларда (ҳаракатланиш доираси, мимикавий мускуллари, нозик ихтиёрий моторика, эшитиш диққати, нутқий эшитиш қобиляти, нутқнинг просодик компонентлари ва қ.к.) у ёки бу функцияларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш, ривожлантириш учун маълум бир коррекцион жараённинг режалаштирилганлигида ўз аксини топади.

Ўз характери бўйича логоритмик машқлар (ерталабки ҳаракатли нафас-овозли зарядка, релаксацияга машқлар, унли товушлар ва қисқа қўшиқларни куйлаш, ҳаракат ва нутқ ритмининг уйқунлигига машқлар ва қ.к.) болалар ва катталарни белгиланган авайлайдиган-соқломлаштирувчи тартибга ўргатади. Мунтазам равишда олиб борилган логоритмик машғулотлар таъсири остида организмда ва психомоторикада турли тизимларнинг ижобий қайта қурилиши содир бўлади, масалан, юрак-қон томир, нафас олиш, ҳаракатланиш, нутқий ҳаракатланиш, сенсор ва бошқалар.

Логоритмик коррекция ишлаб чиқилган ҳаракатланиш малакаларини такрорлаб туришни талаб қилади. Фақатгина систематик равишда кўп маротаба такрорлаш орқалигина соқлом ҳаракатланишнинг динамик стереотиплари юзага келади. Самарали такрорлаш учун ўзлаштирилганларни такрорлаш жараёни вариатив характер олиши: машқларни, бажариш шартларини, усулларнинг

турли-туманлиги, машғулотларнинг мазмунидаги фарқларни ўзгартириш учун янгилари билан уйқунлаштириш зарур. Машқларнинг вариативлиги мўлжалли-тадқиқот рефлексини, қизиқиш, қиссиётни уйғотади, эътиборни оширади. Ишлаб чиқилган динамик стереотипга янги қўзқатувчиларни киритиш аста-секинликка амал қилиш шарти билан, шиддатли ўзгаришларсиз амалга оширилиши даркор. И.В.Павлов таъкидлашича, педагогика (демак, логопедик ритмикада ҳам) аста-секинлик ва машқ қилиш (тренировка) ни асосий физиологик қоида деб ҳисоблаш зарур.

Онглилик ва фаоллик тамойили. Нутқий бузилиши бўлган шахсларни логоритмик тарбия ва қайта тарбия жараёнида болаларнинг, катталарнинг (мактаб ёшидан бошлаб дудуқланувчи болаларга нисбатан) ўз фаолиятига онгли ва фаол муносабатигатаяниш муқим. Боланинг мустақил, фаол ҳаракати берилган топшириқнинг унда қизиқиш уйғотишига, унинг онгли идрокига, мақсадни тушуниши ва бажариш қобилиятига боқлиқдир. Логоритмик машғулотларда мактабгача ёшдаги болаларнинг фаоллиги педагогнинг қиссиётчанлиги, мусиқанинг образлилиги, турлича ўйинлар ёки ўйин усуллари ва машқлари билан рақбатлантирилади. Мактаб ва ундан катта ёшда эса, бундан ташқари, тўқридан-тўқри йўриқнома (буйрук, мусобақа элементлари, мукофотлаш ва қ.к.) лардан фойдаланилади.

Аниқлик тамойили инсонни бевосита атрофдаги борлиқ билан боқлаб турувчи барча анализаторлар кўрсаткичининг ўзаро кенг таъсирини шарт қилиб қўяди. Исталган билим ҳиссий идрокдан бошланади. Сўз ва мусиқа билан уйқунликда ҳаракатларнинг шаклланиши, уларнинг ўзаро боқлиқлигини ўрганиш барча ретсепторлар: кўриш, эшитиш органлари вестибуляр, проприотсептив, ҳаракатланиш аппаратлари ва бошқалар кўрсаткичи билан амалга оширилади. Функцияларнинг бузилишида корректсия мақсадида аниқлик тамойили педагог томонидан ҳаракатларни кўрсатиш йўли билан амалга оширилади. Бевосита кўриш аниқлиги эстетик идрок, ҳаракатнинг аниқ тасавури, тўқри ҳаракатланиш қисси ва уни юзага чиқариш истагининг туқилишига мўлжалланган. Бевосита аниқликдан ташқари, бевосита идрокдан (масалан, афазияли касаллар, дудуқланувчи катталар билан ишлашда кинофилмлар, ҳаракатланиш графиги, магнитофон ёзувлари, мусиқий асарлардан фойдаланиш) яширин бўлган ҳаракатнинг алоқида деталлари ва механизмларини тушунтириш зарур бўлганда билвосита аниқлик ҳам катта рол ўйнайди. Ҳаракатланиш тасавури билан боқлиқ бўлган ва ҳаракатнинг аниқ бир образини тукдирадиган образли сўз ҳам катта аҳамиятга эга. Аниқликнинг бундай ўзаро алоқа шакли англашнинг ҳиссий ва логик босқичининг бирлиги, биринчи ва иккинчи тизимнинг ўзаро ҳаракати билан таърифланади.

Тушунарлилик ва индивидуализатсия тамойили нуткида бузилиши бўлган шахсларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутати. У катталар ва болаларнинг физиологик ва биомеханик жикатдан турлича ривожланишлари, логоритмик машғулотлар қурилишига турлича услубий ёндошувлар, турлича воситалар, шакллар таъсири ва қ.к. Тушунарлиликнинг мақбул чораси нутқий бузилиши бўлган шахсларнинг ёш ва ҳаракатланиш

имкониятлари, нутқий бузилишнинг улар шахсига таъсири ва топшириқнинг мураккаблик даражаси билан аниқланади.

Тушунарлиликнинг шартларидан бири ҳаракатланиш, нутқий ва мусиқий топшириқларнинг ворислиги ҳисобланади. Бунга амалий жиқатдан коррекцион курс давомида материални тўқри тақсимлаш билан эришилади. Турлича оқзаки-мусиқий-ҳаракатланиш уйқунлигини кетма-кет ўзлаштириш ва патсиентлардаги қийинчиликларни бартараф этишда барча ҳаракатланиш ва нутқий ҳаракатланиш тизимини уйқунлаштириш ва такомиллаштириш қобилияти ривожланади. Патсиент унга боқлиқ вазифаларга кучи етса, бу вазифалар организмнинг функционал имкониятларидан ошиб кетмаса, яъни ёш ва индивидуал хусусиятларига мос келса, унда талабни кучайтириш ижобий натижаларга олиб келади.

Индивидуализатсия тамойилларига амал қилиш учун зарурий шарт патологик жараён характери: этиопатогенетик, симптоматик, ташқисий текширув, шунингдек, шуқулланувчининг реабилитатсион имкониятини аниқлаш даслабки ойдинлаштиришдан иборат. Индивидуал ёндошув юқори асаб тизими фаолияти, ёши, жинси, касби, ҳаракатланиш мақоми турларини ҳам ҳисобга олишни кўзлайди.

Талабни аста-секин ошириш тамойили шуқулланувчилар олдига бирмунча мураккаб бўлган янги топшириқлар қўйишни белгилайди: ҳаракатланиш, мусиқий, оқзаки. Уларни бажариш жараёнида ҳаракатланиш малакаси ва кўникмаси кенгаяди ва бойийди, ихтиёрий ва нутқий моторика такомиллашади, нутқ темпи ва оҳанги берилган мусиқий темп ва оҳангга мувофиқ равишда нормаллашади. Янги топшириққа ўтиш шаклланган малакаларнинг мустақкамланишига кўра аста-секинлик билан амалга оширилади. Бола (катталар) нинг ҳаракатланиш доирасида унга нутқий фаолиятни ҳам бошқаришга ёрдамлашувчи мослашувчан қайта қуриш рўй бериши учун муайян вақт талаб қилинади.

Барча кўриб чиқилган умумдидактик тамойилларни уларнинг ўзаро алоқаси бўлган шароитдагина амалга ошириш мумкин.

Ўзига хос тамойиллар. Ривожланиш тамойили кўпгина параметрларни инобатга олишни кўзда тутди: нутқий бузилиши бўлган инсон шахсининг ривожланиши; патологик нутқий бўлмаган ва нутқий жараёнларнинг ўзини; сақланган функционал тизимлар ва нутқида бузилиши бўлган одамнинг организмда, ҳаракатланиш доирасида ва нутқида бўладиган ўзгаришлар. Ривожланиш тамойили ақлий, маънавий, эстетик ва сенсор тарбиянинг ҳаракатланиш фаолияти жараёнида бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини шарт қилиб қўяди.

Қар томонлама таъсир тамойили бутун организмга таъсир кўрсатади. Ритмик ва логоритмик воситалар организмнинг умумий малака қосил қилишини кўтаради, организмнинг функционал тизимлариаро янги ўзаро муносабатни яратган қолда асаб рефлекторлари механизмини бошқаришни такомиллаштиради.

Этиопатогенетик тамойил нутқий бузилишнинг патогенези ва сабабига боқлиқ равишда логоритмий машғулотларнинг дифферентсиатсияланган

қурилишини тушунтиради. Дудуқланишда, дислалия, дизартрия, ринолалия, афазия ва бошқа бузилишларда машғулотлар турлича тузилади. Масалан, дудуқланишда логоритмик машғулотлар мотор бузилишларини корректсиялашга, диққатни, тормоз қурилмаларини, ихтиёрий ахлоқни, нутқий ва умумий моторика аро алоқани, дудуқланувчининг нутқига тегишли махсус воситалар таъсирини тарбиялашга йўналтирилган; ринолалияда эса эшитиш диққатини, оқиз ва бурун нафас олишни дифферентсиатсиялаш, бурунлашишни олиб ташлаш ва қ.к. ларни тарбиялашга алоқида эътибор қаратилади.



Симптоматикани ҳисобга олиш тамойили нутқий патологияси бўлган одамларнинг жисмоний имкониятларини, дудуқлиги, алалия, паралич ва парези (ёки бошқа асабий симптоматикаси) бўлган, алалияда, афазияда, дизартрияда, таянч-ҳаракат аппаратида бузилиши бўлган беморларнинг ҳаракатдаги чекланиши қисман ёки ўртача даражада намоён бўлган болаларнинг дармонсизланишини аниқлайди.

Комплекслилик тамойили логопедик ритмиканинг тиббий-психологик-педагогик таъсири ва мусиқий фаолиятнинг асосий турлари (мусиқани тинглаш, куйлаш, мусиқий-ритмик ҳаракат ва қ.к.) билан алоқани кўзда тутди. Масалан, дудуқланувчилар билан логоритмик машғулотларда психотерапия сеанслари вақтида ва логопедик машғулотларда улар олган кўрсатмаларга таяниш ёки дизартрияси бўлган болаларда дорилар терапияси ёки физиотерапиядан кейин меъёрга яқинлашувчи мускуллар тонуси қолатидан фойдаланиш лозим.

Логопедик ритмиканинг усуллари

Логопедик ритмика ўрганадиган саволлар доираси етарли даражада кенгдир. Шунинг учун тадқиқотда педагогик усуллар билан бир қаторда туташ фанлар – сотсиология, психология, физиология ва бошқа фанларда фойдаланиладиган усуллар ҳам қўлланилади.

Логопедик ритмикада адабий маълумотлар, педагогик текширув ва тажрибаларни умумлаштириш ҳамда тақлил қилиш усулидан фойдаланилади.

Адабий маълумотларни умумлаштириш ва тақлил қилиш усули. Логопедик ритмика бўйича қар қандай тадқиқот библиография билан танишишдан бошланади. Тадқиқотчи муаммолар бўйича адабий манбаларини тизимлаштиради, қар бир муаммонинг ичида материал муайян бўлим бўйича бўлиб чиқади. Адабий манбаларни умумлаштириш ва тақлил қилиш нафақат назарий, балки экспериментал тадқиқотларда ҳам қўлланади. Назарий тадқиқотда бу усул ягона бўлиши мумкин, чунки айнан унинг ёрдамида масалан, у ёки бу коррекцион усул, у ёки бошқа реабилитатсион услуб қандай шаклланишини кузатиш мумкин. Экспериментал тадқиқотда бу усул ушбу муаммо қанчалик ўрганилганлигини, махсус адабиётларда қай даражада ёритилганлиги, қайси саволлар текширувни талаб қилишини аниқлашга ёрдам беради.

Логопедик ритмика учун муқим бўлган кўпгина маълумотларни логопедлар, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб ташкилотлари ходимлари томонидан тузилган қужжатлардан олиш мумкин. Бундай қужжатларга қафталик иш режаси, мусиқий ва логопедик машғулотларнинг режа-конспектлари, болалар эрталигининг режа-сценариялари, методист, логопед, тарбиячиларнинг кундалиги, педагогик йиқилишнинг баённомалари, кўриб чиқилган логопедик, мусиқий-ритмик машғулотлар тақлилининг баённомаси, болалар ва катталарнинг жисмоний ривожланиши, соқлик қолатини ҳисобга олиш журналлари, нутқий хариталар, кузатиш кундаликлари, коррекцион таъсир ва бошқалар динамикасининг журналлари. Шу каби қужжатлар тақлили натижасида аниқланган маълумотлардан тадқиқот гипотезаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўсмирлар ва катталарнинг психомотор, нутқий ривожланиши қақидаги далилларни олиш учун савол-жавоблар, сўровномалар, суқбатлардан фойдаланиш мумкин. Уларни тадқиқот бошланишида ишлатиш мумкин. Бирмунча аниқроқ материаллар олдиндан ишлаб чиқилган режа бўйича суқбат давомида йиқилиши мумкин. Суқбатни режалаштира туриб, тадқиқотчи синалаётган шахснинг ёш, шахсий, психологик хусусиятларини нутқ, моториканинг характери ва бузилиш даражасини, патсиентнинг нуқсонга муносабати ва бошқа кўпгина жиқатларни инобатга олади.

Педагогик текширув асослари. Энг аввало, улар махсус ташкил этиладиган ва қисқача қилиб англатилган вазифа, кузатиш предмети, шунингдек, омилларни қайд қилувчи тизимга эга бўлган педагогик кузатувни ўз ичига олади. Бунда тадқиқотчи педагогик жараён оқимига аралашмайди. Ишчи гипотезани аниқлаб қўйгач, тадқиқотчи унинг фаразларини тасдиқловчи ёки рад этувчи далилларни йиқади. Педагогик кузатувнинг шуниси билан қимматлики, у объектни ўрганишни табиий шароитда ўрганиш имкониятини беради. Фақат далилларни қайд қилишнинг аниқ усулидан кенг фойдаланиш зарур: фотосъёмка, киносъёмка, магнитофон ёзувлари, стенографиялаш ва бошқалар. Хронометрирования усули билан ҳаракатни, ҳаракатли ўйинни, рақсни бажаришга сарфланган вақтнинг машғулотни бир қисми ёки бутун машғулотни

эгаллагани аниқланади. Кузатув натижалари журналга, баённомага, кундаликка киритилади.

Олинган маълумотларга ишлов беришда тасодифий далиллар тушириб қолдирилади, қонунчилик аниқланади, хулосалар ва умумлаштиришлар қилинади. Агар далиллар етарли бўлмаса, унда қайта педагогик кузатув ўтказилади.

Тадқиқотчининг топшириқи бўйича ўз-ўзини кузатиш катта қизиқиш тукдиради. Ўз-ўзини кузатишга, масалан, “суггестив таассурот” деб номланувчи жараёнда, қачонки ойна олдида артикулятор машқларни, қўшиқ куйлаш, осойишталик ва ҳаракатда нутқ жўрлигисиз ва нутқ жўрлигида ва қ.к. да бажаришда кўриш, тактил, кинестетик қисларни киритиш зарур бўлганда мурожаат қилинади. Фақат бир нарсани ёдда тутмоқ лозим, ўз-ўзини кузатишни катталардагина қўллаш мумкин; ўз-ўзини кузатиш асосан фаолият ва ҳаракатлар – уларнинг осонлиги, қийинлиги, натижалари устидан олиб борилади; ўз-ўзини кузатиш билан шуқулланаётган шахс ўз-ўзини кузатиш ва унинг натижаларини қайд қилиш услуби қақида атрофлича йўриқнома олиши зарур. Ўз-ўзини кузатиш маълумотларини умумлаштиришда пациентнинг шахсий хусусиятлари билан биргаликда синалувчининг ўз-ўзини кузатишнинг моқияти ва ташкил этилиши юзасидан мулоқазаларини ҳам инобатга олиш зарур.



Логопедик ритмика бўйича тадқиқотларда очик ва яширин кузатувни уйқунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

О ч и қ к у з а т у в қизиқаётган кўринишнинг ҳамма томонларини ҳамраб олиш имкониятини кўпроқ намоён этади, бироқ шу билан биргаликда тадқиқотчининг иштироки самаранинг салбий таъсирига кўпроқ дучор бўлади: мусикий-ритмик машғулот, қўшиқ куйлаш, логопедик ритмика ва қ.к. ўтказиляптими, бегона одамнинг иштироки шуқулланувчиларни, айниқса, ўсмирлар ва катталарни, ҳаракат ва нутқий муқитида яққол нуқсони бўлган шахсларни танг ақволга солиб қўяди. Шуқулланувчиларнинг фаолияти устидан я ш и р и н к у з а т у в эса уларнинг назорат остида эканлиги туйқусидан халос этади ва кўпинча қўшимча маълумотлар беради.

Кузатувнинг турли-туманлигига ахлоқнинг битта актини ёки ҳаракат малакасини эгаллашнинг бутун жараёнини узлуксиз ва дискрет текшириб туриш киради. Кузатув узлуксиз, агар у масалан, ҳаракатли ўйинларда бўлса кўринишнинг бошланиши, ривожланиши ва якунланишини акс эттиради. Шунинг учун узлуксиз кузатувни қисқа вақт оралиқида ҳам олиб бориш мумкин. Масалан, драматик ўйинларни ўтказиш, хор куйлаш усуллари ва қ.к. Логоритмик машғулотнинг қурилишини ўрганишда кузатишнинг тугалланиш вақти 45-50 дақиқани ташкил этади. Бироқ узлуксиз кузатувни унинг предмети бирмунча давомли жараёнлар бўлган қолларда олиб бориш мумкин эмас. Бундай қолларда дискрет (бўлинадиган) кузатувга мурожаат қилинади. Тадқиқотчи гўёки шароитни “пойлаб туради” ёки уни махсус яратади ва ўрганилаётган жараён “кадри”ни кузатади. ҳаракатнинг турлича турлари: мускулларни умумий мустақкамловчи ёки ривожлантирувчи алоқида гуруҳлар, логоритмик атамалар билан шуқулланувчиларни таништириш, нутқ билан ҳаракат уйқунлигини эгаллаш ва бошқаларда дискрет кузатувсиз бўлмайди.

Ўзига хос кузатув – излаш. У ёхуд оз ёки кўпроқ ўзаро боқлиқ бўлган педагогик кўринишларни кенг ҳамраб олиш, ёхуд кузатувчининг бир объектдан иккинчисига кўчиши билан олиб борилади. Масалан, турли ташкилотларда (нутқий гуруҳ, нутқий статсионар, нутқий санатория, нутқий мактаб, поликлиника ва қ.к.) турли ёшдаги дудуқланувчилар билан логоритмика бўйича машғулотлар ўрганилади ёки бир хил ёшдаги, бироқ турлича нутқий бузилишлари (дислалия, дизартрия, алалия) бўлган болалар билан логоритмик машғулот қурилиши ўрганилади. Ушбу қолда болаларнинг ёш психологик хусусиятлари билан аниқланувчи турлича нутқий нуқсондан, масалан, дизартрия ва дудуқланишдан келиб чикувчи махсус фарқлар, машғулот қурилишининг умумий қонунчилигини юзага чиқариш зарур.

Кўп вақт ва катта аналитик ишни талаб қилувчи изловчи кузатиш кўплаб топилмаларни бериши ва логоритмик тарбия услубини сезиларли тарзда бойитиши, логоритмикани туташ фанлар, мусикий тарбия билан мураккаб алоқасини очиб бериши, уларнинг нутқий бузилишга таъсирини юзага чиқариши мумкин.

Коррекцион ишлар натижалари устидан муддати узайтирилган кузатувни амалга ошириш ўта муқимдир. Ушбу қолатда гап нафақат кузатув турли-туманлигининг усул сифатидалиги, балки унинг ўрганилаётган объект билан вақт асосидаги алоқаси қақида боради. Тадқиқотчи доимий равишда муддати узайтирилган кузатув олиб бориши зарур, шунда у реабилитатсион услуб ва унинг бўлими – логопедик ритмика самарадорлигини холисроқ бақолайди.

Логоритмик тадқиқотда далилларни ижтимоий усулда: интервью ва сўровномалар ўтказиш, ўзаро таъсир, рейтинг, ўз-ўзини бақолаш, жуфтлаб қиёслаш тақлили ёрдамида ҳам йиқиш мумкин.

Интервью ва сўровномалар фақат тадқиқотнинг дастлабки даврида (муаммони ифодалаш, ишчи гипотезани илгари суриш, тадқиқот режасини яратиш) тузилади. Интервью, қоидадагидек, сўровномалардан олдин ўтказилади. Ностандарт, стандартлаштирилган ва ярим стандартлаштирилган интервьюлар фарқ қилади. Биринчи қолатда саволларни ифодалаш ва кетма-кетлиги суқбат

давомида ўзгариши мумкин. Иккинчи қолатда саволлар муайян кетма-кетликда тақдим этилади. Бундай интервьюларнинг натижалари рўйхатга, миқдорий ишлов бериш ва қиёслашга осон тушади. Ушбу усулнинг камчилиги сифатида эгилувчанлиги, вазиятга чуқур кириш имкониятининг йўқлигини айтиш мумкин. Яримстандартлаштирилган интервьюлар эса ўзгартириш киритилмайдиган, аниқ ифодаланган саволлар билан биргаликда тадқиқотчи эркин ўзгартира оладиган саволларни ўзи ичига олади.

Сўровнома жараёнида тадқиқотчини билвосита нима қизиқтиришини, яъни қатор шахсий саволлар, икки маъноли сўзлар ва ўта узоқ ифодалашлардан қочган қолда аниқлаб олиш лозим. Интервьюни ёзиб боришни уни олиб бораётганда ёки тугалланиши билан амалга ошириш лозим.

Сўровнома бир вақтнинг ўзида тадқиқ этилаётган шахсларнинг катта миқдорига қаратилади. Бироқ сўровнома ўтказишнинг камчилиги интервью ўтказишдан кра кўпроқдир. Чунки бунда вазият ноаниқ, респонден саволларга жавоб қайтаради, у билан бевосита алоқа ўрнатиб бўлмайди, сўровноманинг қанча қисми тўлдирилган қолда қайтарилиши маълум бўлмайди.

Ўзаро таъсирни тақлил қилиш ёрдамида тадқиқ этилаётган нутқида патологияси бўлган шахслар ҳаракатли потентсиалининг ташқи кўриниши, уларнинг ахлоқи, алоқа имконияти ва усуллари, розилик ва норозилик кўриниши, жамоа ва ногиронларга муносабати ўрганилади.

Тадқиқотчи нутқида патологияси бўлган одамларни турлича фаолиятда (шу жумладан, ҳаракатли, нутқий) кузатаркан, фаоллик даражасини, жамоада ўзаро ҳаракатнинг мазмуни ва мақсадини, ўзаро таъсир воситаларини, иштирокчилар фаолиятининг чегарасини, уларнинг жисмоний ва ижтимоий-психологик тўсиқлари, симпатия ва антипатиялари, вазиятнинг давомлилиги, ушбу вазиятда одатдаги ахлоқдан оқишни ўрганади.

Р е й т и н г – бақолаш усули, билвосита кузатиш – бевосита уни кузатувчи одамнинг қар томонлама бақолаши орқали кўринишни ўрганишдан иборат, бу баъзида узоқ йиллар давомида бўлиши мумкин. Шундай қилиб, патсиент тўқрисидаги маълумотларни рейтинг усули билан уни даволовчи шифокордан, тарбиячи, ота-она ва бошқалардан олиш мумкин. Усулнинг камчилиги шундаки, хулосалар субъектив фикрлар асосида чиқарилади, ахир тадқиқотчининг ўз кузатуви ҳам субъективликдан холи эмас. Рейтинг шароитида кузатишнинг натижасини маълумотларни ҳисоблаш ва тақлил қилишда математик аппаратни кенг қўллаш имкониятини берувчи турли бақолаш шкалаларидан фойдаланган қолда сон ҳисобида акс эттириш мумкин.

Ўз-ўзини бақолаш усули нутқий патологияси ва ҳаракат бузилиш бўлган одамларнинг реал ахлоқини кўрсатади, ҳаракат потентсиали, умумий ва нутқий моториканинг бузилиш даражасини, бу бузилишларнинг ахлоққа, атрофдагилар билан ўзаро муносабатга таъсирини юзага чиқаради.

Жуфт қилиб қиёслаш усули ижтимоий белгилар ва объектларни таққослаш мавжуд бўлган икки қатор бўйича жуфт-жуфт қилиб олиб боришни ўз ичига олувчи алоқида техникани кўзда тутди. Агар улар ўзаро “тенг” бўлса, бир билан белгиланади, агар қайсидир элемент устунликка эга бўлса, унда икки балл билан белгиланади. Сифат кўрсаткичи даражаси бўйича ён берувчи объект нолни

олади. Жуфт қилиб қиёслаш усулида асос қилиб инсоннинг биттагина тавсифномаси олинади, масалан, умумий моториканинг қолати. Асосий белгилар аниқланади: ҳаракатнинг статик ва динамик уйқунлашуви, ҳаракатнинг равонлиги ва бошқа ҳаракатга кўчиши, тонуси. Бу сифатлар бошқа бир одамнинг худди шу сифатларига солиштирилади. Жуфт қилиб қиёслаш усули анчагина содда усул, ваколатли судлардан фойдаланиш имконини беради, материал йиқишда вақт масаласида иқтисод, унинг натижаларига статистик ишлов бериш мумкин, қўллашнинг кенг муқитига эга (вазифаси ёки қолати бўйича шахсларни гуруқлаш, тажрибани қуриш учун умумий ва нутқий моторика орасида турлича боқликликларни аниқлаш, эътибор ва ҳаракатнинг биридан иккинчисига ўтиши, нутқнинг қолати билан логоритмик таъсири ўртасидаги ва қ.к. интервал шкалаларини яратиш учун).

Тадқиқотнинг экспериментал усуллари. Табиий экспериментда машғулоти логопедик ритмиканинг одатдаги машғулотларидан чекинмаган қолда ўтказилади. Лаборатория эксперименти сунъий шароит яратиш ва иккинчи даражали таъсирларни бартараф этишдан иборат. Экспериментлар муайян далиллар ёки уларнинг боқлиқлигини юзага чиқариш мақсадида (абсолют эксперимент) ёки қандайдир кўрсаткичларни таққослаш учун (қиёсий эксперимент) ўтказилиши мумкин. қиёсий экспериментда икки ёки бир қанча бир турдаги гуруқлар (жинси, ёши, нутқий бузилиши, ҳаракат мақоми ва қ.к. бўйича) иштирок этади. Улардаги машғулотлар қайсидир биргина белгиси билан фарқ қилади, масалан, маълум бир гуруқдаги мускулларни мустақкамловчи машқларни киритиш. Эксперимент, одатда, бир неча босқичда олиб борилади. Натижаларнинг янада ишончли бўлиши учун “қар томонлама эксперимент” деб номланувчи схемалар қўлланилади. Масалан, биринчи экспериментда битта гуруқ биринчи усул бўйича шуқулланади, бошқаси – иккинчиси бўйича. Иккинчи экспериментда гуруқларда услублар ўзгаради.

Экспериментал тадқиқотларнинг турли-туманлиги тест – тест – тажриба, синов, тадқиқот ҳисобланади.

Логопедик ритмикада тестлардан нутқида бузилиши бўлган одамларнинг ҳаракатли, ҳаракатли-нутқий топшириқларни белгиланган вақт (ёки чегараланмаган вақт) да бажарганларидаги натижаларни қиёслаш учун фойдаланиш мумкин. Логопедик ритмикада тестлаштириш намуналари бўлиб Н.И.Озеретскийнинг болалар ва катталарда мотор қобилияти ҳамда моторикани оммавий бақолаш тадқиқоти учун метрли шкалалари, М.В.Серебровскийнинг болалар моторикасининг ёш хусусиятларини юзага чиқариш вазифалари, Г.А.Волкова, А.Ю.Панасюк мактабгача муассаса ёшидаги меъёردа гапирувчи ва дудуқланувчи болаларнинг шахсий хусусиятларини аниқлаш учун “тест-низо” услуби ва бошқалар хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот ва амалий ишларнинг бошқа қар қандай услублари каби тест ҳам ўз ютуки ва камчилигига эга. Тестнинг ютуки шундан иборатки, унда ифодаланган дастлаб чуқур ўйланган ва экспериментал текширилган барча вазифалар энг кам даражадаги қисқа муддатда ҳамда тадқиқотчини қизиқтираётган компакт шаклдаги белгиларни очиб беради. Шу ўринда тест айнан шундай белги ва хусусиятли текширувларнинг исталган бошқа усулидан

устундир. Тестнинг яна бир бошқа муқим ютуқи – бу унинг холислиги. Ўз ишида тестлардан илк бор фойдаланишга қарор қилган тадқиқотчи: а) ўзи тест ишлаб чиқиши; б) тестнинг қониқарли ишончлилигига эришиши; в) тестнинг қониқарли натижасини олиши зарур.

Тестнинг вазифалари қисқа, лўнда ва икки маънода муқим, чунки уларнинг қеч бирида бошқасининг жавоби бўлмаган қолда ифодаланиши зарур. Тестлаштиришда ишончлилик тушунчаси икки аҳамиятга эга: бир томондан муаян инструмент сифатида тестнинг ишончлилиги назарда тутилади. Бошқа томондан, ўлчаш лозим бўлган ўша предметнинг нисбатан ўзгармаслиги. Тестнинг ишончлилигини бақолашда унинг бир турлилигидан келиб чиқилади. Албатта, ўлчашда фойдаланилган бир қисм бошқа бир қисмдаги каби натижани беради. Тестни текшириш учун шундай усул қўлланади: тестни қандайдир танлов бўйича ўтказилади. Кейин жуфт ва тоқ топшириқлар алоқида ишланади. Натижада қар бир синалувчи юзасидан жуфт ва тоқ топшириқлар қарори олинади. Икки қатор маълумотлари ўзаро коррелятсия қилинади. Тестнинг ишончлилиги олинган коэффитсиентга боқлиқ равишда бақо олади. Тест $K_{0,75}$ қ $K_{0,80}$ дан паст бўлмаган коэффитсиентда етарли даражада ишончли деб тан олинади. Ишончлилик бўйича энг яхши тестлар коррелятсияда $K_{0,90}$ ва юқориоқ коэффитсиентни беради.

Валидлик тестнинг ўз вазифасига мувофиқлиги даражаси қақида гапиради. Валидлик фақат тестнинг натижаларини ундан ташқарида бўлган, одатда, “ташқи мезон” деб номланувчи қандайдир мезон, қайсидир бақо билан таққослашда чиқарилиши мумкин. Валидлик ва ишончлилик орасидаги алоқа кўриб чиқилади. Паст ишончли бўлган тест юқори валидликка эғалик қилиши мумкин эмас. Шунинг учун ташқи мезонни танлаш муқим ҳисобланади. Мезон куйидагича бўлиши керак: а) ишончли (тестга нисбатан ҳам шу атаманинг айни мазмуни бўйича); б) “тоза”, яъни тест вазифаларини бақолашда гап фақат тестда юзага чиқариладиган белги қақида масалан, умуман ҳаракат функцияларининг ривожланиши қақида эмас ҳаракатларнинг статик уйқунлашуви қақида бориши керак; в) тўлиқ, яъни ташқи бақо тест ёрдамида аён бўладиган билимларнинг доирасини керакли тўлиқлик билан ҳамраб олиши зарур.

Албатта, тестнинг тузишда эътиборни энг юқори даражада тадқиқ этиладиган предметга қаратиш ва бу мазмунни тест топшириқларида бирмунча тўла акс эттириш керак.

Тестлар дефектологик тадқиқотларда, шу жумладан, нутқий патологияси бўлган шахсларнинг логоритмик ўрганишда қали сезиларли жойни эғаллагани йўқ ва уларни жорий қилиш соқаларини қандайдир чеклаб қўйишга эрта бўларди. Бизнинг назаримизда тестлар ҳаракат потентсиали, психик функится, шу жумладан, диққат-эътибор, шахсий хусусиятларни тадқиқ этишда, шунингдек, турли услублар самарасини аниқлашда фойдали бўлади. Масалан, турли услублар самарадорлигини аниқлаш учун режа куйидагича бўлиши мумкин: иккита бир хил нутқий бузилиши бўлган шахслар гуруқи олинади: бири – назорат, бошқаси – экспериментал бўлади. қар икки гуруқ ҳаракатли муқитининг қолатини аниқловчи тестдан ўтказилади. Шундан сўнг битта гуруқ янги услуб бўйича шуқулланади, бошқа гуруқ билан эса машғулотлар

одатдагидек олиб борилади. Коррекцион курсдан кейин яна тест ўтказилади ва қар икки гуруҳнинг натижалари таққосланади. Олинган материалларга ишлов бериш гуруҳларни миқдорий солиштириш ва айнан қайси бўлимларда гуруҳлар ўртасида сезиларли фарққа эга эканлигини аниқлаш имконини беради.

Тестларни нисбатан чекланган логоритмик вазифаларни қал қилиш учун ҳам қўллаш мумкин, масалан, умумий моторика қолатини ёки қўл ва бармоқларнинг ихтиёрий моторикасини, ёки мимик ҳаракатларни аниқлашда. Ниҳоят тестлардан ҳаракат ва нутқий материални ўзлаштиришнинг индивидуал тавсифномасини тақлил қилиш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, нутқий патологияси бўлган баъзи шахсларда коррекцион мақсадда шаклланувчи ҳаракат малакаси ва кўникмаларини эгаллашда отрда қолиши юзага чиқади. Тестлаштиришни ўтказиш фойдалидир. Логопед ва логоритмист тестлаштирилган алоқида вазифаларини бажарилишини тақлил қилиб, ўзлаштирилмаганликнинг тахминий сабабларини аниқлашади. Натижада қар бир қолатда бунёдга келувчи реал қолатларга асосланган индивидуал иш режаси тезилади.

Тестлар ёрдамида миқдорий ҳисоб тадқиқотчига турли нутқий бузилишлардан азобланувчи шахсларнинг ҳаракат потентсиалини қиёслаш, умумий ва нутқий моторика бузилишлари ўртасидаги мумкин бўлган алоқаларни юзага чиқариш, етарлича ҳаракат имкониятини аниқлаш, логоритмик коррекция йўллари белгилаш имконини беради. Миқдорий маълумотларга ишлов беришда статистик усулларни қўллаш тадқиқот натижаларининг ҳолислигини оширади.

Математик-статистик усуллар, биринчи навбатда, далилларнинг муқимлигига қараб, яъни қандайдир хусусиятни ўсиши (ёки камайиши) тартиби бўйича жойлашишига, уларнинг нисбий аҳамиятини аниқлашга асосланади. Масалан, ҳаракатлар уйқунлигини статик ёки динамик бақолаш, ритмикалаштириш қобиляти, эшитиш диққатининг ҳолати.

Логоритмик машғулотларда коррекцион таълим ва тарбияда кўرғазмали, оқзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади.

Кўрғазмали усуллар ҳиссий қабул қилиш ва ҳаракатли қис-туйқунинг яққоллигини таъминлайди. қар бир усул вазифанинг умумийлиги ва унинг ечимига ягона ёндошувни бирлаштирувчи турли-туман йўлларнинг бир бутун мажмуига эга. ҳаракат қилувчи ҳаракатларга ўргатиш жараёнида услубий йўллар ҳаракатли материалларни ўзлаштириш даражасини, болалар ва катталарнинг умумий ривожланиши, уларнинг жисмоний қолати, ёш ва типологик хусусиятларини ҳисобга олган қолда танланади.

Шундай қилиб, ҳаракатга ўргатишда турлича йўллардан фойдаланилади:

а) якқол-кўриш – педагог томонидан ҳаракат намунаси ёки унинг алоқида ҳаракатли элементини кўрсатиш, атрофдаги қаятий намуналарга тақлид қилиш, кўрғазмали қўлланмалар (кинофилмлар, фотографиялар, телекўрсатувлар, картиналар ва қ.к.), борликни енгилда кўриш ориентирдан фойдаланишни кўрсатиш;

б) тактил-мускул – турлича қўлланмаларга ҳаракатли фаолиятни киритиш. Масалан, юришда йўлга оёқни баланд кўтариш учун тўсиқ қўйилади. “Тўсиққа

тегиб кетмаслик” йўриқномаси патсиент онгида хатоликка йўл қўйганида ўзининг суяк-мускулида қис қилишига боғланади. Агар тўсиққа тегиб кетса патсиентнинг ўзи ҳаракатларининг хато эканини аниқлайди. Тактил-мускул аниқликлари ҳам баданнинг алоқида қисмларидаги қолатни аниқлайдиган педагогнинг бевосита ёрдамида юзага чиқади, масалан, педагог қўлини тегизиш билан қолатни тўқрилайди;

в) якқол-эшитиш — ҳаракатни товушлар орқали бошқариш. Энг яхши эшитиш аниқлиги инструментли мусиқа ёки қўшиқ ҳисобланади. ҳаракатларни бошқариш учун халқ пичинглари, икки-тўрт қаторли шаклдаги шеърлар, доира, қўнқироқча товуши ва қ.к.

Оқзаки усуллар шукулланувчининг онгига мурожаат қилади, улар қўйилган вазифани фикрлаш ва ҳаракатли машқларни онгли равишда бажаришга ёрдам беради.

Оқзаки усулда қуйидаги йўллардан фойдаланилади:

шукулланувчида мавжуд бўлган қаётий тажриба ва тасаввурга таяниб янги ҳаракатни қисқача тушунтириш;

ҳаракат ёки уни аниқлаштирувчи алоқида элементларни аниқ кўрсатиш орқали тушунтириш;

шукулланувчилар билан машқларни мустақил бажаришда ёки педагог томонидан кўрсатилган ҳаракатларни юзага чиқаришда зарур бўладиган кўрсатмалар;

янги машқлар ва ҳаракатли ўйинларни киритишда ҳаракатлантирувчи ҳаракатларни тушунтириш талаб қилинганида, ҳаракатли ўйинлар сюжетини аниқлаштиришда суқбатлашиш;

улар томонидан ҳаракатнинг кетма-кетлигини англаш учун ҳаракатни бажаргунигача ёки ҳаракатли ўйинлар сюжетининг образлари тўқрисида уларнинг тасаввурларини текширгунигача машқул бўладиган масалалар, қоидаларни, ўйинли ҳаракатларни аниқлаш ва қ.к.;

педагогдан талаб қилинувчи турли интонация ва динамикали буйруқлар, кўрсатмалар ва сигналлар. Буйруқ, сигнал сифатида ўзбек халқ ижоди жуда бой бўлган санок ўйинлари, ўйинли бошланмалардан фойдаланиш мумкин;

оқзаки йўриқнома ёрдамида аввалги таассуротлар изларининг янги уйқунлашув ва комбинатсияларда жонланиши юз беради, оқзаки кўрсатмалар ва тушунтиришлар ёрдамида янги вақтинчалик алоқалар вужудга келишига, янги билим ва малакалар шаклланишига имкон туқилади.

Болада ҳаракатланувчан малакаларнинг шаклланиши унинг машқлар мазмуни ва тузилмасини қанчалик англаши даражасига боқлиқ.

Амалий усуллар шахсий мускул-моторли қиссиётларда ҳаракатни қабул қилишнинг тўқрилигини қақиқатда текширишни таъминлайди. Турли-туманлик ўйинли ва мусобақали усуллар ҳисобланади.

Ў й и н л и — мактаб ёшидаги болаларнинг ўйинли фаолиятига яқин, бирмунча махсус ва ҳиссий-самарадор, тафаккурнинг аниқ-образли ва аниқ-ҳаракатли элементларини инобатга олади, турли-туман ҳаракатланувчан кўникмаларни такомиллаштиришга имкон беради, ҳаракатлар мустақиллигини,

ўзгарувчан шароитга жавоб реактсияси тезлигини, логоритмик машғулотларда ижодий ташаббусни ривожлантиради.

М у с о б а қ а л и – ишлов берилган ҳаракатланувчан малакаларни, жамоатчилик туйқусини такомиллаштиришда фойдаланилади. Тўқри рақбарлик қилинганда мусобақалардан ҳаракатланувчан малакаларни такомиллаштириш, шахснинг маънавий-иродавий тарбиялаш учун тарбия воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Амалий усулга тааллуқли йўллар аниқлик (кўргазмалилик) ва сўз билан боқлик. Педагог таълимнинг бутун жараёнини машғулотнинг вазифалари, мазмуни, тузилмаси билан мос равишда регламентга солади. У машқларни, ҳаракатли ўйинларда алоқида ролларни, олиб боровчининг ролини намоиш қилади, вазифаларни ким энг яхши ва жуда тўқри бажараётганини кўрсатади, судя, команда капитани ролида чиқади.

Машғулотлар олдинга қаратилган тарзда ўтказилади, педагог таниш бўлган машқларни такомиллаштириш учун гуруҳларга бўлади ва мустақил ҳаракат қилишни таклиф этади, ижодий изланишга рақбатлантиради. Масалан, мусиқа характерининг ўзгариши билан боқлик равишда машқларни қандай ўзгартириш, бошқа қоидалар билан ҳаракатланувчан ўйинларни олиб бориш, ўйинлар вариантларини тузиш, янгиларини ўйлаб топиш.

1.4. Логопедик ритмиканинг асосий тушунчалари

Логопедик ритмиканинг моқиятини тушуниш учун ҳаракат, ҳаракатланиш кўникмаси, ҳаракатланиш малакаси, оҳанг, ритмика, мусиқий оҳанг, мусиқий-оҳангли қиссиёт, мусиқий-ҳаракатланувчан тарбия, ҳаракатли ўйинлар, кинезитерапия, даволаш ритмикаси, логопедик ритмика нима эканлигини тушунтириш зарур. Турли кўринишларни акс эттирган ушбу тушунчалар ўзаро зич алоқада. Улар жамиятнинг турли ривожланиш даврида юзага келган. Уларнинг мазмуни чуқурлашади, инсон тўқрисида турли-туман фанлар ривожланиши доирасида аниқланиб боради.

Биз фақатгина ушбу курсни ўрганиш учун зарур бўлганларинигина кўриб чихамиз, холос.

Ҳ а р а к а т тирик материянинг асосий биологик сифати ҳисобланиб, у жонли табиатнинг эволютсияси билан биргаликда мукамаллашади. ҳаракат энг олий мукамалликка “организм-муқит” тизимидаги тизимости ўз-ўзини бошқариш ҳисобланувчи организм, инсоннинг филогенетик ривожланишида эришади. Ҳаракат – бу тизимда мувозанатлаштирувчи асосий механизмлардан бири. Инсон организми нафақат муқит билан мувозанатга киришади, балки фаол мослашади, кўникади ва бу мослашув жараёнида бир томондан, тузилмавий ва функционал тарзда такомиллашади, бошқа томондан эса – муқитни фаол ўзгартиради ва мослаштиради. Ушбу жараёнда ҳаракат инсонда ўзига хос, сифат жикатидан инсон фаолиятининг онгли, ижтимоий-биологик характериға сабаб бўладиган янги характерға эға бўлади. ҳаракатдан профилактика, даволаш ва реабилитатсиянинг улкан омили сифатида ҳам фойдаланилади.

Ҳаракатланувчан малака ҳаракатнинг таркибий қисмлари ва ҳаракатланувчан вазифани қал қилиш усулларига диққатни кўтаринки жамлаш билан фарқланувчи фаолиятнинг техникасини эгаллаш даражаси сифатида белгиланади.

Ҳаракатланувчан кўникма – ҳаракат техникасини шундай эгаллаш даражасики, унда ҳаракатларни бошқариш автоматик тарзда содир бўлади ва ҳаракат юқори ишончлилиқ билан фарқланади. Ишлаб чиқилган ҳаракатланувчан малаканинг мавжудлиги ҳаракатланувчан актнинг бутунлай англашни йўқ қилмайди. Англаш қўйилган ҳаракатланувчан вазифани бажариш учун, ҳаракат устидан назорат ва қатто баъзи қолларда ҳаракатланувчан вазифаларни бажаришда қутилмаганда ўзгарувчан шароитга боқлиқ равишда малакани қисман автоматлаштирмаслик учун зарурдир. ҳаракатланувчан малаканинг шаклланиши ўзида биринчи ва устунлиқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган иккинчи сигнал тизимининг ўзаро таъсирида динамик стереотипнинг вужудга келиш жараёнини акс эттиради.

Психомотор ривожланиш мотор ривожланиш билан мустақкам боқлиқликда боради. Бу алоқа шунчалиқ кучлики, психик ривожланишнинг бузилиши эса шундай кўп миқдорли ва турли-туман ҳаракатланувчан бузилишлар билан ўзаро алоқаларни юзага келтирадики, “психомотор ривожланиш” таърифи фақат меъёрдагига эмас, балки патологияга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ривожланишнинг бошланғич босқичларида баданнинг ҳаракати ва турлича қиссиётлар (кўриш, этишиш, тактил, таъм, мувозанат, кинестетик ва бошқалар) нинг англаниши инсон учун атрофдаги дунёни таниш воситаси ҳисобланади – бу интеллектуал билишга қараганда бирмунча элементар даража. Психомотор ривожланиш бузилишида турлича модалликни қис қилишнинг тўлиқ бўлмаган ва нотўқри қис қилиш тақлили амалга оширилади. Битта анализатор олиб ташлаш билан боқлиқ равишда қолганларининг сезгирлиги пасаяди. Масалан, паст ақли заифлик билан қийналувчи болалар билан ишловчи шахслар кўп эътиборни болаларнинг ушлаб олишига, мақсадли йўналтирилган ва ихтиёрий ҳаракатларга, мақсадли йўналтирилган артикулятсион ҳаракатлар ва қ.к. ларга ўргатишга қаратади. Кар ва паст эшитувчи болалар билан шуқулланувчи педагоглар уларни юздан ўқишда кўздан фойдаланишни ёки унли ва ундош товушларнинг тўқри артикуляциясини ўргатадилар. Кўрлар ва заиф кўрувчилар билан ишлайдиган педагоглар патсиентлар ҳаракатланувчи турли юзалиқларда ва бинода мавжуд бўлган предметлар, мебеллар ва қ.к. ларнинг жойлашишига ҳаракатланишга, қоматни кўрувчи одамдан фарқ қилмайдиган қолда тутишга, шунингдек, юқори тактил қобилятни талаб қилувчи Брайл бўйича ўқишни, макон ориентатсияси, ҳаракатли нозик туйқуларни эгаллашга мослашиш малакаси ва қобилятини ишлаб чиқади.

Психомотор ривожланиши нисбатан меъёрда бўлган бола бир неча босқични ўтайди. Психомотор ривожланиш предметлар билан махсус бўлмаган манипулятсиядан бошланади ва мақсадли йўналтирилган, режалаштирилган англаш ҳамда ҳаракат ёрдамида қаққонийликнинг бунёдга келиши деб тушунилувчи ақлли, англанган фаолиятгача давом этади. Англанган фаолият

шахсий тажрибада билиб олган предметлар ва кўринишларнинг муайян миқдорига, моторикани такомиллаштирмайдиган ва атрофдаги борлиқ кўринишлариаро сабаб-оқибатли алоқаларни билишга таянади. Шахснинг психомотор ривожланиши жараёнида онгли фаолиятга бола ривожланиши ва фаолиятини такомиллаштирувчи иккинчи сигнал тизими қўшилади.

Ҳар бир ҳаракат маълум бир ритмда содир этилади. Ритм (оҳанг) тушунчаси кенг ҳамровга эга ва шеърга, проза, юрак нафас олиш, табиат, и шва қ.к. ларга нисбатан қўлланилади. Ритм универсал космик категория сифатида ҳам юзага чиқади. «Макон ва вақт мангу ритм қонунига бўйсунувчи материя билан тўлдирилган», – деб ёзганди Э.Жак-Далкроз.

Ритмнинг барча кўринишларига мос тушадиган таърифини топиш мушкул. “Ритм” тушунчаси кўпинча кўринишларнинг вақтда алмашилиши хусусиятлари билан боқлиқ, бироқ макон санъати – балет, рассомлик, қайкалтарошлик, архитектурага нисбатан “макон ритми” қақида ҳам гапириш мумкин.

Ритмнинг асосий белгисини бирмунча камроқ ёки кўпроқ такрорлашнинг қатъий даврийлигида кўриш қабул қилинган. Бироқ вақтинчалик санъатларда, яъни “ритм” тушунчаси бирмунча юқори рол ўйнайдиган жойда бу белги йўқ бўлиши мумкин, масалан, спектакл, проза ритми, баъзида мусиқа ритми такрорланишнинг даврийлиги билан характерланмайди.

Ритм кўп нарсани ўз ичига оладиган тушунча сифатида фақат битта, ноаниқ белгиси билан фарқланади: бу предметлар, кўринишлар, жараёнларнинг вақтинчалик ёки маконий тартиби. Психолог Б.М.Теплов ритм баъзи бир муайян жараёни вақтда ташкил этиш деб ҳисоблайди. Ритм бир-бирининг кетидан келувчи у ёки бу гуруҳ вақт қаторининг баъзи бўлинишларини зарурий шарт сифатида кўзда тутди. Ритм қақида фақатгина бир текисда кетма-кет келувчи кўзқатувчиларнинг маълум бир гуруҳларга бўлинганидагина гапиришимиз мумкин, шу билан бирга, гуруҳлар бир хил (2-3 аъзодан ва қ.к.) ёки бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ қар қандай гуруҳ ва вақт қаторининг бўлиниш ҳам ритмни қосил қилмайди. Ритмик гуруҳнинг, албатта, умуман ритмнинг мажбурий шарти урғунинг мавжудлиги, яъни бирмунча кучли ва қандайдир ажралиб турадиган кўзқатувчига муносабат ҳисобланади. Урғусиз ритм йўқ. Шундай қилиб, ритм урғу атрофида бирлашувчи гуруҳларда кўзқатувчининг вақтинчали кетма-кетлигидаги қонуний бўлинмасидир.

Ритмни психологик ва педагогик фанлар нуқтаи назаридан аниқлаш мумкин. Психологик аспектда ритм – бу метроритм ёки шу сўзни кенг олганда ритмика. Масалан, метрономни тинглаб одам бир хил овозлар кетма-кетлигини гуруҳларга бўлади, бунда у алоқида товушларга урғу беради, яъни уларни бирмунча баланд овозларга ажратади. Ўзига хос “ритмни бошдан кечириш” ёки субъектив ритмикалаштириш туқилади. Субъекти ритмикалаштиришни секинлатишнинг чегараси Болтон бўйича (1894) – бир дақиқада 38 та удар, Сетсон бўйича – дақиқасига 40-20 удар, субъектив ритмикалаштиришнинг тезлиги чегараси Болтон бўйича – бир дақиқада 520 та удар, Сетсон бўйича – дақиқасига 240-280 удар. Субъекти ритмикалаштириш учун бирмунча қулай тезлик дақиқасига 100 удардан 200 ударгачани ташкил этади. Субъектив

ритмикалаштириш агар тезлик 30 дан кам ва дақиқасига 500 удардан кўп бўлса бошланмайди.

Бу раҳамлар педагогик қизиқиш уйғотади, чунки улар ритмик жиқатдан охирги ҳаракатлар қайси тезликда осон қабул қилинишини кўрсатади.

Педагогик аспектда ритмика (грекча *рхйтхмикос* сўзи ритмга тааллуқли, равон, бир меъёрдаги каби маъноларни беради) – бу ҳаракатнинг мусиқа билан боқлиқликда қурилган жисмоний машқлар тизими. Ритмика, айниқса, бола ёшида жисмоний ва бадий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. У болаларнинг уйқунлашган жисмоний ривожланишига, мусиқий эшитиш, мусиқий хотира, ҳаракат аниқлигининг ривожланишига ёрдамлашади, болаларни мусиқа, рақс, кўшиқ билан таништиради, ҳаракатда мусиқий асарнинг характери ва жадаллигини акс эттиришга ўргатади. Ритмика машғулотларида сакраш, ўйинли машқлар, югуриш, бадий гимнастика элементлари, рақсли ва имитатсияли ҳаракатлардан фойдаланилади.

Ритм қисси ўз асосида моторли, фаол табиатга эга ва моторли реактсия билан олиб борилади. Бу реактсияларнинг моқияти ритмни қис қилишда кўп образли кинестетик қисларни уйғотишдан иборат. Бу тил, мия, жақ, оёқ бармоқлари мускулларининг қисқариши, қикилдоқ, мия, кўкрак қафаси ва қўл-оёқда вужудга келадиган кучланиш, бош ва нафас мускулатурасининг бошланқич қисқариши ва ниқоят, органнинг маконий қолатини ўзгаришсиз кучланиш ва бўшашиш фазаларининг алмашинувини чақирувчи бир-бирига қарама-қарши (букувчи ва ростловчи) мускулларнинг бир вақтни ўзида рақбатлантирилишидир.

Бирмунча фаол мотор реактсиялари урғуни англашда кўзга ташланади. Бунда ҳаракат қаққоний ва фараз қилинган бўлиши мумкин. қаққоний ҳаракатлар бошланқич ва тўлиқ сифатида намоён бўлади. Бошланқич ҳаракатлар товуш бурмасидаги ва товуш аппаратининг ёрдамчи қисмлари, шунингдек, бармоқ мускуллари, лаб ва бошқа мускуллар иннерватсияси оқибатида юзага келади.

Бошланқичда бўлгани каби тўлиқ ҳаракат ҳам англамаган бўлади: одам ўзи сезмаган қолда оёқи ёки қўли билан чертиб мақомга солади. Фараз қилинган ҳаракат ташқи томондан кўринмайди, эшитувчи уни хаёлан тасаввур қилади.

Э.Жак-Далкрознинг тасдиқлашича, ҳар қандай ритм ҳаракат демакдир ва ритм ҳиссининг вужудга келиши ҳамда ривожланишида бизнинг бутун вужудимиз иштирок этади. У ритмни баданда ҳис қилмай туриб мусиқий ритмни қабул қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Мусиқа доимо ҳиссий мазмунни ифодалайди, ритм эса мусиқанинг таъсирли воситаларидан бири ҳисобланади. Албатта, мусиқий ритм ҳам баъзи бир ҳиссий мазмунни ифодалаш ҳисобланади ва моторли ҳамда ҳиссий табиатга эга. Мусиқасиз мусиқий ритм туйқу си туқилиши ҳам, ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Ритмли туйқу мусиқий-ритмли деб номланувчи мусиқий ритмни тушуниш билан боқлиқ мусиқани фаол бошдан кечириш ва вақтинчалик мусиқий ҳаракатни ҳиссий ифодалашни нозик ҳис қилиш қобилияти сифатида характерланади.

Муסיкий-ритмик туйғуни ривожлантириш асосида шахсни муסיқа ва ритм таъсир этиши йўли билан шаклланишига кўмаклашувчи муסיкий-ритмик тарбия курилади.

Шундай килиб, муסיкий асарлар мавзулари, муסיкий ўйинлар, хоровадларнинг турли-туманлиги натижасида болаларнинг билим қобилияти, ирода сифатлари, ҳиссий муқитлари ривожланади. Муסיкий-ритмик тарбиянинг мазмуни кўшиқ, ўйин, ритмик меқнатли жараён, байрамлар ҳисобланади.

Муסיкий-ритмик машғулотларда кўпинча машғулотдан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин бўлган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилади.

Ритмни қис қилиш объектив ритмнинг субъектив акси сифатида туқилди ва мазмуний фаолият жараёнида ривожланди, шунинг учун уни умуман ривожлантириш мумкин эмас. Бунда инсон фаолиятининг характеридан келиб чиқиш зарур. Савол туқилади: ритм туйқуси қақида умуман қандайдир психик реаллик сифатида гапириш мумкинмик Мумкин. Бироқ бунда қатор аниқ ритмик қобилиятни ривожлантириш натижасини уларни ўзича умумлаштиришда деб тушуниш керак, бу ривожланиш учун шарт сифатида эмас. Бу саволда Э.Жак-Далкроз ритмни аввал мустақил моқият сифатида тарбиялаш керак, ундан кейин шу асосда муסיкий, поетик ритмни, ҳаракат ритмини ва қ.к. ларни деб ҳисоблаб янглишди.

Ҳаракат инсон организмига қадимдан, қали тиббиёт энди кўз оча бошлаётган даврда профилактик ва даволаш воситаси сифатида энергия таъсирининг натижаси каби қўлланилди.

Ҳаракат воситасида даволаш унинг ҳамма турлари ва шакллари даволовчи омил сифатида фойдаланишни кўзлайди. Болгар олимлари Л.Бонев, П.Слинчев, Ст.Банков терапиянинг ушбу турини таърифлаш учун ҳаракатнинг турли шакллари, ҳаракат фаоллиги ва инсоннинг табиий моторли функцияларини қўллашда бирмунча умумий таъриф сифатида “кинезитерапия” атамасини қўллашни таклиф қиладилар. Кинезитерапия улар томонидан номахсус таъсир этувчи терапевтик омил гуруқига киритилади.ҳаракатнинг турлича шакллари ва воситалари организмнинг умумий реактивлигини ўзгартиради, унинг ўзига хос бўлмаган мустақкамлигини оширади, касаллик натижасида туқилувчи патологик динамик стереотипларни барбод қилади ва зарурий мослашувни таъминловчи янгиларини яратади.

Даволаш ритмикаси кинезитерапиянинг қисми ҳисобланади. Унинг вазифаси муסיқа остида жисмоний машқлар тизими ёрдамида ритм туйқусини ривожлантириш ва уни даволаш-коррекцион мақсадда фойдаланишдан иборат. Логопедик ритмика унинг таркибий бўқини ҳисобланади.

Э.Килинска-Эвертовска логоритмикани кенг маънода коррекцион логопедия эктиёжи учун муסיкий-ҳаракатланувчан машқлар тизими сифатида таърифлайди. Логоритмика, ўзининг ташкилий тизимига қарамасдан, логопедик машғулот тизимининг фақат тўлдирувчиси ҳисобланади, чунки логоритмик машқлар доимо логопедия мақсадларига бўйсунди. А.Розентал логоритмикани сўзни қўллаган қолда муסיкий ритм уйқунлигига таянувчи нутқ корректсиясининг янги усули деб ҳисоблайди.

Ритмик ва логоритмик таъсирнинг одамларга аҳамиятини кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганлар. В.М.Бехтерев ритмик тарбиянинг қуйидаги мақсадларини ажратади: ритмик рефлексларни аниқлаш, бола организмни муайян қўзқатувчиларга (эшитиш ва кўриш) жавоб қилишга кўниктириш, боланинг асаб тизими фаолиятида мувозанатни ўрнатиш, ўта қаяжонланган болаларни тинчлантириш ва тормозланган (ривожланишда кечиккан) болаларни ҳаракатга солиш нотўқри ва ортиқча ҳаракатларни бошқариш. В.А.Гиляровский логопедик ритмика умумий тонус, моторика, кайфиятга таъсир кўрсатишини ёзади. У марказий асаб тизимидаги асабий жараёнларнинг силжишини машқ қилдиришга, қобикни фаоллаштиришга кўмаклашади.

Е.В.Чаянова, Е.В.Конорова логопедик ритмика диққат (унинг контсентратсияси, қажми, мустақкамлиги, тарқатиш) ни, хотирани (кўриш эшитиш, моторли, мантикий, мажмуавий) ривожлантиради деб ҳисоблайдилар. В.А.Гринер ва немис тадқиқотчилари К.Колер (Ср.Кохлер) К.Швабе (Чр.Счwaбе) логопедик ритмика психотерапевтик усул (жамоавий-психологик усул, мусикатерапия) сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатадилар. Одамлар нутқини корректсиялар жараёнида логопедик ритмикани қўллаш зарурияти тўқрисида В.А.Гринер, Н.С.Самойленко, Н.А.Власова, Д.С.Озеретсковский, Ю.А.Флоренская ҳам ёзганлар. Улар ритмнинг умумпедагогик аҳамияти, шахснинг психофизик муқитида турлича окриккли оқишларида унинг таъсирини таъкидлаганлар, логопедик ритмика инсоннинг жисмоний, ахлокий, интеллектуал ва эстетик тарбиясига таъсир кўрсатишини кўрсатиб ўтганлар.

Назорат саволлари:

1. Логопедик ритмиканинг предмети, мақсади ва вазифалари
2. Логопедик ритмиканинг дастлабки тушунчалари қандай ҳаракатлар билан уйғанлашган?
3. Логопедик ритмика фанининг фанлар тизимидаги ўрни қандай?
4. Логопедик ритмиканинг усуллари ёритиб беринг.
5. Ритм (оҳанг) тушунчаси кенг қамровга эга тушунча эканлигини ёритинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2007.
2. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.

5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлари сайти.

2-мавзу: Логопедик ритмиканинг воситалари (4 соат)

Режа

- 2.1. Логопедик ритмика воситаларининг тавсифномаси
- 2.2. Турли йўналишларда юриш ва ҳарбийча юриш
- 2.3. Мускуллар тонусини тартибга соладиган машқлар
- 2.4. Мушаклар ҳолатини бошқарувчи ўйинлар

Таянч иборалар: нафас, овоз ва артикуляцияни ривожлантириш учун машқлар; мускуллар тонусини бошқарувчи машқлар; диққатни фаоллаштирувчи машқлар; ҳисобли машқлар; мусиқа кузатувисиз нутқий машқлар; мусиқий ўлчов ёки метр туйғусини шакллантирувчи машқлар; мусиқий темп туйғусини шакллантирувчи машқлар.

2.1. Логопедик ритмика воситаларининг тавсифномаси

Логопедик ритмиканинг воситалари қуйидагилардир: турли йўналишдаги юриш ва ҳарбийларча юриш; нафас, овоз ва артикуляцияни ривожлантириш учун машқлар; мускуллар тонусини бошқарувчи машқлар; диққатни фаоллаштирувчи машқлар; ҳисобли машқлар; мусиқа кузатувисиз нутқий машқлар; мусиқий ўлчов ёки метр туйғусини шакллантирувчи машқлар; мусиқий темп туйғусини шакллантирувчи машқлар; ритмик машқлар; қўйлаш; мусиқий асбобларда ўйин машқлари; нутқий бузилиши бўлган одамларнинг мустақил мусиқий фаолиятлари; ўйинли фаолият, ижодий ташаббусларни ривожлантириш учун машқлар; якуний машқлар. Логоритмик воситалар мусиқий тарбия ишида ўзининг махсус хусусиятига эгалик қилади, бироқ улар асосан асабий-психиатрик ва логопедик ташкилотларда даволаш-педагогик усул сифатида қўриб чиқилади. Санаб ўтилган барча иш турларининг қўрилишида асосий тамойил – ҳаракатнинг мусиқа билан зич алоқасидир. Мусиқа унинг буюк ҳиссий таъсири, ифодаловчи воситалар бойлиги билан ҳаракат усуллари ва машқларни туганмас турли-туман бўлиши имконини беради.

Логоритмик воситалардан фойдаланишнинг кейинги тамойили уларга нутқий материални киритиш мажбуриятини кўзда тутди. Сўз ўта турли-туман шаклларда киритилиши мумкин: бу қўшиқлар матни, хороводлар, қўйлаш билан драматизация, берилган мавзуда инсценировкалар, ҳаракатли ўйинларда бошловчининг буйруқлари, сценарий олиб боровчи (режиссёр) нинг кўрсатмалари ва ҳ.к. Сўзни киритиш мусиқий ритмда эмас, шеър қўйилган ҳаракатларнинг ритмий бўлишига ёрдамлашувчи бир қатор машқлар яратишга имкон беради.

Логопедик ритмика воситаларини нутқий патологияси бўлган одамларнинг мустақил ҳаракатли, мусиқий ва нутқий фаолияти асосида ётувчи секин-аста мураккаблашиб борадиган ритмик, логоритмик ва мусиқий-ритмик машқлар ҳамда топшириқлар тизими каби тасаввур қилиш мумкин.



2.2. Турли йўналишларда юриш ва ҳарбийча юриш

Логопедик ритмиканинг бу воситасини В.А.Гринер “кириш машқлари” деб атайдди. Улар болаларни доира бўйича бир ўзи, жуфт бўлиб ва гуруҳ билан юриш, турли предметларни айланиб ўтиш, рўпарадан юриш вақтида тўқнашмаслик, берилган йўналишга амал қилиш, мўлжал бўйича ҳаракатланиш, юраётганлар орасида масофани сақлаш, шунинг саф, чизик, колонна ва ҳ.к. тузишнинг бошланғич кўникмасига ўргатади. Бола макон ва жамоада, ҳаракатнинг ўнг-чап томонли йўналишида, айланишлар, елка орқага, чехра билан марказга ҳарбийча юриш ва ҳ.к. ларда мўлжал олишни ўрганади. Ҳаракатнинг маконий тавсифномаси дастлабки ҳолат, ҳаракатда вужуд ва унинг қисмлари ҳолати, ҳаракат траекториясидан иборат.

Машғулотнинг бошидан бошлаб кириш машқлари ҳаракат ва нутқнинг турли-туман темпига кўрсатма беради, шунинг учун бола (катта) лар диққатини мусиқанинг бошқарувчи ролига йўналтириш лозим.

Юриш ҳар бир машғулотга киритилади. У ҳаракатнинг табиий кўриниши ҳисобланади ва шу билан биргаликда, мувофиқлашуви бўйича етарлича мураккабдир. Нутқида бузилиши бўлган болалар, айниқса, кичик ёшда (4-5 ёшгача) юриш пайтида ҳаракатларни мувофиқлаштиришда орқада қолиш билинади. Улар оёқларни кенг қўядилар, уларни шиқирлатадилар, юришда нотурғунлик, ҳаракатларнинг секинлашиши кузатилади. Биринчи машғулотданок педагог болаларда мустаҳкамликни, оёқларни ён томонга чайқалишни камайтирган ҳолда ўрта чизикқа яқинроқ қўйиш кўникмасини, юришда оёқларни кўтаришни шакллантиришни бошлайди. Бунинг учун предметлар: таёқ, йўғон арқон, кубиклар, зиналарнинг юпқа, ингичка тахтачалари ва ҳ.к. лардан сакраб ўтиш бўйича машқлардан фойдаланилади. Мустаҳкамлик машқлари амалий ҳаётда зарур бўлган предметлараро юришни мўлжалга қаратилган ҳолда тарбиялашга имкон беради. Машғулотларда юришнинг қуйидаги кўринишларидан фойдаланиш мумкин¹:

- иккита йўғон арқонда белгиланган йўлак бўйича алоҳида;
- гуруҳ билан;
- залнинг қарама-қарши деворларига барабан садоси остида гуруҳ билан
- зал бўйлаб гуруҳ билан;
- доира бўйича ётқизилган йўғон арқон бўйлаб “тўда бўлиб”: болалар барабан (ёки марш товуши) нинг аниқ, сийрак зарблари остида борадилар, тўхтагач юзлари доирага қараб бурилади ва йўғон арқонни олиб ташлайдилар;
- залнинг қарама-қарши деворига гуруҳ билан залга кўндаланг қўйилган йўғон арқондан ҳатлаб ўтиш билан;
- доира бўйича йўғон арқон бўйлаб бирининг кетидан бошқаси (бу болаларни колоннада биттадан юришга тайёрлайди);
- чап қўли билан арқондан тутганча бирининг кетидан бошқаси. Барабан товуши остида педагог (кейин бола) болаларнинг доира бўйича олиб боради, ҳаракатлар товушлар билан узатилади [“у-у-у”];
- қўлларини ушлаганча бирининг кетидан бошқаси. Болалар шу тарзда чапдан ўнгга юришда доира ичида биров қайрилганча, ҳар бир боланинг ўнг қўли олдида, чап қўлини орқасидан келаётганга узатган ҳолда уланадилар;
- полга ётқизилган доска бўйича. Доскадан сакраб тушиш оёқ учида, юмшоқ бажарилади;
- полга параллел қўйилган таёқ орқали ҳатлаб ўтиш. Бир биридан 35-40 см ораликда беш ёки олтита таёқ тахланади. Педагог ҳаракатни кўрсатган ҳолда таёқлардан тиззани юқори кўтариб, ҳатлаб ўтади, кейин буни болалар бажарадилар. Битта бола ҳатлашни тугатганида иккинчиси уни бошлаган бўлади. Педагог болалар эътиборини таёқни босмаслик ва уни ағдармасликка қаратади;

¹ Трофимова Г.В. Развитие движение у дошкольников с нарушениями слуха. – М., 1979.

•гимнастик деворнинг пастки тахтачаси бўйича қўшимча қадамлар билан ёнламасига (1 ёки 2 марта). Бола пастки тахтачада оёғи билан туради, қўли билан тахтачани кўкрак даражасида ушлайди. Гимнастик деворнинг узунасига ҳаракатланиб, у оёғини кичик бир текис қадамлар билан алмаштиради ва бир вақтнинг ўзида қадам тактида қўли билан тахтачани кўкрак даражасида тутиб қолади;

•доира бўйича тўхташ билан бирининг кетидан бошқаси. Болалар педагог ортидан товушли сигналга (барабан, ҳисоб ва ҳ.к. остида) қатъий мувофиқ ҳолда борадилар. Юришнинг вақтинчалик бўлиниши шуғулланувчилар товушка реакция қилишлари учун турлича бўлиши керак;

•оёқ учида. Болалар қўлларини белда бошларини баланд тутадилар. Педагог болалар эътиборини қоматга қаратади, доира бўйича бирининг кетидан бошқаси юради, бир марта айланиб чиққач тўхталади, тўлиқ товонда турилади. Кейинги машғулотларда 2 ёки 3 марта доира айланиши мумкин;

•бирининг кетидан бошқаси қўлида байроқ тутган ҳолда. Болалар қадамлар тактига байроқларни эркин ва кенг силкитадилар;

•қўли билан арқонни тутганча, йўналишни ўзгартириб, бирининг кетидан бошқаси. Педагог йўналишни ўзгартириш билан болаларнинг бурилиши равон, сокин, юриш темпи эса секин бўлишига эътибор қилади;

•чеккаси биров кўтарилган доска бўйича. Болалар қўлларини ҳар томонга ёйган ҳолда аввалига педагогнинг қўлидан тутган ҳолда, кейин мустақил равишда досканинг бошидан оёқ учида сакрайдилар;

•кубиклар орқали ҳатлаш билан. Беш ёки олти кубик бир биридан 35-40 см. масофада қўйилади. Болалар навбати билан 2 ёки 3 марта кубиклар орқали ҳатлайдилар;

•зинанинг тахтачаси орқали бирваракай ҳатлаш билан бирининг кетидан бошқаси. Ҳар бир бола ўзига қулай тарзда бажаради;

•ўриндиқлар бўйича, қўлларини ҳар томонга ёйган ҳолда. Ўриндиқлар учида болалар қўлларини туширадилар ва педагогнинг қўлини тутган ҳолда сакрайдилар;

•йўғон арқон бўйича қўшимча қадамлар билан ёнламасига бирининг кетидан бошқаси. Юришда оралиқ 3 м атрофида бўлади;

•арғимчоқ бўйича. Машқ мувозанатни машқ қилишга мўлжалланган. Машқни бошлашдан аввал педагог арғимчоқни бола арғимчоққа оёғини қўйиши учун бола томонга қийшайтиради. Кейин педагог болани қўлидан тутган ҳолда арғимчоқ бўйича ўтишга ёрдамлашади ва бошқа томонга олиб бориб, жойига ўтказди. Бу вақтда кейинги бола арғимчоқ олдида ўз навбатини кутиб туради, бироқ жуда яқин эмас;

•қўлларида байроқни ушлаган ҳолда, олдин қўл ҳолатини ўзгартириб, кейин байроқларни силкитиб. Ҳар бир болада иккитадан байроқча. Болалар байроқларни вужуд бўйича олдинга-орқага силкитадилар, тўхтагач қўл панжаларининг ҳаракати билан байроқни юқорига силкитадилар (2 ёки 3 айлана); кейин байроқни кенг кесиштирган ҳолда силкитадилар, уларни полга қўядилар, улар билан полни тақиллатадилар ва ҳ.к.;

•полга ётқизилган зина тахтачалари орқали бирининг кетидан бошқаси ҳатлаб ўтади;

•стуллараро бирининг кетидан бошқаси. Болалар айлана бўйлаб педагог (ёки бошловчи) орқасидан залнинг ўртасига бири бошқасидан 1 м га яқин ораликда қўйилган 5 ёки 6 та стулни четлаб ўтиб борадилар, шу ҳолатда 2 ёки марта ўтадилар;

•полга ётқизилган йўғон арқонни ҳатлаб “илонизи” бўлиб бирининг орқасидан бошқаси юради. Йўғон арқон шундоқ полга тўшалади. Педагог (ёки бошловчи) болаларни ўзларининг орқаларидан йўғон арқон бўйлаб уни “илонизи” бўлиб кесиб ўтганча олиб борадилар. Ҳатлаб ўтишда тиззани баланд кўтарадилар ва қўлни эркин силкитадилар. “Илонизи” бўлиб юришда айланани 2 ёки 3 марта айланиб ўтадилар;

•оёқ учида ва товонда қўллар ҳолатини ўзгартирган ҳолда. Болалар ўз қоматларига эътибор қилган ҳолда қўлларини юқорига кўтарадилар, оёқ учида 15 секунд юрадилар, кечин тўхтайдилар, қўлни белга туширадилар ва товонда 10 секунд давомида юрадилар;

•полга тўшалган доска бўйича. Болалар қоматни тутган ҳолда бошни баланд тутиб, қўлларни ҳар томонга ёзганча юрадилар. Доска тугаганида қўллар туширилади, тиззалар биров букилади ва полга юмшоқ сакрайдилар;

•қўшимача қадамлар билан ёнламасига йўғон арқон бўйича бирининг кетидан бошқаси. Болалар кичик қадамлар билан оёқларни сезиларли кўтарган, қўлларини эркин туширган ҳолда 3 ёки 4 м юрадилар;

•тиззаларини юқори кўтарган ҳолда бирининг кетидан бошқаси (15 секундгача). Юриш барабаннинг сийрак зарбалари (одатдаги юришдан кўра анча сийрак) остида давом этади. Болалар қўлларини белларида тутадилар, тирсаклар орқага олинган, елка тўғри, бош кўтарилган бўлади;

•полга ётқизилган зина тахтачаси ва 5 ёки 6 та кубик орқали бир томонга ҳаталаш билан бирининг кетидан бошқаси (2 ёки 3 айлана);

•қия доска бўйича юқорига сакраш. Машқ 2 марта такрорланади.

Юришнинг турлича кўринишлари нафақат мусиқа билан, балки сўз билан ҳам уйғунлашади. Масалан, юриш:

А) товоннинг ички, ташқи томонларида:

Б) мувезонат ҳолатида:

В) оёқ учида:

Г) товонда:

М а ш қ

•Оғирликни товонга ташлаш (Оёқни товонга қўйиш)

Болалар айлана бўйича қўлларидан тутганча турадилар. 1-8 тактлар: ўнг (чап) га югурадилар. 8-тактда икки деганда айланага юзларини қилиб тўхтайдилар ва қўлларини қўйиб юборадилар. 9-такт: қўлларини белга қўйганча, “бир” деганда ярим ўтирадилар, “икки” деганда қоматни тиклайдилар. 10-такт: “бир” деганда ўнг оёқни олдинга қўйганча товонда турадилар, “икки” деганда чап оёққа ўтадилар. 11-такт: худди шу ҳаракатни чап оёқ билан бажарадилар. 12-такт: жойида турганча уч қадам ташланади, кейин айлана марказига елка билан

ўгириладилар. 13-15 тактлар: 9-11 тактлар ҳаракатлари такрорланади. 16-такт: болалар юзлари билан айлана марказига ўгириладилар.

Машқ голеностопли бўғинлар ҳаракатининг аниқлигини ривожлантиради, болаларни халқ рақсларининг элементларини бажаришга тайёрлайди, мусиқий шакллар (мусиқанинг иккита ноуйғун бўлган қисмини фарқлаш) ни ривожлантиради.

- Тўхташ билан югуриш (фараз қилинган тўсиқдан сакраш).

Болалар айлана бўйича турадилар. 1-4-тактларда югурадилар. 6 қадам ташлагач, 4-тактда “бир” деганда бир оёқдан икки оёққа сакраганча тўхтайдилар (“кўлмак”, “тош”, “арик” – тўсиқдан сакраб ўтдилар”). Пружинали югуриш: қадам – $\frac{1}{4}$. Югуриш вақтида қўллар эркин ҳаракатланади: биттаси олдинга, бошқаси орқага, тўхтагач қўллар ҳар томонга ёзилади. 5-8, 9-12, 13-16, 17-20, 21-24 : ўша ҳаракатларни такрорлаш.

Машқ ритмик якқоллик ва ҳаракатлар чаққонлигини ривожлантиради, охири аниқ сакрашда белгиланувчи мусиқий фразалар ҳиссиётини беради.

2.3. Мускуллар тонусини тартибга соладиган машқлар

Бу машқлар шуғулланадиганларга ўз мускулларига эгалик қилишга, ҳаракатларини бошқаришни ўрганишга имкон беради. Бу бўлимнинг мазмунига мускуллар таранглиги кучининг кам ёки кўплигига нисбатан тушунча сифатида “кучли”, “кучсиз” тушунчаларини билиб олиш киради. Мактабгача ёшдаги ва кичик синф ўқувчилари мусиқа асбобининг баланд ва паст овози билан аввал турган ҳолатда ёки унинг олдида ўтирган ҳолатда танишадилар, паст овозда юмшоқ ҳаракатлар билан байроқчаларни пастга, баланд жаранглашда байроқчалар билан бошлари устида анча қаттиқ силкитишни бажарадилар. Байроқчалар ўрнига барабан, дўмбира, чамбарак, лентадан фойдаланиш мумкин. Сўнгра машқлар қийинлашади. Болалар нарсалар билан вазифаларни юриш, чопиш, сакраш жараёнларида бажарадилар. Масалан, болалар асбобнинг кучли садоларида айлана бўйлаб байроқчаларни силкитиб юрадилар, паст товушда тўхтайдилар, уларни орқаларига яширадилар. Ҳар хил жаранглашни қадам ташлаш билан ҳам белгилаш мумкин: болалар баланд жаранглашга тўлиқ товонда, паст овозда – оёқ учида юрадилар. Ниҳоят, жаранглар кучини алмаштириш билан боғлиқ бўлган оёқлар учун бир жаранглаш, қўллар учун бошқа жаранглашлар таклиф қилинади. Турлича қурилишли машқлар берилади. Бу болаларни жамоада ишлашга ўргатади.

3.Е.Пунина таклиф қилган машқлар.

- Болалар айлана бўлиб полда туркча ўтирадилар. Баланд мусиқа овозига иккала қўлларининг кафти билан полга урадилар, паст овоздаги мусиқага енгилгина чапак чаладилар.

- Болалар айлана бўлиб чап қўлларида чирманда билан турадилар, баланд мусиқага ўнг қўллари билан чирмандага урадилар, паст мусиқага эса чирмандани ўнг қўлларига олиб енгил силкитадилар.

- Болалар баланд мусиқага айлана бўйлаб юрадилар, паст мусиқага эса оёқлари учида ўз атрофида айланадилар, баланд мусиқага байроқчаларни

силкитиб айлана бўйлаб юрадилар, паст мусиқага эса тўхтайдилар ва битта тиззага ўтирадилар ва бошқалар.

- Болалар жуфт бўлиб баланд мусиқага айлана бўйлаб юрадилар, паст мусиқага эса жуфтлар бўлинадилар ва биттадан бир-бирининг орқасидан юрадилар.

- Болалар 3-4 тадан бўлиб гуруҳларга бўлинади. Улар ўз уйлари томон тарқаладилар (залнинг бурчаклари). Ҳар бирида отни тасвирловчи таёқча бўлади. Болалар баланд мусиқага отларида бир-бирларининг орқасидан айлана бўйлаб чопадилар, паст мусиқага эса ўз уйларига борадилар. Баланд мусиқа янграши билан яна айлана бўйлаб чопадилар.

Юқори синф ўқувчилари, ўсмирлар ва катталар учун машқлар характери тузилиш шаклига қараб мураккаблашади (жаранглаш кучининг алмашишида галма-гал ва гуруҳли киришлар).

- Учтадан бўлиб саф тортиб баланд садода айлана бўйлаб юриш, паст овозга тўхташ. Учликлардан ўртадагилари оёқ учидан энг четдаги қўллардан ташкил топган дарвоза орқали ўтадилар. Баланд жаранглаш тикланиши билан ҳамма яна учтадан бўлиб айлана бўйлаб юради.

- Иккита айлана бўлиб саф тортадилар: ташқи (4-5 одам) ва ички (7-8 одам) (ичкида сони кўп). Ташқи айланага катта резина ёки қўл тўпи коптоғи, ички айланага эса кичкина резина коптоғи берилади. Ташқи айлана баланд мусиқада ўзининг катта коптоғини ирғитади. Паст мусиқанинг овозида кичик коптокни ички айлана бўйлаб узатадилар, бу вақтда ташқи айланадагилар эса копток ирғитишни тўхтатадилар. Мусиқа жаранглаши тўхташи билан шуғулланаётганлар ўринларини алмашадилар.

- Ҳамма айлана бўйлаб туради. “Биринчи–иккинчи” деб саналади. Шуғулланаётганлар мусиқанинг баланд жаранглашига қўлларини ушлаб айлана бўйлаб юрадилар, мусиқанинг паст овозига иккинчи рақамлар ички айланани шакллантириб ўртага кирадилар. Иккала айланадагилар оёқларининг учидан турли йўналишда юрадилар. Мусиқанинг баланд жаранглашига ички айлана ташқи айланага қўшилиб катта айлана ҳосил қилади.

• Ҳамма икки қатор бўлиб, оёқларини елка кенглигида очиб бир биридан 6–7 қадам ораликда қарама-қарши тарзда туради. Ҳар бирининг ўнг қўлида, ўнг томондаги қўшниси чап қўли билан ушлаб турган чамбарак бўлади. Қўлларидаги чамбараклар билан одамларнинг узилмайдиган занжири ташкил топади. Мусиқанинг оҳиста жаранглашига қаторлар ўнгга, кейин чапга, таналари оғирлигини бир оёқдан иккинчисига ўтказиб тебранади. Мусиқа баланд жаранглашга ўтиши билан шуғулланаётганлар чамбаракларни бир қатордан бошқасига ҳавода ирғитадилар, лекин шуниси ҳам борки ҳар бири ўнг қўли билан ушлаб турган чамбаракни отади. Мусиқанинг паст овозида тебраниш қайтадан бошланади.

• Мусиқани ҳамма қарама-қаршилик билан жаранглаш кучининг қисмлари бўйича тинглайди. Шуғулланаётганлар мусиқа тинглаб бўлганидан кейин мусиқанинг баланд овозида қўлларини кучли, паст овозида эса кучсиз силкитиб дирижёрлик қиладилар.



Мускуллар тонусини тартибга солишни ууддалашни тарбиялаш бўйича ишни *умумий ривожлантирувчи* ва *коррекцион* машқларга ажратиш мумкин.

Умумий ривожлантирувчи машқлар организмга ҳар тарафлама таъсир қилишдан ташқари орқа, қорин, елка камари, оёқ, қўл мускулларини ривожлантиради. Бу машқлар турли тумандир. Уларни бажариш характериға кўра предметлар билан (байроқчалар, коптоклар, ленталар ва бошқалар) ва предметларсиз машқларга ажратиш мумкин. Предметлар билан машқларда ҳаракатлар кучи, чаққонлик, аниқлик, таъсирланиш тезлиги, чамалаш ривожланади. Копток билан машқларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ҳамма катталиқдаги коптоклардан фойдаланилади: катталари (итариб юборишда осиб қўйилган копток), ўртачалари (думалатишда ва илиб олишда), кичкиналари (сакраш машқларини бажаришда, қатор бўйича узатиш ва ўтказишда). Бу ҳаракатларда зўр бериш ва бўшаштириш навбати билан қилинади, машқ ҳаракат кўникмалари даражасида ўзлаштирилганида мускуллардан ортиқча таранглик олинади.

Коррекцион машқлар гавда ва товон мускулларини мустаҳкамалаш учун, мувозанатни ривожлантириш, тўғри қоматни шакллантириш учун қўлланилади. Қўлларда, ётган ҳолатда қоринда, гимнастика скамейкасида ва қия доскада тортилиш бўйича машқлар; гимнастика деворига тирмашиб чиқиш, скамейкадан ошиб ўтиш, зинапояли пирамида ёки миноранинг тахтачалари орасидан суқилиб кириш елка камари ва орқа мускулларини мустаҳкамалайди, қоматни

тўғрилайди. Мувозанатни ҳис қилиш юришда, югуришда, сакрашда, ирғитишда ва бошқа машқларнинг боришида ривожланади. Уларга кичрайтирилган майдондаги таянч машқлари тегишли бўлади (арқондан, доскадан ясалган йўлка); таянчни баландлик бўйича (қия доска, скамейка), ҳаракатчанлик бўйича (тебратма кўприкча), маконда тутган ўрни бўйича (горизонтал ёки қия скамейка) ўзгартириш мумкин. Бу машқлар ҳаракатларнинг бошланиши ва тугашини кўрсатадиган ифодаланган урғу билан оҳиста, ўртача мусиқа остида бажарилади. Мувозанатни машқ қилиш учун махсус воситалар сифатида қуйидагилардан фойдаланилади: келгусида овоз сигналига чўкка тушиш билан жойида туриб қадам ташлаб айланиш, ҳамда юриш пайтида тўхташ ва овоз сигналига югуриш, жойида айланиб сакраш, нарсалар устидан ҳатлаб ўтиш (кубчалар, таёқчалар, тахталалар, арқон).

Машқ ва ўйинлар. Қўл панжасини тепада айлантириш (3–5 сония) – қўл мускулларини ва елка камарини таранг қилиб келгусида қўлларни пастга тушириш – бўшаштириш. 2–3 марта такрорлаш.

Қўллар белда, жойида туриб гир айланиш (4–6 айланиш).

Оёқлар билан депсиниш, қўллар орқада – мускуллар таранглашган (5–8 сония), қўллар туширилган, дастлабки ҳолат – асосий тик қотиб туриш, мускулларни бўшаштириш.

Йўғон арқонга кўндаланг туриб уни босиш (15–20 сония), – оёқлар таранглашган, арқондан полга сакраб тушиш – бўшаштириш.

Иккала оёқ билан жойида туриб сакраш, иккинчи чоракнинг 8– ва 16–тактларида бош устида қарсак чалиш.

Айлана бўлиб туриб, қўлларни олдинга ва орқага эркин тебратиш (8 та такт). Ўнг оёқни тебратиш – қўллар ёнда (4 та такт), чап оёқни – қўллар ёнда (4 та такт).

• *Сув билан ўйин* (Қадимги француз куйи).

Болалар чўкка тушиб товонларига ўтирадилар, қўллари тиззада, юзлари билан бир йўналишга қараб эркин жойлашадилар. (Ўргатилган болалар қоринларида ётган ҳолатда (балиқчага ўхшаб) машқни бажаришлари мумкин). 1–2-тактлар: болалар куракларини кўчириб ва гавдани енгил орқага ташлаб қўлларини оҳиста орқага оладилар. 3–4-тактлар: болалар худди сувни қўл панжалари билан ушлаб олгандек қўлларини дастлабки ҳолатга олиб келадилар. 5–8-тактлар: ҳаракатларни такрорлаш. 9–12- тактлар: болалар галма галдан ўнг ва чап қўл панжалари билан тасаввурдаги сувни урадилар, бунда сув томчилари ҳар томонга сочилади. 13–16-тактлар: худди машқнинг аввалидаги каби қўллар ҳаракати олдинга ва орқага.

• *Сакраб чопиш ва юқори югуриш* (Д.Кабалевский мусиқаси)

Болалар кичик гуруҳларга бўлинадилар. 1–8-тактлар: болалар енгил ва шиддатли сакраб чопадилар. 9–16-тактлар: болалар гавдани озгина орқага ташлаб ва оёқ тиззаларини баланд кўтариб юқори югуриш билан ҳаракат қиладилар. Қадам бир чоракка тенг. 17–24-тактлар: яна шиддатли сакраб чопиш. Охирида – бир оёқдан иккинчисига сакраб аниқ тўхташ. Ҳаракатлар характери мусиқали жаранглашнинг динамик ва енгиллигини намоён қилиши керак.

• *Капалаклар.* 1–3-тактлар: капалаклар учиб келдилар – болалар ҳаракатлари билан капалакни тасвирлайдилар: кафтларини орқа томонини тепада бирлаштириб қўллари билан пастдан юқорига қилиб айланани тасвирлайдилар (1–такт), кейин қўллари билан юқоридан пастга қилиб айланани тасвирлайдилар (2–такт) ва кафтларини юқорига қилиб қўллари олдинга оҳиста чўзадилар – бу капалак ўзининг мўйловини кўрсатади. 4–6 тактлар: иккинчи капалак учиб келади (1–3-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади). 13–14-тактлар: қўллар аста-секин кўтарилади, қўл панжалари силкинади: капалаклар қанотларини кўтарадилар. 15-такт: қўллар оҳиста туширилади. 16–18-тактлар: 13–15-тактлар ҳаракати такрорланади. 19-такт: қўллар оҳиста кўтарилади, панжалар бироз орқада қолади. 20-такт: қўллар оҳиста туширилади. 21–22-тактлар: 19–20-тактлар ҳаракати такрорланади. 23–26-тактлар: болалар қўллари кўтарадилар ва туширадилар, сўнг ҳар томонга чопиб кетадилар – капалаклар учиб кетдилар. Мусиқа такрорланади, болалар ҳар томонга тарқалиб туриб ҳам ҳаракатларни такрорлайдилар. Болалар 23–26-тактларда айланадилар. Мусиқа тугалланганда, болалар ўтирадилар – капалаклар айланиб, гулларга кўнадилар.

• *Пружиначалар* (катта ёшлилар гуруҳи учун) (Рус халқининг «Қизлар зиғир экишди» номли қўшиғи. Машғулот муаллифи – С.Руднов).

Бошланғич ҳолат: Қўллар белга қўйилган 1-4 тактлар: пианинодаги ҳар бир тактнинг «бир» ва «икки» саноғида болалар катта бўлмаган ярим ўтиришни бажарадилар, кейин «ва» дейилганида эса тиззаларини тиклайдилар. Юқорига ва пастга йўналтирилган ҳаракатлар орасида танаффус қилмайдилар. Ҳаракат енгил, пружинасимон ва рақс характерида бўлади. 5-8 тактлари (форте). Болалалар турган жойларида икки оёқда енгил сакраб кўядилар (бир тактда икки марта сакраш). Сакраб ерга кўнишда тиззалар бироз букилади.

Машғулот болаларга югуриш, сакраш, илдамлаб сакраш ва рақс ҳаракатларини тўғри бажариш (пружинасимон ҳаракатлар) малакасини беради.

Тарбиячи машқларни кўрсатиш ва бажаришда болаларнинг диққат-эътиборини енгил, рақс характеридаги мусиқа ва ҳаракатга, шунингдек, мусиқа оҳангининг кучайиши билан ҳаракат кучининг ҳам ортиб боришига қарашади.

• *Енгил ва оғир қўллар.* (Венгер халқ куйи)

Болалар қатор бўлиб турадилар. Бошланғич ҳолат: тик қомат, қўллар орқада-куракда. Мусиқанинг биринчи қисми ва унинг такрорланиши: 1-2 тактлар: худди сузиб юргандай юмшоқ ҳаракатлар билан қўллар олдинга елка баландлигига қадар кўтарилади ва секин пастга туширилиб, орқага олиб борилади. 3-4, 5-6 ва 7-8 тактларда 1-2 тактида бажарилган ҳаракатлар такрорланади. Мусиқанинг иккинчи қисми ва унинг такрорланиши: 9-12 тактлар: қўллари олдинга кучли тебратиш ва орқага елка баландлигига кўтариш.

Тиззалар енгил пружина, қўллар мушт қилиб тугилади. 13-16 тактлар: мусиқанинг биринчи қисмидаги каби қўллар енгил ҳаракат билан олдинга кўтарилади ва пастга туширилиб орқага ўтказилади. Мусиқа оҳангининг кучайиши ва сусайишига мушаклар зўриқишининг кучайиши ва сусайиши мос келади.

Бундай машғулот билан мушак ҳолатини ўзгартиришни уддалай билиш тарбияланади.

Қўлларни тебратиш ва тегирмон. (Инглиз халқ куйи. Машғулот муаллифи – Е.Дубянская).

Болалар хона бўйлаб эркин ҳолатда ва қўл ҳаракатларини бажарганда бир-бирларига тегиб кетмайдиган даражада жойлашиб оладилар. Бошланғич ҳолат – қўллар ён тарафга очилган. 1-8 тактлар: қўллар гавда олдида тебратилади, тоқ тактларда очилади. 9-16 тактлари: «тегирмон» – ҳар бир тактда болалар ҳавода катта доиралар чизадилар. Олдинга –юқоирга орқага пастга.

Машғулот қўлларни ҳавода ўйнатиш ҳаракатлари малакасини такомиллаштиради. Болаларнинг диққат-эътибори мусиқа куйининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги турли хил ритмларга қаратилади. (Машғулот муаллифи – С. Руднева. Т. Ломованинг «Тегирмон» мусикаси). 1-вариант топшириқларга қўшимча: болаларга мусиқа оҳангининг кучайиши билан қўл ҳаракатлари кучи ва қулочини ҳам секин-аста узлуксиз орттириб бориш ўргатилади.

Болаларнинг жойлашиш ҳолати юқоридагидай. 1-8 тактлари: болалар қўлларини енгил тебратадилар: тоқ тактларда олдинга, жуфт тактларда орқага. 9-12 тактлар: болалар қўлларини айлана шаклида олдинга ва юқорига ҳаракатлантирадилар, шу билан бирга, тиззалар енгил пружинасимон эгилишда бўлади. 13-15 тактлар: қўлларни ҳар бир бола ҳаракат кучини орттириб боради, бир вақтнинг ўзида пружинасимон ҳаракатлар билан оёқ учига кўтариладилар. Қўлларни охириги марта тўғрига – юқорига кўтаргандан сўнг (16-тактнинг «бир» саноғи) аста-секин майин ҳаракатлар билан пастга туширилади.

2.4. Мушаклар ҳолатини бошқарувчи ўйинлар

Сув билан ўйнаш. (6/8 ўлчовдаги ҳаракатлантирувчи ихтиёрий куй).

Болалар полда худди қирғоқ бўйида ўтиргандай ўтирадилар, қўллар туширилган сув билан ўйнашади: қўллар майин ҳаракатлар билан ён тарафга ва куракларни яқинлаштирган ҳамда гавдани бир оз орқага оғдирган ҳолда орқага очилади сўнгра худди сувни қамраб олгандай билаклар бошланғич ҳолга қайтирадилар.

Қўллар билаклар билан секингина сувга уради. Майин ҳаракатлар жадаллигини болаларнинг ўзлари белгилайдилар. Тарбиячи болаларга ёзда илиқ сув билан ўйнашишнинг жуда ёқимлилигини ва сувнинг қуёш нурларида ярқирашини эслатиб, уларнинг тасаввурларини фаоллаштиради шу билан бирга ички ҳолатни юмшатади. Ҳаракатлар ифодали ва самимий бажарилиши керак.

Шабда ва шамол (Л.Бетховен мусикаси).

Қўшниларнинг ён томонга очиб кўтарилган қўллари бир-бирига тегиб кетмаслиги учун барча болалар бир томонга юзланган ҳолатда хона бўйлаб эркин жойлашадилар.

1) «Шабда дарахт шохларини оҳиста силкитади» – болалар иккала қўлларини олдинга бир ўнгга, бир чапга олиб борадилар ва секинлик билан уларни тўғрига ва юқорига кўтирадилар. Ҳаракатлар майин бажарилади.

2) Худди шу ҳаракатлар қўлларнинг юқорига кўтарилган ҳолатида ҳам бажарилади.

3) «Шамол кўтарилди» – болалар қўлларини бир гал ўнгга, бир гал чапга кучли силкитадилар.

4) «Шамол босияпти» – болалар қўлларини секин-аста пастга тушириб бориб 1-рақамли ҳаракатни бажарадилар.

Бундай машқлар елка, тирсак, панжа ва бармоқлардаги зўриқишни юмшатишга қаратилган.

«Япроқ-бармоқлар шамолда енгил тебранишлари лозим».

Қувноқ оёқчалар (Ихтиёрий рақс куйи).

Болалар қўлларини белларига тираган ҳолда стулларда ўтрибдилар, тирсаклар кўтарилган, ўнг оёқ кўтарилишда енгилгина букилиб, товон ерга тиралади, оёқ учи тепага қаратилган, бармоқлари эркин ҳолда; кейин подьем тикланади, оёқ бармоқларнинг учигача полга тегиб туради ва иккинчи оёқга тегиб туради; энди барча ҳаракатлар чап оёқ билан ва ниҳоят иккала оёқ билан биргаликда бажарилади.

Голеностоп бўғинларини бўшаштириш машқлари

Қумга расм чизамиз.

Болалар зал бўйлаб эркин ҳолатда жойлашадилар ва полда оёқларини қовуштириб ўтирадилар, қўллар пастга туширилган. Ўнг ва чап қўл бармоқларининг учи билан болалар қумда узун тўғри чизик чизадилар (ёки пол устида). Майин ҳаракатланиш билан ўнг қўл ўнг тарафга очилади, кейин бошланғич ҳолатга келтирилади, айнан шу ҳаракатлар чап қўл билан ҳам бажарилади; энди ўнг қўлни ўнгга ва орқага очиб бориб, қумда, иложи борица узоқроқ масофада, айлана чизигини чизадилар, бунда тана ва бош ўнг томонга бурилган, кўзлар эса қўл ҳаракатини кузатиб туради. Бажарилган барча ҳаракатлар энди чап йўналиш билан такроран бажарилади, болалар ўзлари танлагандай майда доирачалар чизадилар. Расм чизилиб бўлганидан сўнг қўллар пастга осилиб туради.

Бундай машқлар елка, тана ва бўйин қисмлардаги зўриқишни йўқотади.

Диққат-эътиборни фаоллаштирувчи машқлар. Бу машқлар кўриш ва тинглашни кўзгатувчи тезкор ва аниқ реакцияларни тарбиялайди, хотиранинг барча шакллари: нигоҳдаги, тингланган ва мотор кўринишларини тарбиялайди. Шуғулланувчилар диққат-эътиборни мужассамлаштиришни ўрганадилар ҳамда ирода мустаҳкамлигини намоён этадилар. Доимий ҳаракатда бўладиган муҳит барпо қилиш орқали тарбиячи шуғулланувчиларда аниқ йўналиш бўйича маълум бир тарзда фаолият кўрсатишга тайёргарликни шакллантиради. Бундай тайёргарликнинг тарбияланиши диққат-эътиборнинг мустаҳкамлигини таъминлайди, берилган кетма-кетликдаги фаолиятларни амалга ошириш малакасини, бир ҳаракатдан бошқа бир ҳаракатга ўтиш қобилиятини ҳамда амаллар кетма-кетлигини хотирада сақлаб қолишни шакллантиради.

Диққатни шакллантиришда сўз, мусиқа ва салоҳият асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Айниқса, мусиқа кенг қўламда қўлланилади. Мусиқий руҳиятнинг, оҳанг парчалари, ритмлари, регистрлар ёрқинлиги, характери ҳамда

товуш кучи ва ижро этиш шаклининг алмашинуви машқларни ташкил этувчи ҳаракатлар алмашинувини бошқаришга имкон беради, шунингдек, шуғулланувчилар эътиборини мусиқани ўзгартиришга, демак ҳаракатни ҳам ўзгартиришга жалб этадилар.

Логоритмик машғулотлар вақтида, одатда, диққат-эътиборни фаоллаштирувчи икки машғулот ўтказилади. Югуриш ёки юриш билан боғлиқ бўлган ҳаракатланувчи машғулотни ёки бўлмаса статистик машғулотни танлашни тарбиячи ўйлаб чиқади. Бундай танлов машғулот схемасига киритилган бўлиб, ўтилган ва навбатдаги машқлар жараёнидаги руҳий мотор зўриқишларига боғлиқ бўлади.

Ҳаракатни алмаштириш машқлари.

Болалар бир-бирига юзма-юз ҳолатда икки қатор бўлиб тизилишиб турадилар ва Д.Кобалевскийнинг «Масхарабозлар» номли мусиқаси остида ҳар бир тактнинг бошланишида биргаликда қарама-қарши машқларни бажарадилар. Бир қатор аввал ўтирган кейин оёқ учида турган ҳолатда бўлса, иккинчи қатор эса аввал оёқ учида турган, кейин ўтирган ҳолатларда бўлади.

Диққатни мустаҳкамловчи машқлар (импровизация).

Болалар занжир бўйлаб турли хил йўналишлар бўйича ҳаракатланадилар. Мусиқадаги кутилмаган оҳангда занжир бошловчиси битта тиззаси билан ўтириши қолганлар эса уни давом эттиришлари лозим. Навбатдаги оҳангда бошловчи бир тиззага туради. Бундай ҳолат ҳамма болалар бир тиззаларини пастга туширгунларича давом этади. Кейинги оҳангда биринчи бола туради ва бошқа болалар орасида уларни биттадан яна занжирга йиғган ҳолда (мусиқадаги оҳанг остида) юра бошлайди.

Диққатни тақсимловчи машқлар.

Болалар (катталар) айлана шаклида турадилар ва «биринчи, «иккинчи» ҳамда «учинчи»га санок санайдилар. Биринчи рақам остидагилар Д. Кобалевскийнинг «Қувноқ саргузаштлар» номли мусиқасида айлана бўйлаб ўнг томонга юрадилар. Бир вақтнинг ўзида биринчилар билан биргаликда иккинчи рақамли болалар чап томонга юра бошлайдилар. Учини рақамли болалар эса бу вақтда турган жойларида кафтлари билан чапак чала бошлайдилар. Сўнгра ҳаракатлар алмашади, яъни иккинчилар ўнгга томон юрадилар, учинчилар чапга томон юра бошлайдилар ва биринчилар эса қарсак чаладилар. Ва ниҳоят учинчи рақамли болалар ўнг томонга, биринчи рақамлилар эса чап томонга юрадилар ва иккинчи рақамлилар эса қарсак чаладилар. Ҳаракатларнинг алмашинуви ҳар 8 тактнинг охирида 4 марта бўлади.

Коптокли машқлар (С.Майкапарнинг «Полька» асаридан парча).

Болалар айлана шаклида туриб кетма-кетликда санайдилар. Мусиқасиз коптокни бир-бирларига навбатма-навбат узата бошлайдилар ва ҳар ким коптокни кимга узатганини эслаб қолади. Бошқа вариант: копток рақамлар кетма-кетлиги бўйича ирғитилади – биринчи бола коптокни иккинчи болага, иккинчи эса коптокни аввал юқорига бир марта думалатиб, кейин учинчи болага ирғитади. Учинчиси эса шу тарзда тўртинчига, тўртинчи бешинчига ирғитади ва ҳамма болалар турган жойларида айланадилар (10 та такт). Коптокни отиш

яна бошқатдан бошланади, бунда болалар жойларини бир неча марта алмашилишлари мумкин.

«Қўнғиз» машқи.

Болалар майдонча бўйлаб эркин ҳолатда турадилар. Тарбиячи «қўнғизлар учди», деб сигнал бериши билан ҳар томонга қочадилар. Сўнгра «қўнғизлар чалқанчасига ётибдилар ва тура олмайдилар» деган сигнал айтилиши билан болалар бир зумда тўхтаб қоладилар ва улар ҳам чалқанчасига ётиб қўлоёқларини ҳавода ўйната бошлайдилар. Тарбиячининг сигнали билан дарров ўринларидан турадилар.

Тинглаш қобилиятини ривожлантириш машқлари. Бу машқлар болаларга мусиканинг мажор ва минор тугалланишлар орасидаги фарқни аниқлашга, тинглашга ва оҳанглар орасидаги қисқа мусикий парчаларни ҳаракатга узата билишда ёрдам беради, ҳаракат силлиқлигини такомиллаштиди. Болалар мусиқа тугалланиши мажор ёки минорда эканлигини ажратиб олишлари учун тарбиячи уларга «Мусиқа қандай тамомланди, қувноқми ёки ғамгинми?» деган саволни беради. Кейинчалик болаларнинг фарқлашни ўрганганликларини текшириш мақсадида мусиқа қисмлари кетма-кетлигида ўрин алмаштириш бажарилади. Масалан, мажор якунига эга бўлган қисм икки марта эшиттирилади, ундан сўнг қувноқ ёки минор якунига эга бўлган қисм ва бешик алласи берилади.

“Ухлаб ол ва ўйнаб ол» (Т.Ломова “Қўғирчоқ ўйини»).

Болалар айлана бўйлаб тизилишиб турадилар ва улардан бирортасининг қўлида қўғирчоқ бўлади.

М у с и қ а н и н г б и р и н ч и қ и с м и. Ҳар бир тактнинг охирида бола қўлидаги қўғирчоқни оҳиста ҳаракатлар билан ўнг томондаги (чап томондаги) қўшнисига узатади, ўз навбатида бу жараён навбатдаги тактнинг бошланишига тўғри келади. Минор билан якунланувчи мазкур такт давомида бола қўғирчоқни аллалаб ухлатади.

М у с и қ а н и н г и к к и н ч и қ и с м и. «Бешик алласи». Охирги бўлиб қўғирчоқ-ни олган бола айлана ичида юриб уни тебратади. Мусиқа тугагандан сўнг айланада ўз жойини эгайллади.

М у с и қ а н и н г у ч и н ч и қ и с м и. Ухлаётган қўғирчоқни болалар айлана бўйлаб бир-бирларига узата бошлайдилар. Мажор оҳанги билан мусиқа тугайди. Қўғирчоқ уйғонади, ушлаб турган бола эса уни тик ҳолатга келтиради.

Т ў р т и н ч и қ и с м. «Рақсга тушиш». Қўғирчоқни охирги бўлиб олган бола даврага кириб, қўғирчоқ билан рақсга туша бошлайди. Қолган болалар эа секин қарсак чаладилар. Мусиканинг тўртинчи қисми баланд товушда қайта такрорланади. Болалар рақсга тушадилар, қўғирчоқ «қарсак чалади».

Шеърлар...

Санок машқлари. Бу машқлардан бирор-бир топширик, ҳаракатлар кетма-кетлиги ва айниқса, мураккаб тузилишларни бажаришда, болалар ва катталарда интизомли хулқни ташкил этиш мақсадида логоритмик машғулотлар вақтида фойдаланилади.

Коррекцион курснинг бошланишида санок машқи машғулотнинг шаклланиш лаҳзасига киритилади: навбатчи машғулотга қанча бола (катталар ҳам) келганлигини айтади. Сўнгра шуғулланувчилар кетма-кет тартиб рақамини санайдилар. Шунингдек, машғулотнинг мақсадидан келиб чиқиб, шуғулланувчилар биринчи ва иккинчига ёки биринчи, иккинчи ва учинчи рақамлар билан қайта саналадилар.

Санок болаларга жуфт-жуфти билан, икки қаторга, икки колонна бўлиб тўғри туриб олишларига ёки учтадан ҳамда тўрттадан туришларига ёрдам беради.

Санок машқлари бадантарбия машғулотига ҳам киритилади. Масалан навбатчи «бир» дейиши билан ҳамма қўлини юқорига кўтаради («сноп»), «икки» дейилганда қўллар ён тарафларга очилади («арча»), «уч» дейилиши билан тиззалар букилади – чўккалаб ўтирилади («тўнка»). Шунингдек, навбатчи турли хил ҳаракатларни билдирувчи рақам, ёки сўзлар айтади.

Санок машқлари навбатдаги машқни бажариш учун берилган буйруқ сигнали сифатидаги шеър шаклида ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан ўтин ёриш машқини номлашда «Бир-ўтин, икки-ўтин, чопилди худди метин! Бўлса қарс-курс ёғочлар, бўлар бизга ўтинлар». Ёки «рақслар тамом бўлди, айланамиз жам бўлди. Бир, икки, учда ҳамма болалар Алена атрофида.

«Бир ва икки» ўйни.

Шуғулланувчилар тарбиячи томон қараб турадилар ва «бир-икки, бир-икки» санок остида чирмандаларини бошлари устида силкитадилар. Кейин ҳамма ўнг томонга бурилиб тўхтайдилар ва яна «бир-икки, бир-икки» санок остида чирмандаларни силкитадилар. Болалар ўнг томонга яна бир марта буриладилар, бу ҳолатда улар тарбиячига орқа ўгириб турган бўладилар ва яна икки маротаба ўнга бурилиш билан бошланғич ҳолатга қайтадилар. Ҳар бир ҳолатда шуғулланувчилар чирмандани бошлари устида силкитадилар ва «бир-икки» деб санаб турадилар. Ўйинни такрорлашда бурилишлар чап томонга бўлади. Санок машғулотлари жараёнида болалар шеър айтадилар.

Шеър

Ўйиндаги фаолият. Ҳаракат муолажасида ўйинлардан мустақил тарзда ёки турли хил ритмик, логоритмик ва мусикий-ритмик мажмуалар уйғунлигида фойдаланиш мумкин.

Ўйинлар даволаш муолажасида ранг-баранглик ва ҳис-ҳаяжон киритади. (дизарттрияда, ринолияда ва афазияда). Даволаш муолажаси шаклидаги ўйин услуби амалда тобора кўпроқ ўз татбиқини топмоқда. Рухий-физиологик ривожланишга мос ҳолда болалар ўйин воситаларининг таъсирига осонгина бериладилар. Аммо болаларнинг диққат-эътиборлари муқобил эмас, ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, уларнинг бир буюм билан узоқ вақт шуғулланишлари қийинчиликда кечади, тўғри нафас олишни унутади ёки ҳаракат топшириқларини бажариш жараёнида бир неча дақиқага тўхтатиб қўяди.

Шу сабабли болалар амалиётга мураккаб услубли, ҳаракатли, катта куч ва тезлик талаб этувчи ҳамда мураккаб тузилишга эга бўлган ўйинлар тўғри келмайди.

Тарбиячи болалар билан ишлашда ўйинлардаги жисмоний ва ҳис-туйғуларнинг юкламаси ортқча ёки ўйиннинг ҳаракатига, унга қўйилган бошланғич рақобатлашувга, унинг давомийлигига, ўтказиш шароитларига, ўйинчининг реакция даражасига, уларнинг ҳаракатланиш маданияти ва олдинги ҳаракатланиш машғулотларига, ўйинчилар сонига, шунингдек, уларнинг турли хил қисмлари ва гуруҳларига, ҳар бир ўйин қондаси ва унга риоя қилишликка ҳамда бошланғич ҳолат ва ўйиннинг ривожланишига боғлиқ эканлигини унутмаслиги лозим. бола организм функциясига ўйиннинг даражаланган таъсири мақсадига асосланиб, қондаларни ва бирини ўрнига иккинчисини киритиш орқали уни ўтказишни ўзгартириш мумкин.

Даволаш муолажасидаги ўйинлар таснифи кўп сонли топшириқларга ва уларнинг шартларига боғлиқ бўлиб, бу шартларга даволаш жараёнида жавоб бериши лозим. Унинг мақсади ва вазифалари турличадир. Шу тарзда қизиқтирувчи ва чалғитувчи характердаги ўйинлар боланинг диққатини чалғитади, ўзига жалб этади, махсус йўналтирилган ўйинлар ўйин ташкил этувчи муалажа даврида бажарилаётган иш яхшилайдди, айрим тиббий топшириқларни бажаради (тайёрлов сифатидаги дизартрияга эга бўлган болаларда болалик церебрал паралич ҳолатида умуртқа поғанани корригация қилиш); дудуқланиш ва турли хил руҳий-асаб касалликлари билан хастланган катталар ва болалар тинчлантирувчи характердаги ўйинлар фойдалидир, устки ва остки қисмлар ривожланишда иштирок этиш афвзаллигига эга бўлган ўйинлар.

Ўйинлар унда иштирок этувчи ўйинчилар сонига боғлиқ ҳолда якка ҳолдаги ва гуруҳли ўйинларга бўлинади. Гуруҳли ўйинлар командаларга бўлинган ва бўлинмаган бўладилар.

Ўйин шартларининг бажарилишига ва ўйинчи ҳолати ҳамда буюмларнинг атрофдагиларга нисбатан ўзгаришига мос ҳолда гуруҳли ўйинлар қуйидагиларга бўлинади:

– турган жойида ўйнаш (статистик ўйинлар) бу ўйинда касал атрофдаги буюмларга нисбатан ўз ҳолатини ўзгартирмайди холос. Бундай ўйинларда (ўтирган, турган, баъзида эса ётган ҳолатда) ҳаракат миқдор жихатдан чегараланган бўлади ва асосий таъсир қилувчи элемент ҳис-туйғу омилидир.

Жисмоний юкланиш мазкур ўйинда бошқа ўйиндагиларга нисбатан энг кам бўлади.

– кам ҳаракатли ва ярим ҳаракатли ўйинлар, бу ўйинларда бир-бирларига нисбатан турлича муносабатда бўлган ҳаракат элементлари ва статистика мавжуд.

Одатда бундай ўйинларни ўтказишда бошланғич ҳолат ўтирган ёки тик туришдан иборат бўлади.

Улардаги жисмоний ва руҳий юкланиш белгиланган бўлиб, кўпроқ ҳис-ҳаяжондан иборат. Шунингдек, бу ўйинлар ҳаракатдаги ўйинлар билан жойда туриб ўйналадиган ўйинлар орасидаги ўтувчи ўйинлар ҳисобланади. –

Ҳаракатдаги ўйинларда иштирокчи танасининг ҳолатини атрофдаги буюмларга нисбатан узлуксиз ўзгартириб туради. Уларнинг ҳис-ҳаяжонларнинг кўплиги билан характерлайди ва ҳаракатнинг турли хил шаклларига эга бўлади:

– югуриш, сакраш, юриш ва шунга ўхшаш; шунингдек, бундай ўйинлар такрорликни, кучиликни, кучиликни, ҳаракатни мўлжаллай билишни чидамлиликни талаб этади ва мушакларнинг функциясида, нафас ва юрак томир тизимида сезиларли ўзгариш ҳосил қилиб, организм фаолиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Ўйин давомида жисмоний юкланиш кўп бўлганлиги сабабли улар беморлардан юқори функционаллик ва кўпроқ жисмоний имкониятларга эга бўлишликни талаб этади.

Шу билан бирга ҳаракатлантирувчи ўйинлар нутқида ва ҳаракатланишида бузилишларга эга бўлган шахсларга жуда катта коррекцияловчи таъсир кўрсатади.

Ҳаракатлантирувчи ўйинларнинг 1-3 ёшгача бўлган болалар организмига ижобий таъсири ҳақида кўпгина муаллифлар ёзганлар. Масалан, Р.И. Евдокимова, О.Р. Костенко ва П.Е. Рудовскаялар ҳаракатлантирувчи ўйинларнинг юрак-қонтомир ва нафас олиш тизимларига нисбатан ижобий таъсири устида бир қатор изланишлар олиб бордилар. Бола бундай ўйинлар таъсирида яхши ривожланади: танасининг вазни, бўйи, эни кўкрак қафасидаги ҳаво айланиши йўллари ва мушаклари ортиб боради; умутқа поғонадаги нуқсонлар камаяди, ухлаш ва иштаҳаси яхшиланади. Бундай ўйинларни мусиқа билан бирга ўтказишга эса янада самаралироқ таъсирида эга бўлиб, бунда боланинг ривожланиши, фойдали ҳисобларнинг мустаҳкамланиши, ақл ва ақл ортади; ҳаракат, тезлик ва давомийлик бўйича тобора мослашиб боради, ритм туйғуси тарбияланади, асаб жараёнларининг мутадиллшувига олиб келади ҳамда бола организмдаги турли хил таҳлиллар функциялар билан мушаклар зўриқиши бошқарувини яхшилашга имкон яратади. Шунингдек, ҳаракатлантирувчи ўйинлар нутқида нуқсонлари бўлган кичик ёшдаги болалар организмга жуда самарали таъсир кўрсатади.

Ҳаракатлантирувчи ўйинлар кичик, ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар организмларига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай ўйинлар жараёнида болаларда диққат-эътибор, ташаббускорлик, ғайратлилик ўртоқли туйғулари, тартиб интизом жамоада ўзини тута билиш, тезкорлик, куч, чидамлилик, эпчиллилик ва киришувчанлик тарбияланиб боради.

Бундай ўйинлар болаларнинг саломатлик ҳолатига, ёшга, жисмоний тайёргарлилигига, руҳий ривожланишига ва шахсининг алоҳида хусусиятларига мос ҳолда фойдаланилади.

Ҳаракатлантирувчи ўйинларнинг ягона таснифий гуруҳи бўлмаганлиги сабабли улар учун турли хил таснифий синфлар мавжуд. Масалан: М.М. Конторович, Л.И. Михайловалар ҳаракатлантирувчи ўйинларни болаларнинг ёши бўйича гуруҳлашдан ташқари уларда ҳосил бўладиган мушак зўриқишлари даражаси бўйича ҳам тақсимлайдилар яъни катта ва ўрта кичик ҳаракатдаги ўйинлар Н.Н. Кильпио бадан тарбия қўлланмасида фойдаланиладиган ҳаракатлантирувчи ўйинлар тўпламини асослайди (байроқчалар, коптоқлар, таёқ ва обрачлар) Л.В. Страковская ҳаракатлантирувчи ўйинлар барчасини қабул бўлган руҳий жисмоний юкланишни ҳисобга олган ҳолда 4-гуруҳга бўлишни тавсия этади.

1-гуруҳ сезилмас юкланишда, 2-гуруҳ мўжжалланган юкланишда, 3-гуруҳ ёқимли бўлган, 4-гуруҳ таранг қилувчи юкланишда; Масалан:

1-гуруҳ. “Қулоқ – бурун” (7-14 ёш).

Болалар ёки ўтирадилар ёки турадилар олдида қарсак чалиб, ўнг қўл билан чап қулоқни, чап қўл билан бурунни ушлаш лозим. Кейин яна қарсак чалиб, ўнг қўл билан бурунни, чап қўл билан эса ўнг қулоқни ушлайди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланади. Ким камроқ адашса, шу ютган бўлади ва навбатдаги ўйин бошловчиси қилиб тайинланади.

2-гуруҳ “Қопчаларни отиши” (7-14 ёш).

Болалар стулларда ўтирибдилар, навбат билан стуллардан 3-4 метр масофада чизиб қўйилган чизиқ бўйича тизилишиб турадилар.

Болалар стулларга бирин-кетин мўжжаллаб қопчаларни отадилар, бунда қопчалар стулларга ётиши лозим. Кейин навбатдаги ўйинчига қопча узатилади.

Ким кўпроқ мўжжаллай олган бўлса, шу иштирокчи ютган ҳисобланади.

3-гуруҳ. “Итоаткор копток” (6-11 ёш).

Болалар гиламга чалқанча ҳолатда ётадилар, оёқлари орасига коптокни қистириб оладилар. Коптокни тушириб юбормай ағдарилиб олиш (қорин билан ётиш) керак. Бу ўйин 4-6 марта такрорланади.

Қаранг қандай копток, гапга кирувчи копток!

Ағдарилиб ол, секин копток тушмасин лекин.

Қушча қафасда (болалар қўшиқлари эски тўпламдан куй, В.А.Гринер) қайта басталаган.

Болалар бошловчини “мушукни” танлаб олишади. Мушук узоқроқда туради, болалар эса 3-тадан гуруҳларга бўлинишади.

Ҳар бир гуруҳда 2-таси (қафас), ўйинчиси эса қушча билан диалог суҳбат кетади. “Сен қандай қушчасан?” – “Мен снигерман” – қушча жавоб беради.

1-қисм 2-марта такрорланади.

“Қафас”лар мусиқа оҳангида айланадилар, улар тўхтаганларида эса қушчалар куйлайдилар.

“Қафас биз учун қандай зерикарли – қўйиб юборинг учайлик”. “Қафаслар” уларга жавоб берадилар. “Қушчалар, қушчалар, эҳтиёт бўлинглар, мушук сизни тутиб олиши мумкин”

2-қисм: (қушчалар) залда чиқиб юришибди. Мусиқа охирида “мушук” югуриб чиқиб, “қушчаларни” овлашни бошлайди. Қўлга тушган “қушча” (қафасга) киритилади, ундан озод бўлгани эса “мушук” бўлади.

4-гуруҳ. “Сакраш-сакраш-сакраш” (3-8 ёш)

Болалар аввал бир оёқда, кейин иккинчисида навбат билан сакрайдилар, сўнгра бир оёқларини лайлак каби букиб турадилар, ундан кейин эса тўртоёқлаб туриб қурбақа каби 5-6 метрга сакрайдилар. Ўйин охирида қўлларини белга қўйган ҳолда икки оёқлаб сакраш керак.

Болаларнинг бир қисми матн айтиб турадилар, бошқаси ҳаракат бажарадилар, сўнгра роллар алмаштирилади.

Ҳаракатлантирувчи ўйинлар улардаги ҳаракат ва нутқ материали мазмунига қараб, спорт ўйинлари элементларига эга бўлган сюжетли ва сюжетсиз ўйинларга бўлинади.

Сюжетли ҳаракатлантирувчи ўйинлар шартли формада ҳаётий ёки эртак қаҳрамонларини акс эттирадилар. Мактабгача ёки мактаб ёшидаги болалар мамнуният ва катта қизиқиш билан ўйин қиёфасини намоён этадилар, бўри ва ўртагларга, ёки маймун ва овчига айланадилар.

Сюжетсиз ҳаракатлантирувчи ўйинлар эса ҳаракат топриқларидан иборат бўлиб, шу топириқларга боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинадилар; мусобақалашиб элементларига мавжуд бўлган ўйинлар: кимнинг звеноси тез тизилиб олади? “Ким аввлроқ байроқча ёнига чошиб боради? Ва шунга ўхшаш; мураккаб эстафета ўйинлари: “ким коптокни тезроқ узатади?”; Буюмлар билан ўйнаш: Коптоқлар, обрачлар, арқон, серсо; энг кичкиналар учун қизиқтирувчи ўйинлар: “Қарсак чалиш”, “Читтак”, «Шохдор эчки» ва бошқалар. Масалан:

«Копток билан белги қўйиш».

Болалар (катта копток) залда эркин ҳолда юрадилар. Улардан биттаси волейбол коптогини ушлаб, тарбиячига юзланган ҳолатда, ўйинчиларга тескари қараб туради. Кутилмаган сигналда копток ушлаган ўйинчи болалар томон ўгирилиб, улардан ихтиёрий биттасини бандлаб қўяди. Агар копток мўлжалга келса, ўйинчилар ролларини алмашадилар. Ўйинни югуриб ҳам бажариш мумкин.

«Жой эгаллаш».

Болалар қатордаги стулларда ўтирибдилар, ораларидаги масофа 1 қадам. Ўйинчилардан биттаси қаторда 4-5 қадам масофада унга тескари қараб, олдида турибди. Роялнинг басс калити билан берилган сигналда ҳамма ўрнидан туради ва ўнг томонга йўналишади қўшни стулга ўтирадилар. Қаторнинг бошида биринчи бўлиб ўтирган бола қатор охирида бўшаган стулга ўтириш учун қаторнинг иккинчи учи томон юради бу вақтда қатор олдида турган ўйинчи ҳам айнан шу столга ўтириш учун ҳаракат қилди. Биринчи етиб келган стулга ўтирди, кеч қолган эса қатор олдида турди.

«Обруч билан ўйнаш».

Болалар икки қатор бўлиб турдилар ҳар иккала қатордан биринчи ўйинчиларга обруч берилди. Тарбиячининг шартли сигнали билан обруч ушлаб турилган уни қатор охирига бумалатади. Охирги турган бола уни тутиб олиб ва обруч билан қаторнинг бошига қараб юради. Сўнгра биринчи бўлиб туриб олади.

У ҳам ўз навбатида обручни қатор охирига қараб думалатади. Бу амал обруч ўйини бошланган иштирокчи қўлига такроран келиб тушганига қараб давом этади. Ўйин мусобақаси қаторлардан қайси биридан энг аввалги ўйинчи обручга эга бўлса шу қатор ғолиб ҳисобланади.

«Ким биринчи».

Икки стул бир биридан 10-12 қадам назоратида трибди уларнинг орқасида полга арқон чўзиб қўйилган стулларда ўтирган икки ўйинчи кутилмаган, лекин олдиндан белгиланган сигналда ўринларидан сакраб турадилар ва полга тортиб қўйилган арқонни тортиб олишга ҳаракат қилади. Арқонни биринчи бўлиб тортиб олган ўйинчи ютган ҳисобланади.

«Байроқча эстафетаси».

Болалар қўлларини икки томонга чўзган ҳолда масофасида коридор ҳосил қилиб икки қатор бўлиб турадилар, барчага турли хилдаги байроқчалар тарқатилади. Иккила қатордан ҳар бир жуфтга бир хил рангдаги байроқчалар узатилди. Тарбиячи қатор олдида ундан 4-5 қадам масофа туради. Унинг орқасида турган стулда байроқчалар ётибди – ҳар бир рангдан биттадан ўйинчиларга белгиланган байроқчалар. Тарбиячи байроқни кўрсатиши билан, масалан яшил рангдаги байроқни кўрсатса, яшил рангдаги байроқча ушлаган ўйинчи коридор бўйлаб югуради ва тарбиячига ўз байроғини узатади. Бундан сўнг ўйинчи қатор айланиб ўтиб, коридар бўйлаб тарбиячи томон югуради. Ўзининг байроғига биринчи бўлиб эга бўлиши учун биринчи бўлиб етиб келган ўз қаторига бир очко ёздирган бўлади. Ўйин барча рангдаги байроқлар ўйналгунга қадар давом этади. Қайси қатор кўп очко йиғса шу қатор ютган ҳисобланади.

Спорт элементларига эга бўлган ўйинларида бошқа ўйинлардагига нисбатан кўпроқ эпчиллик, кучлилиқ, эътибор ва кузатувчанлик талаб қилинади.

«Уйқусирама!» Зал ўртасига мел билан айлана чизиб қўйилган. Унинг ичига эса турли жойларига ўйинчилар сонидан биттага кам бўлган кичик айланачалар чизилган. Ҳамма катта айлана ичига киради. Сигнал берилиши билан ўйинчилар биттадан кичик айланаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Жойсиз қолган ютқазган ҳисобланади ва ўйиндан чиқади. Бунда кичик айланаларнинг бири ҳам ўгирилади, яна ўйинчилар сонидан биттага кам бўлади.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳаракатлантирувчи ўйинларда ўйинчиларнинг ҳаракатлари такомиллашиб боради, кўриш ва эшитишга бўлган диққат-эътиборлари ривожланади, макон ҳамда вақт бўйича мўлжаллашга нисбатан ҳаракат реакциясининг тезлиги, кучларини ҳисоблашдаги аниқлик, ҳаракат уйғунлигидаги эпчиллик ва тезкорлик ортади, шахснинг журъатлилиқ, қатъиятлилиқ, ҳожатбарорлик, ўйин иштирокчиларига нисбатан дўстона муносабатлар ва жамоатчилиқ каби фазилатларга тарбияланиб боради.

Мос келувчилар қоидалари билан махсус ташкиллаштирилган ҳаракатлантирувчи ўйинларга рақсларни мисол келтириш мумкин. Турлича кўринишларига боғлиқ ҳолда рақслар маълум бир қатъий қоидаларга эга бўлиб, уларнинг бажарилиши мусиқа иштирокида амалга оширилади. Рақслар ўйновчиларда чуқур ҳис-ҳаяжонни ҳосил қилади. Рақслардаги жисмоний юкланиш ҳам турличадир, у давомийлиги ва такрорланиши частотаси бўйича даражаланади. Турли хил рақсларда зўриқиш ёки бутун организмга, ёки фақатгина пастки қисмларга йўналтирилган бўлади. Рақслардан махсус ҳаракат координацияси бузилган ҳолатда фойдаланилади. (секин ритм ва темпдаги рақслар), турли генездеги нутқнинг бузилишида (рақснинг темпи ва давомийлиги пациентнинг ёши ва нутқ билан бирга ҳаракатининг ҳам бузилишига аниқланади), асаб системалари функцияларининг шкастланишига (тез ва секин рақслар) логоритмик машғулотларга энг турли хил мавзу ва сюжет шери ёки проздик матинни сахналаштириш ўйинларини қўллаш фойдалидир. Ҳаракатлар, пантомимо, мимика ҳамда иродали нутқ орқали ўйинчилар ўйин мазмуни ва ундаги қиёфаларни намоён этадилар. Сахналаштириш ўйинлари

бутун қйин давомида мусиқа билан биргаликда ёки мусиқа унинг айрим қисмларига аккомпонемент сифатида берилади ва шунингдек, мусикасиз ўтказилади. Бундай ўйинлар турли хил ёшдагиларга қизиқиш уйғотади; ёшга ва коррекция ишининг эгаллигига боғлиқ ҳолда ўйиннинг нутқ материали қиёфанинг ҳаракатда шаклланишини мураккаблаштиради.

«Товуқ, жўжалар ва лочин».

Ўйинчилардан бири товуқни, иккинчиси лочин, қолганлари эса жўжаларни акс эттирадилар. Жўжалар «товуқ» бошчилигида залда югуриб юришади, ва озуқани «чўқилашади». Шартли сигналда «лочин» учиб чиқиб, «жўжаларни» овлай бошлайди. Қўрқиб кетган жўжалар ҳар томонга қочади «товуқ» жўжаларни химоя қилиб, лочинга ташланади, уларни эса уйига (мел билан чизиб қўйилган жой) бошлайди. Агар лочин бирор бир жўжани тутиб олса, учиб кетади. Қўлга тушиб қолган жўжа ўйиндан чиқади ва «жўжаларни» иккита «лочин» овлайди. Ўйин мусиқа остида ўтказилади ёки мусикасиз. «Товуқ, қўрқиб кетган жўжалар, ҳамла қилувчи ва овланган жўжа билан учиб кетаётган лочин мавзуси».

«Айиқ» (М.Красив мусикаси, халқ сўзи)

Ўйинчилар қўлларидан ушлашиб, айлана бўлиб турадилар, айлана ўртасига айиқ чиқади, унинг бошидаги катта қалпоқ кўзига тушиб туради. Ҳамма биринчи куплетини куйлайди.

Шеър:

Айлана бўйлаб юрадилар ва охирги сўзини айтишда айиқ томон қўл чўзадилар.

Тарбиячи сигнал бериши билан ўйинчилардан бирортаси «айқни» чақиради, товушни ўзгартириш мумкин. Агарда «айиқ» уни ким чақирганлигини топиб олса, унинг бошидан қалпоғи олинади, ўзи эса бирор бир ширинлик билан (конфет ёки фанта) меҳмон қилинади. Ўйинни уч маротаба такрорлашда ҳам айиқ уни ким чақирганлигини топа олмаса, айлана четига бошқа болалар ёнига бориб туради.

«Мен кимга ўхшайман».

Ўйинчиларнинг бирига ҳаракатлар орқали ўзи яхши билган хайвонни кўрсатиб бериши таклиф қилинади. Қолганлар эса ҳаракатларнинг турига қараб қандай хайвон ифодаланаётганлигини топишлари зарур. Биринчи бўлиб топган ҳам бирор-бир хайвонни кўрсатиб беришга эришади. Энг муваффақиятли чиққан намоёишни бошқа ўйинчилар ҳам такрорлайдилар.

Ижодий ташаббускорликни ривожлантириш машқларию Бундай машқларга дирижёрлик қилиш, мусиқа остида эркин ҳаракатлантирувчи импровизация, қўшиқларнинг ҳаракатлар орқали сахналаштирилиши, асосий планда ижод қилиш илгари сурилган мусикавий ҳаракат машқлари. Тузатиш курсининг бошидан уларни енгиллаштирилган вариантларида ҳамда болалар ва катталарнинг тасаввур ва фантазияларини рағбатлантириш билан ўтказиш муҳимдир. Шунингдек, бунда ҳаракатда турлича шакллантирилиши лозим бўлган мусиқага ва ўзининг ифодаланишида алоҳида ҳамда индивидуал (якка) ҳаракатни талаб этувчи қўшиқлардаги, сахналаштириш ўйинларидаги баъзи бир қаҳрамонларнинг хусусиятларига ҳам аҳамият бериш керак.

Б о л а л а р у ч у н м а ш қ л а р .

Пуфланган шарлар билан биргаликда рақсга тушиш (М.Раухвергер мусиқаси).

Болалар мустақил равишда икки қисмли мусиқани фарқлайдилар, мусиқа сифати ўзгариши билан болалар ҳаракатларини ўзгартирадилар. Пуфланган шарларни ҳавода силкитадилар ва отиб юборадилар.

«Хайрлашиш-саломлашиш» (Чех халқ кўшиғи).

Болалар ҳаракатларини мусиқа билан бошлаб, мусиқа билан тамомлайдилар. Фазода тўғри мўлжал олган ҳолда рақсли-ўйин ҳаракатларни ифодали бажарадилар. Импровизация икки қўллаб ушланган ҳолда ёки якка ҳолатда сахнадаги ғояни ҳаракатларда акс эттириб, жуфтликда бажариш мумкин.

Болалар айлана бўйлаб турадилар, айлана марказида эса Билмасвой ва Буратино кийимидаги икки бола туради. Ҳар бир қаҳрамон мусиқасига болалар унинг рақсини ижро этадилар. Айлана турган болалардан бири ҳаракатларини такрорлайди ва Билмасвой билан Буратинони импровизация қилишни бошлашда ва давом эттиришда ўзиникини қўшади.

Ў с м и р л а р в а к а т т а л а р у ч у н м а ш қ л а р .

Ритмни эркин ҳаракатлар билан ифодалаш. Бу шундай бўлиши мумкин:

$\frac{3}{4}$ (♩♩♩) – саккизликлар белга урилган икки қарсак билан (ўнг ва чап қўлларда); чоракларда икки оёқлаб икки марта сакраш билан.

$\frac{4}{4}$ (♩♩♩♩) – биринчи чоракда «бир» саноғига ўнг оёқ билан ўнг тарафга қадам ташлаш, иккинчи чоракда икки саноғига чап оёқни ўнг тарафга қўшиш. Саккизликлар ўзининг атрофида тўрт маротаба сакраш билан белгиланади.

Тўрт хил ҳаракат ўйлаб топиб, уларни 2-4 тактнинг бошида бажариш.

Марш мусиқаси: юзма-юз ҳолатда икки қатор бўлиб тизилиб турадилар. Ҳар бир қаторда биринчи бўлиб турган ўйинчи бир қадам олдинга чиқиб туриши лозим. Кириш қисмининг икки тактида ҳаракат бўлмайди. Қаторлардан бирининг бошловчиси бошланғич тўрт тактда ўзининг тўрт ҳаракатини бажаради, навбатдаги тўрт тактда эса кейинги қатор бошловчиси ўз ҳаракатларини бажаради сўнгра икки қатордаги ўйинчилар ҳам бошловчи томон кетма-кет ҳолатда бир-биридан кейин ўтириб оладилар, унинг кетидан айлана ичига қараб юрадилар (бу ҳаракат ўнта такт давомида бажарилади). Ҳар бир қатордаги биринчи рақамли болалар қатор охирига қараб югуриб кетадилар, иккинчи рақамлилар эса уларнинг жойларини эгаллайдилар ва барча ҳаракатлар қайтадан такрорланади.

«Дирижёрлик» («Экосез» И.Шуберт мусиқаси).

Аввал жиддий ҳаракатлар билан, сўнгра мусиқанинг динамик жилосини узатган ҳолда эркин ҳаракатлар билан дирижёрлик қилинади.

«Дирижёрлик» (2-ҳарбий марш, И.Шуберт мусиқаси)

Бошланғич ҳолат – қўллар икки томонга очилган. Барча фразалар такт ортидан бошланади. Биринчи такт фақат ўнг қўлда дирижёрлик қилинади. Иккинчи такт фақат чап қўлда, навбатдаги икки такт эса ҳар иккала қўлда

дирижёрлик қилинади. Иккинчи қисмдаги биринчи тўрт такт дирижёрлиги иккала қўлда билан бажарилиши керакак. Аввал бир бола дирижёрлик қилади ва бошқаларни унга яқинлашишларига, чекланишларига, бир жойдан иккинчи жойга ўтишларига ёрдам беради. Сўнгра ўзининг ҳаракатдаги импровизациясини навбат билан бажаради..

Такрорий расмга эга бўлган бирор-бир меҳнат жараёни ҳаракатининг импровизацияси. Ўзининг ҳаракатидаги акцентини кўрсатиши, ожиз-бўш қисмларини ҳисобдан чиқариши, кучли ва кучсиз моментларнинг мазкур тақсимотига мос келувчи мусиқа ўлчовини аниқлаш. Ҳаракатга мусиқий ёки шовқинли безак бериш.

«Кетишга тараддудланиб турган поезд вокзали» («Аллегро» этюди, Б.Тадаро мусиқаси, 53; №1)

Пассажирлар билетларини кўрсатиб ўтадилар ва вагонлари томон кетадилар. Охирги пассажир пайдо бўлади ва ҳаммани чапга чақиради. Барча пассажирлар шу томонга интиладилар, аммо кеч бўлган эди, чунки поезд гудоги эшитилди. Пассажирлар тўхташади, ўгирилиб поездга эргашадилар.

«Хонада» (Ф. Гайдна мусиқаси, 12 та кичик пьесалар).

Этюд ўйналади: хонани супуриш, йиғиштириш, ғалтаклар ва иплар солинган кутиларни тахлаш, териш, шошилиш. Бармоқлар ва қўл ҳаракатлари учун импровизацияни кўрсатиб бериш, масалан, тез ва шиддат билан бармоқлар навбатма-навбат, каттасидан бошлаб, кафтга эгилади. Ўн битта ҳаракатдан сўнг қўллар тўрт марта гавда олдида, уч марта эса боши устида силкитилади. Қўллар секин туширилади. Ўнг қўл билан икки маротаба барча бармоқлар иштирокида кафт бўйлаб пастдан юқорига сурган ҳолда, тўлқинсимон ҳаракат бажарилади. Худди шундай ҳаракатлар чап қўл билан бажарилади. Энди эса бу ҳаракатлар икки қўлда уларни олдинга чўзган ҳолатда шиддат билан бажарилади. Ундан сўнг бу ҳаракатлар яна икки қўл билан, фақат энди секинроқ ҳамда уларни аста-секин пастга тушира бориб бажарилади. Қўллар пастга туширилади ва машқнинг биринчи қисми такрорланади. Охирги тўртда аккорда қўлларни юқорига кўтариб, тўрт маротаба уларни силкитган ҳолда шиддат билан муштлар тугилади.

Э Грига мусиқаси: иншо 1-Ариетта-4 Ишо-65, №; 6 «Тўй куни»

Бирор-бир ишни ҳаракат орқали имитация қилиш. Барча турдаги ўйинлар аниқ қоидаларга, матнга эга бўлган логопедик иш талабларига жавоб берувчи нутқдаги нуксонларни ва нутқий паталогияси бўлган шахсларнинг ҳаракатланиш муҳитидаги чекланишларни ҳисобга олган ҳолда етарли даражада ҳаракатлантирувчи қилиб танланади.

Яқунловчи машқлар. Бу машқларнинг мақсади – шуғулланувчиларни тинчлантиришга, уларнинг диққатини бошқа турдаги машқларга жалб этишга қаратилган. Уларни турли хил шаклларда ўтказиш мумкин, мусиқа остида оддий марш, қайта тизилиб олиш; асар характери аниқлаш билан мусиқа тинглаш. Масалан, П. Чайковскийнинг «От ўйни» ёки А. Лядовнинг «Кичик вальси»ни тинглаш. Бундан ташқари, тингланган мусиқада қандай қиёфалар акс эттирилганлигини ва улар уйғотган тасаввурлар ҳақида сўзлаб бериш.

Мушиқа, ҳаракат ва сўз уйғунлиги логоритмикада турличадир. Аммо мушиқа, ҳаракат ва сўз улушлари қандай бўлмасин, машқ давомидаги комплекс ҳолатда улар шуғулланувчининг ҳаракатланиши муҳитини, унинг фаолиятини шакллантиради ва шахсга нисбатан ижобий таъсирни тартибга келтиради. Аниқ ўлчовдаги, мақсадга йўналтирилган ва тежалган ҳаракат одамда қаноатланиш туйғусини уйғотади. Ритм бир қатор перцепция органлари билан – кинетик ҳис қилишлар, тактил эшитиш ва кўриш азолари билан қабул қилинади. Бу кучли стимуллар нутқни тузатишда қўшимча мотив-асос ҳосил қилади. Болада ҳаракатланиш муҳитини нормаллашувини ва нутқ нуқсонларининг тузатилишини онгсиз ҳамда табиий ҳолатда амалга ошириш жуда муҳимдир. Бунда бўшашиш – хотиржамлик таъминланади ҳамда руҳийҳиссий ва мушак зўриқишларидан огоҳлантиради.

Барча ва алоҳида гуруҳлардаги мушакларнинг умумий мотор тайёргарлиги нафас ва артикуляр мушаклар фаолияти нормаллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Ритмик машқларни ижобий ҳиссий таъсирланиш асосида бажариш, тўғри нутқнинг тарбияланишига, болалар фаолиятининг муомалада, ўйинларда ва ҳаракатлардаги импровизацияларда жадаллашувига туртки беради.

Логоритмик муҳит барча турлардаги ҳар хил уйғунликларда фойдаланиш – нутқий нуқсонларга эга бўлган одамларнинг ижтимоий қайта тикланишидаги якуний мақсадларига асослангандир.

Назорат саволлари

1. Логоритмик ритмиканинг қандай воситаларини биласиз? Болалар билан ишлашда улардан нима учун фойдаланилади?

2. Нутқ нуқсонларини коррекция қилишда – тузатишда ритмнинг аҳамияти нимадан иборат?

3. Куйлашнинг турли хил малакаларини ўқитишга мисол келтиринг.

4. Ҳаракатлантирувчи ўйинларнинг нутқ коррекциясида ва болалар ҳаракатида қандай аҳамияти бор?

5. Тасма ёзувидаги мушикий асарни (ўқитувчи томонидан таклиф қилинган) таҳлил қилинг ва ундаги ҳаракат ҳаракатери ва кўринишини аниқланг (ўйин ёки рақс).

6. Халқ кўшиқлари мисолида хороовод учун ҳаракатлар композициясини тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логоритмия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2007.

2. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логоритмик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

3-МАВЗУ: Дудукланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика (4 соат)

Режа

3.1. Дудукланишни енгиш бўйича психологик-педагогик иш ва тиббий тадбирлар мажмуавий тизимидаги логопедик ритмика

3.2. Мактабгача, кичик ва ўрта мактаб ёшидаги дудукланадиган болаларда моторли, ҳиссий-ирода доираларининг ва эркин хулқнинг бузилиши

3.3. Дудукланадиган болалар билан логопедик ритмика бўйича машғулотларнинг мазмуни

3.4. Дудукланадиган болаларда коррекцион ишнинг босқичига логоритмик таъсирнинг боқлиқлиги

Таянч иборалар: дудукланиш, ҳиссий-ирода доираси, эркин хулқ,

3.1. Дудукланишни енгиш бўйича психологик-педагогик иш ва тиббий тадбирлар мажмуавий тизимидаги логопедик ритмика

Дудукланадиган болалар билан коррекцион ишда логопедик ритмикадан фойдаланишга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади.

Нутқ функцияси билан унинг ҳаракатлантирувчи, бажарувчи компонентлари ва умумий ҳаракатлантирувчи тизими ўртасида маҳкам функционал алоқа бўлади. Одамнинг одатдаги нутқи кўпгина пайдо бўлган марказий келишилган тизим билан таъминланади. Бош мия пўстлоғини муайян қисмининг шикастланиши унинг у ёки бу нутқ функцияси томонлари билан алоқасини очиб беради. Шикастланиш Броко қисмига қанчалик яқин жойлашган бўлса, шунчалик кўп даражада нутқнинг мотор компонентлари бузилади. Вазифа меъёрида амалга ошиши учун, шу жумладан нутқий, вақт оралиғида, тезликда, ҳаракатлар ритмида ва алоҳида реакцияларни бажариш муддатларида боғланиш зарур. Лекин боғланишга фақат нутқ функционал тизимининг олий пўстлоқ бўлимлари эмас, балки миёнали (ҳиқилдоқ, бош, бўйин, елка мускулларини ўрнатиш) ва чўзинчоқ миёда жойлашган бўлимлар (нафас мускулларини тартибга солиш), ҳамда ичкаридаги бошқа тузилишлар тегишли бўлади. Демак, бир вақтда боғланиш, ҳаракатлар тезлиги ва ритмининг аҳамияти оқир функционал нутқ тизимининг алоқиди компонентлари бўлимларининг келишилган иш учун муҳим шарт ҳисобланади ва бу компонентлар фаолиятининг вақтда мувофиқлашмаслиги нутқ бузилишининг функционал сабаби бўлиши мумкин. Бу ҳарашнинг қатъийлиги жуда машҳур бўлган факт билан тасдиқланади, дудукланаётганнинг нутқ ритмини ҳар қандай ўзгаришларида (ўқиш, декламация) дудукланиш камаяди; нутқ пайтида тактни қўл билан қайтаришда ҳам дудукланаётган нутқининг энтиқиши камаяди ёки олди олинади. Метрономнинг ритмик садо беришидан фойдаланиш дудукланаётган нутқини тўғрилашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Нутқнинг марказий асаб механизмлари ритм датчикига муқтожлик ҳис қилганидек, асаб жараёнларида ўтишнинг доимий темпига қўмаклашади.

И.В.Данилов ва И.М.Черепанов «Ритм датчиги» таклиф қилаётган темплар клоник ва тоник шаклларда дудукланаётганларда турлича диапазонда бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Бу факт бу гуруҳларда асаб жараёнларининг ўтиш темпи турлича деб тасдиқлайди. Бу турли-туманлик асосида бузилишларнинг асосий бўқинини олдини олишнинг локализатсиялашнинг турли босқичлари ётади. Клоник дудукланадиган касаллларда бош мия пўстлоқининг даражаси белгиловчи ҳисобланади, тоник шаклдагиларда эса мия ичкарасидаги тузилишлари даражасининг бузилишлари анча муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, асаб марказларининг анча лабланган пўстлоқи учун жуда баланд ритмлар (дудукланишнинг клоник шаклида), функционал анча ҳаракатсиз ичкаридаги тузилишлар учун – анча паст ритмлар (дудукланишнинг тоник шаклида) зарур. Бироқ бу савол чуқур ўрганишни талаб этади.

Дудукланадиганларнинг нутқ функциясига ритмикани қаттиқ боқлаш орқали метроном ёрдамида таъсир этиш мумкинлигига тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этади. Ф. Францелла (1965), Р. Бееч (1967) катта ёшдаги дудукланадиганлар нутқини садо бераётган метроном ритмига эргашиш шароитида ва унинг артимик чертқиларни узатган вақтида ўргандилар. Биринчи қодисада дудукланиш даражасининг камайиши яққол ифодаланган ўрни кўринди, товуш сигналларини аритмик узатишда эса нутқ функциясининг яхшиланиши кузатилмади. Р.Бееч дудукланадиганларга ритмик таъсир этиш усули ритмни қаттиқ боқлаш билан даволашнинг самарали усулидир деб ҳисоблайди. Р.Беечнинг фикрича, дудукланадиганлар ҳаракатланиш доирасида қандайдир камчиликлар билан қийналадилар ва ритмни қаттиқ боқлаш эса бу камчиликлар ўрнини тўлдиришга имкон беради.

В.А.Гринер ва Ю.А.Флоренскийларнинг фикрича, нутқнинг қаяжонли томони умумий психомоториканинг аффеktiv ифодалари билан зич боғланган. У худди нутқ сўзлаётган юзни тасаввур қилади ва унинг динамик сифатларида ўзининг ифодасини олади: ритмда, метрда, куйда, паузада, темпда ва бошқалар. Шундай қилиб, Э.Фрешелснинг таъкидлашича, талаффуз қилиш усулига, яъни сўзларнинг ўзаро динамик нисбатига боқлиқ бўлган тўртта сўздан тузилган иборадан тўртта турли хил маънони олиш мумкин. Ташқи нутқ ҳаракат ёнида вақтда тақсимланган, муайян тартибда, биргаликда ва кетма-кетликда намоён бўлади. ҳаракатланиш шаклини ифода қиладиган, у шу билан бирга ўзини фақат грамматика, синтаксис ва семантика қонунларигагина эмас, балки фонетика қонунларига ҳам бўйсундиради, улар эса нафақат ташқи безатиш атрофини ҳамраб олади, балки мазмунни тўғри узатишга таъсир қилувчи муҳим динамик тузилиш жиқатларидан бири ҳам бўлади. Маънодан ташқари мантиқий урқулар: оҳангнинг баландлигини кўтаришда, товушни секинлашиши ва турланишида фонетик ифодаланadi. Нутқ узунлиги, кучи, сифати, аниқлиги билан эга бўлади. Пауза ҳам ўзининг узунлиги ва аниқлигига эга бўлади ҳамда фаол тормозланиш жараёнини ифода этади. Иборада ўзига хос мазмунни оширадиган мусиқа бўлади. Бунга ритм ва куй каби нутқнинг мусиқий белгилари имкон беради. Маълумки, дудукланадиганларнинг нутқи топширилган ташқи ритмда сақланади (шеър, кўшиқ), ундан таянч қабул қилади ва мувозанатни тиклайди, яъни дудукланиш йўқолади.

Даволовчи ва логопедик ритмика ўз тизими асосида ритм тушунчасини ташкил қилувчи ва тартиблиликнинг боши сифатида ҳар қандай ҳаракатни муайян шаклга сикдирувчи ва касалнинг хулқини тартибга солувчи бўлади. Логопедик гимнастика, ритмика машғулотлари пайтида дудукланадиганлар оладиган ўртача жисмоний иш билан бандлик асаб жараёнларини қаяжонлантиради, унумли самара беради.

Дудукланадиганлар учун айниқса мусиқали ритм мақсадга мувофиқ, яъни у бой амалий материал беради, жамоани фоллаштиради, унинг ҳиссиётли ва иродали соқасида соғломлаштириш ишининг катта аҳамияти бор. Ритм фақат ҳаракатни тартибга солмайди, балки сўзни, темпни ва нутқнинг динамик хусусиятларини бошқаради. Мусиқали фразировка (гапирганда ёки мусиқа чалганда муҳим жойларини аниқ ва равшан айтиш ва чалиш) ва нюансировка, пауза ва урқулар ҳам нутқда ўз аксини топади. Логопедик ритмика билан жамоавий машғулотлар дудукланадиганларда ўз нуқсонларига бўлган муносабатни қайта тарбиялашга имкон беради, атрофдагилар билан ўзаро муносабатда янги, тўғри йўл-йўриқни, улар билан нутқий муносабатни шакллантиради. Логоритмик машғулотлар дудукланадиганларни ҳар хил вазиятларга солиб қўйиши мумкин: бир ўзи бутун жамоага ҳарши туради, жамоани гуруқларга бўлиб ташлайди ва бошқалар, яъни нутқда ҳаракатли шаклда турли ижтимоий ролларни ўйнаш эктимолини беради, фаол, ташаббускор кулқда тасдиқланади.

Логопедик ритмика дудукланувчи шахсига катта психотерапевтик таъсир ўтказди, унинг ижобий томонларини ривожлантиришга ва салбийларини текислашга кўмаклашади. Машғулотларни психоортопедик йўналишда тўғри олиб бориш шахсий четга чиқишларни коррекциялашга ва эркин, бошқариладиган хулқни тарбиялашга имкон беради.

3.2. Мактабгача, кичик ва ўрта мактаб ёшидаги дудукланадиган болаларда моторли, ҳиссий-ирода доираларининг ва эркин хулқнинг бузилиши

Тадқиқотчилар дудукланишда умумий моторика билан нутқнинг алоқаси ҳолатига алоқида эътибор ҳаратганлар. В.А.Гиляровский, нутқ ривожланишининг кечикиши қисман моториканинг умумий ривожланмаганлиги кўриниши бўлиши мумкин, деб таъкидлаган. М.Ф.Брунс дудукланадиган болалар моторикасини тадқиқ қилар экан шундай хулосага келади, уларда умумий мотор ривожланишида ифодаланган қолоқлик бўлади. В.И.Дресвянников дудукланадиган мактаб ўқувчилари моторикаси хусусиятларини таҳлил қилар экан умумий мотор онтогенези ва нутқнинг ўзаро алоқадорлиги ва параллеллигини кўрсатади, ҳамда болада моторика ва экспрессив нутқнинг ривожланиши маҳкам бирликда содир бўлади, деб таъкидлайди. Муаллиф, коррекцион иш таъсирида моторика ва нутқ сал кам бир бирига параллел равишда ўзгаради, деган хулосага келади.

М.А.Колтсова болада нутқнинг ривожланиш босқичи ва қўл панжаси ингичка моторикасининг ривожланиш даражаси ўртасидаги коррелятсиянинг мавжудлигини исботлаб берди. қўл панжасини артикулятсион аппарат каби нутқ

органи деб ҳарашга ҳамма асослар бор. Шу нуқтаи назардан қўлнинг проексияси миянинг яна битта нутқ зонаси бўлади.

А.В.Запорожец эркин ҳаракатларни тадқиқот қилишнинг муҳимлигини белгилаб, одамда иккинчи сигнал тизими функцияларини умумийлаштириш ва абстрактлаш таъсири остида эркин ҳаракатларнинг шаклланиши нутқ иштирокида рўй беради, деб кўрсатади. Е.М.Мастюкова нутқ ҳаракати функционал тизим билан онтогенетик, анатомик ва функционал боқланган деб таъкидлайди. Шунинг учун у, айниқса, серебрял паралич билан азоб чекувчи болалар билан логопедик ишнинг асосий тамойилларидан бири, ҳаракатли-кинетик рақбатлантириш тамойили деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, умумий моториканинг ўхшаш хусусиятларини ривожлантириш йўли билан умумий моторика билан нутқнинг алоқаси артикулятсион аппарат органлари ҳаракатининг зарур сифатини ривожлантиришга имкон беради.

Мотор бузилишларининг ҳар хиллиги дудуқланишда белгиланади. Баъзи дудуқланадиган болаларда ўзининг ёшидан уч ой катта бўлган моторли қобилиятни аниқлаш мумкин. Бироқ кўпчилигида моторика ривожланишидаги қолоқлик тўрт ойликдан сал кам беш ёшгача бўлади. Бузилишлар фақат умумий бўлмасдан, балки мимикали моторика ва орал прасисга ҳам тегишли бўлади.

Умумий мотор қобилиятида дудуқланадиган болалардаги мимикали моторикадаги камчилик билиниб қолади. В.М.Аристовнинг фикрича, у нутқ билан ҳар доим боқлиқ бўлмайди ва “кичик органик симптомларга” ҳарашли бўлиши мумкин, негаки дудуқланишнинг баъзи шакллари асосида “бош миядаги кинестик нутқ қужайралари афферент тизимининг шикастланиши” ётади. Бу нутқ органларининг статикаси ва динамикасининг бузилишига олиб келади. Мотор функциясининг органик бузилиши шундай кўринади:

тўкилиш симптомлари – оддий машқларни ишлаб чиқаришнинг мумкин эмаслиги;

тилнинг гиперкинез, тремор, фибриолляр ва фастсикуляр қисқариши;

атактик тартибсизликлар – у ёки бу ҳаракатни бирданига бажаришнинг мумкин эмаслиги (бажариш фақат кўриш назоратида бўлиши мумкин);

апракис тартибсизликлар (якка қолларда).

Агар дудуқланувчининг юз мускулларида баъзи қолсизлик бўлса, унда даволовчи гимнастика зарур.

Н.С.Самойленко, дудуқланадиган болаларда моториканинг ривожланиши нутқий ривожланишдан илгари юриши ёки нутқдан орқада қолиши мумкин ва алоқида мотор қобилиятли дудуқланадиган болалар ҳам учраши мумкин деб ҳисоблайди. Н.С.Самойленко моторикасининг ҳолатига ҳараб дудуқланадиган мактабгача ёшдаги тўртта гуруҳни ажратади.

Биринчиси – темпида, ритмида, мускуллар тонусида, мўлжал олиш ва жамоавий ўзаро муносабатларда бузилиши бор болалар. Бунда диққат ва фаоллик бузилмаган. Моторикадаги нуқсонларга тез барҳам берилади.

Иккинчиси – мотор муносабатида бўш қобилиятли болалар, ҳаракатларида чакқонлик, тезлик, аниқлик йўқ. Темпи сусайтирилган, ланж эътиборли, фаоллик секин-аста уйқонади, кеч қандай ташаббус йўқ. Вазифани ўзлаштиришни ўрганиш

узоқ вақтни талаб қилади. Мускуллар таранглигини тормозлантириш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни яхшилаш устидаги иш яхши натижалар бермайди. Енгил мотор қолоқлиги қоллари ҳам бўлиши мумкин.

Учинчиси – мускуллари кучли тормозланган болалар. қўлларнинг ҳолати таёққа ўхшаб чўзилган, бармоқлар мушт қилиб сиқилган ёки керилган, қўлларни ҳаракат пайтида букилмаслиги ва юрганда оёқларнинг жуда кам букилиши. қадам ташлаганда қўлларни тебратмаслик, бир қўлни тебратиш ёки чўзилган қўлларни олдинга итариб нотабий тебратиш ва оёқларнинг ҳаракати билан мувофиқлашмаслик. Бўйин ва елканинг кучли тормозланиши. Бундай болалар билан ҳам жамоавий, ҳам якка тартиб катта иш олиб бориш талаб этилади. Болалар кўпинча жамоавий ўйинлардан бош тортадилар, жиддий юз билан, кеч қанда қаяжонларини билдирмасдан якка қолда ўйнашни афзал кўрадилар, фаол роллардан бош тортадилар. Улар билан ишлаш узоқ муддат давом этади.

Тўртинчиси – тез темпда ишлаб чиқиладиган бемақсад сероб ҳаракатлар билан моторли тез таъсирланадиган болалар. Бундай болалар камдан кам учрайди. Улар учун осойишта ҳолатда бўлиш бажариб бўлмайдиган даражада қийиндир. Жамоавий ўйинда ўз навбатларини кутиб турмайдилар, танаффуссиз ҳаракатларга интиладилар. Мускуллар тонуси бир қанча таранг, ўйинга юқор қаяжонли муносабат кузатилади. Чопиш ва сакраш уларни кучли таъсирлантиради. Фаоллик қаддан ташҳари юқори: бошқалар учун ҳам бажаришга тайёрлар, бегона ўйинга аралашиб кетадилар, тажовузкор ҳаракатлар кўрсатадилар, рақбарлик ролини олишга интиладилар. Бундай болалар билан ишлаш узоқ давом этади, натижаси ҳар доим ижобий эмас.

М.Ф.Брунс “коррелятсион гимнастика дудуқланиш шакли билан мувофиқ иш тутиши керак” деб таъкидлаб, дудуқланиш шакллари (тоник ва клоник) ўртасидаги коррелятсия ва моторика хусусиятларини кўрсатади.

Б.И.Шостак бир қисм болаларда тил ҳаракатининг чекланганлиги, мускуллар тонуси, майда моторика, бошқа йўлга ўтиш, мувофиқлашув, ҳаракатлар темпи, ҳаракатларни статик ва динамик мувофиқлигининг бузилганлигини аниқлади. У маълум қилган бу бузилишларни дудуқланадиганларда катта иккиланиш ва ўзгарувчан тонус билан тасдиқланган кўп қолларда тезлатиш қоясининг борлиги ҳаракатлар темпи характерида намоён бўладиган ҳиссий-ирода доирасининг ҳолати билан боқлади.

Г.А.Волкованинг тадқиқотларида, 4-7 ёшдаги баъзи дудуқланадиган болаларда моторика бузилмаган, лекин кўпчилик болаларда эса умумий моторика, қўлларнинг нозик, эркин моторикаси, мимикали мускуллар ва орал праксиснинг ҳар хил ва кўпгина бузилишлари бўлиши кўрсатилган. Умумий мотор таранглиги, танглик, ўтиши секинлашган ҳаракатлар шаклидаги, безовта ҳаракатланиш, тормозланиб қолиш, мувофиқлашмаслик, ҳаракатлар тартибсизлиги шаклидаги бузилишлар ҳам бўлади, гипергенезларнинг мавжудлигида ҳаракатларни бажаришнинг кенг қўлаи билан мотор функциясининг бузилиши устун келади.

Кескин моторли болалар логопед ва ўртоқларининг ниманидир узатиб юбориш, олиб келиш тўғрисидаги илтимос ва мулоқазаларига дарров таъсирланмайдилар. Битта ҳаракатдан бошқасига шошилмай ўтадилар, ҳаркати ўйинларда копток, чамбарак ва бошқа нарсаларни тушириб юборадилар, кўп

вақтни бўлинадиган материаллар билан – қурилиш, минорали, бочкачали, матрешкали ўйинларга сарфлайдилар. 4–5 ёшдаги болаларда мотор танглиги кўполликда, бесўнақайликда у ёки бу ҳаракатни тез ва тўғри бажара олмасликда кўринади. 5–6, 6–7 ёшдаги болаларда мотор таранглиги дудукланиш билан анча аниқ боқланади ва ўз ҳаракатларини таърифлаб беришга ҳаракат қилишда кўринади. Содир қилган ҳаракатлари қақида эркин гапиришнинг имкони йўқлиги боланинг ҳаракатларини янада кўпроқ танг қилади: хулқдаги бамайлихотирлик, енгиллик йўқолади, ҳаракатлар темпи секинлашади, ҳаракат охиригача бажарилмайди. Юрадиган ва югурадиган ўйинларда тормозланиш аниқса яққол кўринади: болалар қўлларини тирсак бўқинида таранглик билан букадилар, уларни куч билан танага босадилар, оёқларини тизза бўқинида букмасдан тўғри қилиб чопадилар. Бўйин ва елка мускулларининг танглиги болаларнинг бутун гавдалари билан айланганида, моторли кўполликда аниқланади. Дудукланадиганларнинг ҳамма ёшдаги гуруқларида мотор кескинлигининг устунлиги кузатилади: 4–5, 5–6, 6–7 ёшларда.

Дудукланадиган болаларнинг ҳаракатлантирувчи тормозланиши шуларда кўринадики, улар осон қаяжонланадилар, ўйин пайтида беқуда овора бўладилар, сакрайдилар, чўкка тушадилар, қўлларини силкитадилар, шулар билан ўз қаяжонларини ифода этадилар. ҳаракатлари кескин, етарлича мақсадга ҳаратилмаган, мувофиқлаштирилмаган, нозик эркин ҳаракатлантирувчи актлар тўхталиб шаклланади, ҳаракатлар кўлами катта қулоч ёйиб кетади. Ўйиндан кейин болалар унинг оқими ва натижаларини муқокама қилишга уриниб, унинг боришини кўпгина мувофиқлаштирилмаган ҳаракатларда эслайдилар.

4-7 ёшдаги дудукланадиган болаларнинг ярмига бир-биридан ажралмайдиган жуда турли ҳаракатлар хос.

Г.А.Волкованинг тадқиқотларида кўрсатилишича, илк ёшдаги болаларда ҳаракатлантирувчи анализаторнинг етилишидаги нотекислик клиник кўрсатиладиган моториканинг турли бузилишларида бўлади. Дудукланадиган болалардаги анамнестик малумотлар тадқиқотини яхши гапирадиган болалар маълумоти билан солиштирилганда болаларда дудукланиш пайдо бўлгунига қадар мотор функциясининг шаклланишида анча кўзга ташланадиган ўзгаришлар бўлганлигини англаш имконини беради. 2 ёшдан то қаётининг 4-йили давомида дудукланадиган болаларда вазифаларни бажаришда сифатли фарқлар белгиланмайди. Уларда кўпгина аниқланган бузилишларда онтогенезнинг бирмунча кеч босқичларида мотор функциясини такомиллаштирувчи ёш динамикаси етарлича аниқланмаган. Г.А.Волкова ишлаб чиққан ўйин фаолияти методикаси мактабгача ёшдаги дудукланадиган болалар қулқи ва нутқиға ижобий таъсир кўрсатади ва мотор бузилишларини бартараф қилишга имкон беради.

Дудукланадиган болаларда моторли четга чиқишлар диққатнинг ўзгарувчанлиги, эпчил ўтишнинг етарли эмаслиги, боланинг юқори қаяжонланиши ёки унинг тормозланиши каби психик жараёнларга боқлиқлиги анча тез қосил бўлади.

Ўрта ва катта мактаб ёшидаги дудукланадиганларда ритм, мувофиқлашиш ва ҳаракатларнинг ўтишини қис қилиш тадқиқотлари кўрсатадики, дудукланиш даражаси қанча юқори бўлса, моториканинг бузилиши ўшанча кўп ифодаланади.

Енгил даражадаги дудукланиши бўлган ўқувчиларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш кўпроқ даражада ва ҳаракатларнинг ўтиши ва ритмни қис қилиш анча камроқ даражада етишмайди. Ўрта даражадаги дудукланишда ритмни қис қилиш ва ҳаракатларнинг ўтиши анча пасаяди. Оқир даражадаги дудукланишда ҳаракатларнинг ўтиши ҳаммадан кўп етишмайди, ритмни қис қилишнинг бузилиши эса ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг бузилиши билан тенглаштирилади.

Моторика атрофидаги бузилишларнинг асосий фоизи талвасанинг тоник хилидаги дудукланидиганларга тушади. Ўқил болаларда кўпроқ ритмни қис қилиш ва ҳаракатлар мувофиқлиги, қиз болаларда эса ҳаракатларнинг ўтиши етишмайди.

Шундай қилиб, моторика бузилишининг даражаси дудукланиш даражасининг оқирлигига мутаносиб равишда экан. Лекин ўқил болаларда ва қизларда бу бузилишлар турлича. Моторика ва нутқ ҳолатининг яхшиланиши логоритмик машғулотлар жараёнида деярлик бир бири билан тенг равишда содир бўлади. Нутқ билан узвий боқланган умумий моторика кейингисига катта таъсир кўрсатади. Дудукланидиганлар нутқини қайта тарбиялашдаги қийинчиликлар моторикани коррекциялашдаги қийинчиликлар билан мақкам чирмашиб кетади. Агар мотор бузилишлари муваффақиятли коррекцияланса, унда бу нутқни қайта тарбиялашдаги ижобий маълумот бўлади.

Дудукланидиган мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар моторикаси тадқиқотларининг таҳлили болаларнинг мотор ҳолатларини бақолаш мезонларининг ранг-баранглилигини кўрсатади. Тадқиқотчилар дудукланидиганлар моторикасини бақолаш мезонлари сифатида дудукланиш шаклини, намоён қилишнинг оқирлиги, ҳаракатлар темпи, ҳиссиётли-ирода доирасининг бузилиши, ўйин вазиятларидаги хулқдан фойдаландилар.

3.3. Дудукланидиган болалар билан логопедик ритмика бўйича машғулотларнинг мазмуни

Дудукланидиган болалар билан логоритмик машғулотларда қуйидаги машқ ва ўйинларни ўтказиш мақсадга мувофиқ:

кириш;

эшитиш ва кўриш идрокининг диққат-эътиборини ва хотирасини ривожлантириш учун;

ритмни қис қилишда ва маконда мўлжалга олишни ривожлантириш учун;

тақлидчилликни ривожлантириш учун;

ижодий, сюжетли-ролли, ҳаракатланидиган ўйинлар, ташаббус, мустақиллик, фаоллик, ирода сифатларини ривожлантириш учун ижодий этюдлар;

қўл моторикасини, бармоқларни, панжани, умумий моторикани ривожлантириш учун ҳаракатланидиган ўйин ва машқлар қоидалари билан;

юз мимикаси ва орал праксисини ривожлантириш учун;

нутқ просодиясини ривожлантириш учун мусиқа жўрлигида ашулали, хороводли, драматик ўйинлар;

ижодий қобилиятни, тасаввур қилишни ривожлантириш учун этюдлар;

мусиқий ижодни ва мусиқий хотирани ривожлантириш учун;

якунловчи;

сақналаштириш, эрталиклар, кўнгил очар томошалар, байрамона чиқишлар (болалар учун), юмор кечалари, пантомималар, контсертлар ва бошқалар (катталар учун).

Дудукланадиганлар билан коррекцион ишда логопедик ритмика воситалари логопедик ишга ҳараганда, нутқ просодияси, умумий темп ва ритмни ҳамда нутқ ҳаракатини меъёрга солишга имкон беради. ҳаракатнинг статик ва динамик мувофиқлигини ҳаракатлантирувчи, муסיқали-ҳаракатли, муסיқали-нутқий, ритмик, нутқий муסיқа жўрлигисиз, ҳаракатлантрукчи-нутқий машқ ва ўйинлар, мукуллар тонусини бошқариш қобилиятини, нафас чиқаришнинг давомийлигини, овознинг юмошқ қужумини ва просодиянинг бошқа компонентларини тарбиялайди. Дудукланадиганнинг ҳаракат доирасини меъёрга солиш унинг мулоқотга, атроф-оламга ва ўз нутқининг бузилишига бўлган муносабатини қайта қуришга ёрдам беради. Дудукланадиганда бу қайта қуришга психомоторикани коррекциялаш жараёнида пайдо бўладиган феъли ва ҳулқидаги ижобий ҳислатлар сабаб бўлади, чунончи: ҳаракатларда дадиллик, уларни бошқара олиш, тўғри қомат, суҳбатдошини кўришни мўлжаллаш, ботирлик, мулоқотда ташаббускорлик, ҳаракатлантирувчи ва нутқий қийинчиликларни қал қилишда мустиқлик, фаолиятда фаоллик, нутқ нуқсонига бўлган муносабатни қайта қуриш сабабли қаётий вазиятлар аҳамиятида қайта йўлга солиш ва бошқалар.

Логопедик ритмика машғулотларини логопед иши билан боқлаш керак ва ўқув йили давомида логоритмика материалига мувофиқ логопедик дастур бажарилади. Шундай қилиб, текшириш даврида логоритмика машғулотларида нутқнинг чекланганлиги (индамаслик тартиби, пичирлаш нутқи) туташлик, силлиқлик, ҳаракатларнинг ўтиши ишлаб чиқилади. Юришга, мувофиқлашишга, диққатни, хотирани ривожлантиришга, оптик-фазовий йўлга солишга, моторли кўриш мувофиқлаштирувчи машқлар таклиф қилинади ва бошқалар. Боқлаб талаффуз қилишни тарбиялаш давридан бошлаб талаффузнинг силлиқлиги ва туташлиги, ҳаракатлар темпи, ифодалилиқ, қаяжонлилиқни ишлаб чиқадиган нутқли вазифалар берилади.

Дудукланадиган ўқувчилар, ўсмирлар ва катталар билан логоритмик ишда қуйидаги бўлимларни ажратиш мумкин.

Силлиқ ҳаракатлар ва секин темпни тарбиялаш. Мукуллар тонусини кескинлаштириш ва бўшаштиришга; диққат ва хотира қажмини тарбиялашга; ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва айни бир вақтда бўлишлиқка; тормозланиш; автоматлаштиришни танлаш ва енгиб чиқиш таъсирига машқлар, масалан, дудукланадиганлар айлана бўйлаб қадам ташлайдилар: «бир» саноқига – тўхтайдилар, «икки» саноқига – орқаларига юрадилар, «уч» саноқига – айланадилар ва тескари томонга юрадилар, «тўрт» саноқига – марказ ва орқага юрадилар. Сигналлар бўлиб берилади: эшитиш ва кўриш.

Жамоавийлиқни яққол ифода этадиган оқиста темпдаги машқлар, масалан, қўллар учун галма галдан ҳаракат ўйлаб топадилар. Ўз ҳаракатларини бажара туриб давом этадилар, ўнг томондаги қўшнисининг ҳаракатларига эътиборини ҳаратадилар ва сигнал бўйича унинг ҳамма ҳаракатларини таклид қилиб ўрганиб

оладилар. Шуқулланаётганларга дастлабки ҳаракатлари қайтиб келмагунича шу тарзда давом этади.

Ҳаракат ва мусикали ритм билан нутқнинг боқлиқлиги. Юриш билан боқлиқ санок; ҳаракат билан боқланган санок ёки нутқли машқлар.

Ҳаракатни мувофиқлаштириш билан боқланган санокли ёки нутқли машқлар – коптокни: «юқорига – ўзига», «юқорига – қўшнига» сўзлари билан ирқитиш ва бошқалар.

Тормозланиш билан боқланган санокли ва нутқли машқлар: қадам ташлаш ва чап оёқ бўйича санаш. Сигнал бўйича тўхталади ва саналади, кейин юрилади ва санок тикланади.

Автоматлаштиришни бартараф қилиш билан боқланган санокли ва нутқли машқлар: чап оёқ бўйича тартиб билан санаш. Сигнал бўйича орқага қадам ташлаш ва кейинги сигналгача тескари тартибда санаш.

Танлаш таъсири билан боқланган санокли ва нутқли машқлар: ҳар қандай отни талаффуз қилиб коптокни бир бирига ирқитадилар, коптокни қабул қилиб олиб унга сифатни қўшадилар, кейин аксинча.

Нутқ темпининг мустаҳкамлиги, нутқни ҳаракат билан мувофиқлашишини текшириш учун бу бўлим хулосасида вазифалар берилади.

Ҳаракат ва нутқнинг ритм характери билан боқлиқлиги. Ҳаракат ва нутқда форте ҳамда пиано ни кўрсатиш: ибораларни баланд ва пичирлаб талаффуз қилиш ва баланд овозда санаш.

Срессендо ва диминуендо нинг нутқ ва ҳаракатда кучаядиган ёки тинчиб қоладиган мусикали ритм билан боқлиқлиги: санок ва товушни кучайтириш билан аста-секин қўлларни юқорига қўтариш ва товушни пасайтириш ва тескари тартиб билан секин-аста тушириш.

Нутқнинг мантиқий маъноси ва қўлнинг айнан ҳаракати билан боқлиқ бўлган муайян сўз таъкидланади, яъни урқу: «Менга коптокни бер. Менга коптокни бер. Менга коптокни бер».

Пауза мазмунини фаоллик, тўйинганлик билан тарбиялаш. Дудқланадиганлар матнни баланд овозда талаффуз қиладилар ва қадам ташлайдилар, сигнал бўйича тўхтайдилар ва матнни ўша темпда кейинги сигналгача қаёлан давом эттирадилар, кейин яна қадам ташлайдилар ва сигнал тутиб қолган сўздан баланд гапирадилар.

2F4, 3F4, 4F4 микдорида дирижёрлик қилиш машқлари оҳангдош воситаси сифатида. Дудқланадиган бир бола дирижёрлик қилади, товушнинг кучайиши ва пасайишини ўз ҳаракатлари билан ифода этади бошқалар эса дирижёрнинг кўрсатмаларига риоя қилиб баланд, паст овозда санайдилар.

3F4 микдордаги дирижёрликда тактнинг биринчи бўлаги текис ҳаракат билан пастга (ёки озгина чапга оқиш билан), иккинчиси – ёйсимон ҳаракат билан ўнгга, учинчиси – юқорига йўналтирилган озгина ёйсимон ҳаракат билан чапга кўрсатилади. 3 даги тактлаштириш схемасининг тузилиши тактдаги кучли, анча кучсиз ва жуда кучсиз бўлақларнинг табиий мутаносиблигини таъминлайди. 2F4, 4F4 микдордаги дирижёрликда (агар ижро этиш темпи секин бўлса) тактлаштиришнинг тўрт бўлакли схемаси қўлланилади. Унинг моқияти аввалгидагидек, уч бўлакли схеманинг иккинчи ва учинчи бўлақлари қақида гапирилган, мос равишда тўрт бўлакли схеманинг охириги иккита бўлагига

тааллуқлидир. Бир бола дирижёрлик қилади товушнинг кучайиши ва пасайишини ўз ҳаракатлари билан ифода этади бошқалари эса баланд, паст овозда санайдилар.

Ҳаракатлантирувчи нутқли вазифаларда ботирлик, дадиллик, кужумкорлик амалиёти. Икки кўринишдаги вазифа таклиф қилинади:

1)мусиқа билан боқлиқ сўзни вақтда тақсимлашни уддалашга, масалан, чапга, ўнгга қадам ташлаш, тескари томонга айланиш, жойида чапак чалиш. Дудукланидиганнинг ўзи ҳаракатни ва йўналишни ўзгартириши учун сўз билан сигналлар бериб гуруҳга рақбарлик қилади;

2)ўзини нутқ мулоқотида кўрсатиш имконини берувчи мусиқа билан боқланмаган.

Катта ёшдаги дудукланидиганлар билан логоритмик машғулотларнинг ўзига хос хусусияти машғулотларнинг зарурлигини англаш даражасининг ва ҳаракатларни мустақил бажаришнинг юқорилигидан иборат бўлади. Катта ёшдаги дудукланидиганларнинг уйда мусиқа остида мустақил машқ қилишлари катта аҳамият касб этади (магнитофон ёзувлари). Фикрни ифода этиш учун айнан пантомимо ҳаракатлари тўпламининг, қоматнинг, ҳаракатнинг нафислиги устидан доимий назорат амалга оширилади. Ойна олдида туриб тасаввурдаги ҳолат билан боқланган ҳаракатни нутқ билан бажариш фойдали. Катта ёшдаги дудукланидиганлар мусиқа жўрлигида ёки усиз сақна этюдларини ижро этадилар. Уйда ишлаб бўлинган этюдлар жамоавий машғулотларда кўрсатилади. Кўрилган ёки кўрсатилганлари хусусида жамоавий фикр алмашуви ёки иккитадан бўлиб кейинги мунозаралар келиб чиқади.

Катта ёшдаги дудукланидиганлар билан ритмика ишида Е.В.Оганесян ишлаб чиққан усуллардан фойдаланиш мумкин. Асабий дудукланидиган беморлар учун логоритмикага мускуллар тонусини меъёрлаштиришга, жисмоний куч ва чидамлилиқни ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний тарбия белгиларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу беморларга узоқ давом этадиган ҳаракатлантирувчи вазифалардан ҳаракатлантирувчи нутқли машқларга, кейин эса мусиқа ёрдамида ёки усиз фақат нутқли машқларга ўтиш учун мотор машқлари керак эмас. Уларда мусикали-ритмик қобилиятнинг юқори ривожланганлиги темп ва ритмни ўзгартириб киритишга, вазифаларни тез мураккаблаштиришга имкон беради. Асабий дудукланишда ҳаракатлантирувчи нутқ стереотипининг сақланганлиги талаб қилинади, логопедик ритмика машғулотлари дудукланидиганларнинг диққатини шахсий нутқ жараёнидан ритм ва темпда ўзгариб турадиган ритмик ҳаракатларга ўтказишга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда нутқли ва ҳаракатли таъсирларнинг турли уйғунлиқларини етарлича киритиш мумкин бўлиб қолади.

Асабий дудукланишга ўхшашликда ҳаракат функциясининг ўзига хос хусусияти логопедик ритмика тизимига махсус усулларни киритишни талаб қилади. Шунинг учун асабий дудукланишга ўхшашликда ҳаракатнинг ҳамма босқичлари кўтарилади, бу беморларда марказий асаб тизими билан боқланган бузилган ёки бўлмаган ҳаракат функцияларини шакллантириш зарур. Бунда тиклаш жараёнини сақланган ҳаракатлар таянчи билан қуриш зарур. Беморда мусиканинг ритми ва темпда мувофиқлашган ва ритмик ҳаракатлар аниқлигини ишлаб чиқиш, умумий мотор фаолиятини ташкил қилиш, мусикий-ритмик

қобилиятни ривожлантириш зарур. Машқ қилишни оддий ритм ва машқлар билан бошлаш, фақат олдинги машқларни тўла эгаллагандан сўнг аста-секин бошқа турдаги машқларга ўтиш мумкин. Ўргатиш жараёнида кўргазмали намуналардан иложи борица кўп фойдаланиш ва қўлланмани бутунлай эгаллагунча такрорлаш зарур. ҳаракатли ритмик машқлар курси ўрганиб олинганидан сўнг аста-секин нутқ таъсирлари киритилади, аввалида соддалари: фонда сўзлашиш, бир бўқинли сўзлар, мусиқа остида, энг оддий ҳаракатлар билан биргаликда, сўзни талаффуз қилиш жараёнига фаол эътиборни максимал ҳаратиш. Бу нутқ функционал тизимида ҳаракатлар дасурини мустаҳкамлашга, уни барҳарорлашувига имкон беради. Фақат мувофиқлашган бу машқларни муваффақиятли амалга оширилганидан кейин (яъни, оддий ҳаракатлар билан биргаликда мусиқа остида сўзлашиш) анча мураккаб бўлган ҳаракат ва нутқ билан биргаликдаги мусиқа остидаги машқларни киритишга ўтиш мумкин. Аввалида улар анча содда шаклда амалга оширилиши керак ва фақатгина аста-секинлик билан турлича темп ва ритмга ўтказиш машқларига ўтиш мумкин. Шу гуруҳдаги дудқланадиганларнинг бир қисмда мусиқий-ритмик қобилиятнинг паст ривожланиши логопедик ритмика машғулотларига мусиқали-ритмик машқларни максимал киритишни талаб этади.

Катта ёшдаги дудқланадиганлар билан логоритмик машғулотларни нутқ статсионари шароитида қуйидаги схема билан ўтказиш мумкин.

Кириш қисми (10–15 дақиқа). Дудқланадиганлар диққатини ташкил қилиш, қоматни яхшилаш, юришда сўз билан ҳаркатни мувофиқлаштиришни ривожлантириш, эски ва янги таклиф қилинган қийин бўлмаган машқларни такрорлаш, қийин бўлмаган рақс ҳаракатларини бажариш (ҳаракатлар кўлами ва бажариш темпини аста-секин ошириш).

Асосий қисм (30–45 дақиқа). Мускуллар тонусини тартибга солувчи, диққат-эътиборни, хотирани ривожлантирувчи, ҳаракатларни сўз ва шеърли матн билан мувофиқлаштирувчи машқлар.

Яқунловчи қисм (10–15 дақиқа). Мимикали гимнастика, хотиржам юриш, фигурали қадам ташлаш, бўшашганлик машқлари.

Катта ёшдаги дудқланадиганлар билан машғулотларни ҳар куни ёки кун ора ўтказиш мақсадга мувофиқ, лекин қафтада уч мартадан кам бўлмаслиги керак, машғулотларнинг давомийлиги 45 дақиқадан 1 соату 20 дақиқача. Машғулотларнинг сони даволаниш курсининг давомийлигига боқлиқ. Ритмик материал схема бўйича жойлашади ва логопедик машғулотлар режаси билан яқиндан боқланган бўлади. Логоритмик машғулотлар учун махсус соатлар ажратилади ёки улар логопедик машғулотга киритилиши мумкин. Одамлар сони 8–10 тадан ошмаслиги керак.

Дудқланадиган 5–8 синф ўқувчилари билан машғулотларда қўшила олишни ёки умумий ва нутқий ҳаракатларни “учириш” ни машқ қилиш тавсия этилади.

ҳаракатга киришиш тезлигини ривожлантириш воситаларидан ҳаракат муайян буйруқ орқали бажариладиган саф машқлари; нутқ ва мотор таъсирларига ўйинлар; сафда раҳамларни тартиб билан санаш, биринчи – иккинчи, биринчи – учинчи ва бошқалар; бир вақтда нутқли нафасни ва киришиш тезлигини автоматлаштириш машқлари, нутқ аппаратининг ҳамма учта бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бу машқларга нафас чиҳарганда ҳар хил нутқ материални талаффуз

қилиш, айрим унли товушлардан бошлаб турли мураккаблик ва узунликдаги гап бўқинлари ва бирикмалари киради. Нутқ фаолиятига кириш фақат “икки” саноқидан амалга оширилади; тасодифийлик белгисидан фойдаланилади; шуқулланаётганлар улардан қай бирлари нутқ материални гапиришини бевосита нутққа киришиш пайтида биладилар; нутққа киришиш учун сигнал билан ҳаракат комплексларини бажаришда гуруқдаги навбатчи томонидан айтилган иборанинг биринчи сўзи ҳисобланади. Нутқ нафасини автоматлаштиришга йўналтирилган машқлар дудуқланадиганлар нутқини тўғрилашда керакли ёрдам кўрсатади.

Дудуқланадиган ўқувчилар билан логоритмик машғулотларни уч қисмдан қуриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кириш. Саф тортиш, навбатчи рапорти, саломлашиш, машғулот мавзуи билан танишиш, саф машқлари, юришнинг турли кўринишлари, енгил чопиш.

Асосий. ЛФК мажмуи (бешта машқдан иборат), ҳаракатли ўйин, тинчлантирувчи машқ, ашула айтиш.

Яқунловчи. Навбатчи нутқини муқоама қилиш ва бақолаш, машғулотлар ҳулосасини яқунлаш, якка вазифалар.

Даволаниш курси даврида ЛФКнинг олти та мажмуи бажарилади. Мажмуаларни 6–7 машғулотдан кейин, яъни икки қафтадан сўнг алмаштириб ўтказилади. Логоритмик машғулотлар нутққа тўйинган. Кириш қисмида раҳамлар тартибида санаш амалга оширилади, ҳар 2–3 машғулотдан кейин эса болаларни олдинги машғулотларда ўрганган саф буйруқи ва машқларини қандай билишлари сўрови амалга оширилади. 6–8 машғулотдан кейин оммавий мактабдаги жисмоний тарбия дарсларида қабул қилинган шаклдаги навбатчининг рапорти киритилади. ЛФК мажмуи – машғулотларнинг асосий қисми айниқса нутққа бой, нутқ нафасини автоматлаштириш машқлари, санок ёки ритмлаштирилган нутқ остида бажариладиган ҳаракатларни эркин бўшаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган машқлар. ЛФК нинг тўртинчи мажмуидан “қийин” деб аталадиган товушлар, бўқинлар, сўзлар ва шу товушлар билан қисқа ибораларни қайта ишлашда фойдаланиладиган артикулятор аппаратининг мускуллар тонусини тартибга солувчи “баландлик” машқи киритилади. Олдин қийин товушлар артикулятор аппаратининг тўла мускуллар релаксациясида алоқиди ҳолатида, бўқинларда ва калта ибораларда енгил, эркин талаффуз қилинади; кейин шу товушларда тил ва лаб мускуллари бу товушларни бутунлай ишлаб чиқариш имконсизлигидан аста-секин таранглашади, шундан сўнг секин-аста уларни енгил, бемалол талаффуз қилишга ўтказиш керак. Ҳамма шуқулланаётганлар билан келишиб нутқ материали педагогнинг қўл ҳаракати бўйича талаффуз қилинади. Энг катта нутқ вазифаси – гуруқ бўйича навбатчида. Навбатчининг биринчи нутқ имтиқони – унинг ахбороти. ЛФКнинг учта мажмуи ишлаб чиқилганидан сўнг, навбатчига гуруқ билан ҳаракатни мувофиқлаштирадиган машқлар ўйлаб топиш ва ўргатиш топширилади. Сал кейинроқ навбатчи уларни олдиндан ўйлаб топади ва вараққа ёзиб олади, нутқ нафасини автоматлаштириш машқларига муайян мавзудаги гаплар киритилади. Гаплар нафас чиқаришда талаффуз қилинади. Машқни бажаришдан олдин навбатчи тўртта гапни ўқийди, бошқалар эса яхши эсда қолиши учун унинг орқасидан айнан такрорлайдилар, кейин машқни бажараётганда навбатчи “бир” саноқига шу гаплардан биринчи сўзни айтади, “икки–уч–тўрт” саноқига эса

педагог кўрсатган шуқулланаётган бола ҳамма гапни тўла талаффуз қилади. Даволаш курсининг охирида навбатчи мустақил машғулотни ўтказди, педагог фақат жўр бўлади.

Дудукланадиган мактабгача ёшдаги ҳамда кичик синф ўқувчилари билан нутқни ва бошқа асаб функцияларини машқ қилдиришга йўналтирилган намунали машғулотлар шундай схемага эга бўлиши мумкин:

кириш машқлари: маконда, жамоада мўлжал олишни тарбиялаш учун сафда юришнинг турли кўринишлари, ҳаракатни режалаштиришни уддалаш, муайян темпда юриш;

ашула айтиш: оҳангдорлик, зарбли бўқинларда товушларни автоматлаштириш, ашула айтишни тактлаштириш билан биргалиги, қўл ҳаракати билан ашула айтишни мувофиқлаштириш, нутқ нафасини тарбиялаш учун;

куйлаш: жойида қадам ташлаб марш қилиш, юриш билан куйлашни мувофиқлаштиришни тарбиялаш, товушларни автоматлаштириш учун; мусиқа характерини тушуниш, хотирани, эшитиш диққатини, ритмик эшитишни ривожлантириш учун;

эркин эътиборни тарбиялаш машқлари (диққатни махсус рақбатлантириш, кўриш қўзқатувчиларига тез ва аниқ таъсирланиш, дудукланадиганнинг ирода доирасини ривожлантириш);

ўзининг мускуллари билан турли ҳаракатларни эркин бошқаришни ишлаб чиқиш учун оҳангдор нутқни мувофиқлаштиришни тарбиялаш машқлари;

навбатдаги машқлар билан мусиқа хотирасини ривожлантириш учун мусикани эшитиш;

ёркин образлиликни, қаяжонлиликни тарбиялаш учун драматик ўйинлар; якунловчи машқлар (сафда хотиржам юриш).

Мактабгача ёшдаги дудукланадиган болалар билан логопедик ритмика бўйича машғулотлар ўтказгач, турли психик жараёнларда ва одатдаги онтогенезда боланинг функционал тизими шаклланганидек, дудукланадиганларнинг ўзларида ривожланишнинг баъзи хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ушбу ёшдаги болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятларини, уларда нутқ ва мотор функцияси, одамга эл бўладиган, қаяжонли ҳолати, (шу жумаладн ўйинли) билш фаолиятининг оқиб ўтишини ҳам эътиборга олиш керак.

Мактабгача ёшдаги болаларда қуйидаги анатомик-физиологик тизимнинг ўзига хос хусусияти бўлади:

бош мия пўстлоқи тўқималарининг тугалланмаган дифферентсиатсияси, шу жумладан психомотор қисмида, ажратиб ташланган ҳаракатни статик бажаришни қийинлаштиради (қўл, оёқни букиш, ростлаш), бу билан бола тез чарчаб қолади. Шу муносабат билан таъсирланиш ва тормозланиш ҳамда уларнинг мувозанатини сақлаш жараёнларини бир текис навбат билан туришига имкон берувчи турли ҳаракатларни тез-тез алмаштириб туриш зарур;

2–3 ёшдаги боланинг тез ўсувчи юмшоқ суяги ҳар хил букилишларга дучор бўлади. Шунинг учун елка камарида қаддан ошган кучланишда ва узоқ вақт статик ҳолатида туриш билан боқлиқ куч ҳаракатларини бажармаслик керак;

2-3 ёшдаги болаларда ижобий ҳиссиётлар асаб-психик доирасини функционал ташкил топиши ва ривожланишида катта ўрин эгаллайди. Бунинг кучида

логоритмик машғулотларнинг мазмуни ва ташкил этилиши болаларда қониқиш уйғотиши керак. Қўллаш ва мақташ болада ҳиссиёт тонусини кўтаради, мотор ва психик тангликни олдини олади ва озод қилади, қатто унинг умумий фаоллигини оширади, рақбатлантиради ва мулоқотни енгиллаштиради.

Нутқ материалини танлаганда кичик болалар диалогидаги махсус хислатларни назарда тутиш керак: шеригига тез-тез луқма ташлаш – такрорлаш ёрдамида мослашиш; гапираётганлардан тенгдошларидан қай бирига биринчи мажбурий мурожаат этиш; диалогнинг нисбий ташкил этилганлиги: диалогга галма-галдан киришиш, муайян инсонларга йўналтирилиш, яъни нутқнинг асосий функциясини – коммуникативликни амалга ошириш. 2–3 ёшдаги болалар нутқни мулоқот, кечинма ёки қўшма ҳаракатга чақириқ воситаси сифатида қўллайдилар. ҳаракат болаларда кўпинча монологга нисбатан диалогни вужудга келтиради, чунки бола ёки гаплашишга интилади, ёки ёрдам сўрайди. Аффектларнинг (қаттиқ қаяжоннинг) заруратдан бевосита ифодаланиши ва бошқаларга шахсий кечинмаларини хабар бериш хоқишида мурожаат қилишнинг лексик ва грамматик хусусиятлари туқилади: феълларнинг кўп сонли буйруқ майли билан боқлиқлиги, ўз фикрини айтиш буйруқ ёки сўроқ характерида, илтимос кўринишидан иборат бўлади.

Одатда, дудуқланиш пайдо бўлиши билан кўпчилик ривожланаётган болаларда шахси, нутқи ва хулқига салбий таъсир кўрсатмайди. Шу билан бирга илк ёшдаги дудуқланидиган болаларнинг бир қисмида мотор функциясининг, нутқнинг, дилкашликнинг, тақлидчиликнинг, тенгдошлари билан ўзаро муносабатнинг, ҳамда якка-шахсий хусусиятларининг дисгармоник ривожланиши белгиланади. Г.А.Волкованинг тадқиқотларида кўрсатилишича 2–3 ёшдаги дудуқланидиган ва дудуқланмайдиган болаларда қуйидаги мотор кўникмаларининг ривожланиши ва автоматлашишида кечикиш кузатилади (санаб чиқиш онтогенезда шаклланиши билан мувофиқликда берилади):

нарсани ушлаб олиш ва уни қўлда узоқ тутиб туриш;

“Ладушки”, “қакка” ўйинидаги каби қўл бармоқлари ва панжанинг ҳаракати; қошиқдан фойдаланиш;

юришни эгаллаш;

қурилиш материали билан ўйинларда кетма-кет ҳаракатлар ёнида.

Бу болалар бетайин кулқ билан характерланадилар, у атрофдагиларга аффектив муносабат кўрсатади. Кўпчилигида фаолиятда инертлик, тез толиқиб қолиш бегиланади. Тез-тез таъсирланувчанлик, салбий ва тажовузкорлик таъсирлари. Кўп болалар йиқлоқи. Кўпчилиги учун қатто яхши кўрган яқинлари билан ҳам мулоқот қилишдан бош тортишгача тутуриқсизлик хос.

Логопедик ритмика бўйича машғулотларни қуйидаги шартларни ҳисобга олган қолда ўтказиш керак.

Нутқ, ҳаракат ва мусиқали фаолиятнинг турли кўринишларининг ўзаро алқадорлиги.

Илк болалаликда ашула айтиш, мусиқа эшитиш, мусиқали-ритмик ҳаракатлар қали махсус вазифалар ва дастур таркиби билан мусиқали тарбиялаш бўлимларига ажратилмайди. Фақат бу фаолиятлар кўриниши пайдо бўлиши, мусиқали қобиляятнинг дастлабки шаклланиши, ашулали ва моторли кўринишлар содир

бўлади. Шунинг учун музикани эшитиш хиргойи қилиш билан, хиргойи қилиш ҳаракатлар билан кузатилади.

Ўқитиш жараёнининг кенг очилмаганлиги.

Логоритмик машғулотларнинг мазмуни муסיқага ҳиссиётли илтифотни ривожлантиришга, унга бирламчи қизиқишни, муסיқа билан боқлиқ алоқида ҳаракатларни фаоллаштиришга йўналтирилган бўлиши керак. Турли баландликдаги, тембрдаги, динамикадаги жаранглашларни идрок қилишни ривожлантириш алоқида ўрин эгаллайди. Илк ёшдаги болаларда муסיқали-ритмик кўникмаларнинг даражаси “бирламчи ашула кўринишлари”, “оддий ритмик ҳаракатлар” каби темринлар билан характерланади. Бу билан қаётининг учинчи йилида болаларни ўқитиш жараёни тугалланмаганлиги таъкидланади.

Вазифаларнинг такрорланиши.

Масалан, ҳаракатларни алмаштириш тарбияси икки-уч қисмдан иборат шаклдаги муסיқали асар билан кузатилади, бутун логопедик курс давомида амалга оширилади (бунда турли муסיқали репертуар фойдаланилади).

Нутқли ва муסיқали материалнинг кичкина ҳаракатлар қажми.

Логоритмика тарбияси логопедик ишнинг босқичлари мазмуни билан мувофиқликда амалга оширилиши керак.

Мактабгача ёшдаги дудуқладиганлар билан логопедик ритмикага қуйидаги бўлимлар киритилади.

1. Сенсор қобилиятини шакллантириш: турлича модалликни, диққатни, ритмга таъсирни ва эшитишга таъсир этувчиларни идрок қилиш. Даставвал музикани идрок этиш шаклланади. Болалар олдин муסיқий асарни яхлитлигича идрок этадилар, кейин эшитишни бошлайдилар ва ифодали оҳангни, тасвирий пайтларини, сўз боши ва хулосани ажратиб оладилар.

ҳар хил муסיқали асарларни эшитиш, муסיқали товушнинг тўртта хусусиятини: баландлиги, давомийлиги, тембри, динамикасини ажратиб олиш машқлари. Болалар муסיқа ким тўғрисида қикоя қилаётганини айтадилар (масалан, мушук ёки мушукча қақида) ва мос ўйинчокни кўрсатадилар. Ўйинчокни кўриш образи муайян муסיқа ва номланиш билан боқланади.

Логопедик босқичнинг охирида болалар муסיқали асарнинг уч қисмли шаклини, турли характердаги музиканинг қаттиқ ёки секин жаранглашини, кўнқироқчаларнинг баланд ёки паст жаранглашини ажратиб оладилар, металлофоннинг овозини, фортепианонинг «до»¹ – «до»² оралиқини аниқлайдилар (нима чирқиллаётганини таниб оладилар: қуш ёки қушча), кўқирчоқлар билан ҳаракатларда турли ритмни берадилар (кўқирчоқ қадам ташлаяпи, югураяпти ёки сакраяпти).

2. Муסיқали-ритмик кўникмаларнинг шаклланиши. Юриш, югуриш, ярим чўкка тушиш, оёқларни тебратиш (“пружинача”), ирқишлаш билан юришнинг биргалиги, нарсалар билан машқлар, ҳарама-ҳарши жаранглаган муסיқа билан ҳаракатларнинг мослиги. Югуришнинг темпи ва ритми ҳамда қўллар эркин ҳолатда.

Логопедик босқичнинг тугашида болалар муסיқа характери ўзгариши билан мустақил ҳаракатларни алмаштиришни ўрганишлари керак.

3. Мувозанатни сақлашни уддалашни тарбиялаш. Чекланган майдонда юриш, предмет устидан қатлаб ўтиш, қия текисликка кўтарилиш, полда ётдан арқонча устида юриш ва бошқалар.

4. ҳаракатлар мажмуини рақсда, сакрашда тарбиялаш. Сакрашнинг оддий белгилари (рақс тушиш, ирқишлаш, кичик ораликдаги – 5, 10, 15 см қандайдир нарса устидан сакраб ўтиш, сакраб тушиш). Рақслар икки қисмли мусиқали асар ёки қўшиқ матнига мос ҳаракатларнинг алмашишига асосан қурилади.

Логопедик босқичнинг ўртасига келиб болалар турлича қурилишдаги: айлана бўйлаб, бир киши бўлиб, икки киши бўлиб, рақс ҳаракатларини эгаллайдилар.

5. Ифодали ҳаракатлар кўникмасини тарбиялаш. Мусиқа остида ритмик юриш, сочилиб югуриш, ҳарсак чалиш, оёқлар билан тўпиллатиш, қўл панжаларини айлантириш, бир томонга ўз атрофида бурилишлар ва бошқалар.

Логопедик босқичнинг охирига келиб болаларни эркин рақсларда ҳаракатларни ифодали бажаришга, оддий қўшиқларни сақналаштиришга олиб келиш керак. қўл, оёқ, бўйин, елка камари релаксацияси машқлари ҳаракатларнинг ифодалилигига имкон беради.

6. Фазовий мўлжал олишни тарбиялаш. Бир киши, икки киши, сочилиб, бир бирининг кетидан, тескари йўналишда юриш, оддий рақс ҳаракатларини бажариш.

7. Ритмни, темпни, товуш қаттиқлигини қис қилишни, ашула айтиш пайтида паузани уддалашга риоя қилишни тарбиялаш. Катталарнинг ашула айтишига созланиш йўли билан ашула айтиш оҳангини шакллантириш; мусиқий ибораларнинг охирини хиргойи қилиш.

Логопедик босқичнинг ўрталарида болалар логопед билан биргаликда ва мустақил пастлашиб боровчи катта тертсиянинг такрорланувчи оралиқида қурилган ҳар бир куплетнинг охириги иккита иборасини куйлайдилар. Йил охирида катталарнинг овозига созланиб болалар қисқа иборалари бўлган осон қўшиқларни куйлайдилар. Бу куйлашлар чолқу асбоблари жўрлигида ижро этилади. Ўрганаётган қўшиқларини турлича вазиятларда логопедик ва тарбиявий машғулотларда, янги ўйинни, ўйинчоқни кўрсатиш пайтида ва бошқалар, ҳамда уй шароитида тез-тез такрорлашлари керак.

8. Мусиқий ритмни қис қилишни тарбиялаш. Юриш, чопиш, сакраш, осон бўлган рақслар, рақслар, хороводлар.

9. Қўл моторикасини тарбиялаш: Секинлашган ва одатдаги темпда ўтказилади. Турли тусдаги мусиқа остида ўтказилади. Масалан, оқиста мусиқани эшита туриб қўқирчоқни тебратиш; қувноқ рақс мусиқасини эшита туриб ҳарсак чалиш; овозга таклид қилиб педагогнинг орқасидан такрорлаш, мушукчани (ўйинчоқ) силаб қўйиш; марш овози остида байроқчаларни қайрат билан силкитиш; қўл тирсакларини букиб айланма ҳаракатларни мусиқа билан мосликда бажариш; педагогнинг қушча қақидаги қўшиқи остида галма-галдан битта қўлнинг бармоқлари билан иккинчи қўлнинг кафтларига тақиллатиш («қушчани овқатлантирамиз») ва бошқалар.

10. Артикулятор ҳаракатларини, текис нафас чиқаришни, маълум оҳангда гапиришни, овоз чиқаришни, диктсияни, динамикани тарбиялаш. Кулдирадиган шеърлар, овозга таклид қилувчи икки-тўрт қаторли шеърлар, жўр бўлиб қўшиқ айтиш, ашула айтиш.

11. Ўйин фаолиятини тарбиялаш. Машғулот–ўйинлардан мусикали-дидактик ўйинлар анча муҳим. У ўйин ҳаракатларини ривожлантиришни ўзи йўлга қўяди, хороводли қурилишларга, ҳаракатлантирувчи ўйинларга хос бўлган кўпгина хусусиятларни бирлаштиради. Мазмуни, тузилиши, ўйин ҳаракатлари ва мусикали-дидактик ўйин қоидалари юқори, ритмик, динамик ва тембрли эшитишни ривожланишига имкон беради.

12. Жамоани, шерикни ва ташаббусни қис қилишни, қобилиятни тўплаш – ирода доирасини ривожлантиришни тарбиялаш. Мусикали образга мос ҳаракатлар, қўшиқларни сақналаштириш, хороводлар, ўйинлар.

Тарбиячи, логопед ва вазифаларни тўғри бажарадиган болалар ҳаракатларига тақлид қилиш логоритмик тарбия методикасининг асосини ташкил этади. Болаларга яқка ёндашишлар жамоавий ёндашишлар билан мос келади: кичкина гуруҳда ҳар бир боланинг вазифаларни бажаришини текшириш ва бошқалар. Логопед ва тарбиячи ҳар хил усуллардан фойдаланадилар: ҳаракатларни кўрсатиш, оғзаки йўлланмалар, изоқ бериш, образли қикоя қилиш, бола билан биргаликда ҳаракатларни бажариш, у билан керакли сўзни, иборани такрорлаш; қаётининг учинчи йилидаги дудуқланадиган болалар билан ишлашда зарур бўлган маъқуллаш, мақташ, рақбатлантириш кабилар қўлланилади.

Логоритмик машғулотлар мавзули ва мажмуалиларга ажратилади. Мавзули машғулотларда мусикали, ҳаракатли, нутқли фаолиятнинг кўринишлари қандайдир битта образ билан бирлаштирилади (масалан, қушча, қўқирчоқ, шарлар, қозлар, самолёт, ёмқир, арча, мушукча билан).

Мажумали машғулотларда мусикали фаолият нутқли-рассомлик ва тасвирий фаолият билан уйғунлашади; ҳаракатларнинг галма-галлиги содир бўлади (масалан, гоқ болалар ўйинчоқни кўздан кечирадилар, гоқ персонажнинг ифодали ҳаракатларини бажарадилар, гоқ расм чизадилар ёки мусика остида фаолият темпини аниқловчи тайёр шаклларни ёпиштирадилар, гоқиде эса педагог билан биргаликда куйлайдилар).

Логоритмик машғулотларнинг ҳамма кўринишлари куннинг биринчи ярмида ўтказилади ва 20 дақиқа давом этади.

ҳар қандай ёшдаги дудуқланадиганлар билан ишда қўшиқ айтишдан кенг фойдаланиш кераклигини Н.А.Власова, В.А.Гринер, Г.А.Волковалар тавсия этадилар. Мактабгача ва мактаб ёшидаги дудуқланадиганлар учун шундай қўшиқлар танлаб олинадик, уларда мусика жўрлигида табиат оҳанги, темпи, характери, туси билан мусиканинг мазмуни тўғрисида тасаввур берилади ва болалар қўшиқни фақат матн орқали эмас, балки унинг образли жаранглаши орқали фарқлайдилар. Улар қўшиқ мазмунини ифодали узатадилар: байрам маршининг қувончли, тетик кайфияти ёки куз қўшиқининг оқиста овозлари, сакраётган қуённинг қувноқлиги ёки поезднинг бир текисдаги ритми. қўшиқнинг мазмуни қанча хилма хил бўлса, шунча боланинг мусикали идрок зақираси бой бўлади. қўшиқ матни муҳим рол ўйнайди. Агар дудуқланадиганларда товуш талаффуз қилишда бузилишлар бўлса ва логопедик машғулотларда товушни автоматлаштириш ва йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилаётган бўлса, унда қўшиқ матнига болалар эгалламаган товушлар киритилиши керак эмас.

қўшиқлар одатда хор бўлиб ижро этилади. Яккахон ижро этишлар ҳам бўлиши мумкин, лекин у нутқда ва хулқда катта масъулиятни ва мустақилликни талаб этади. Бу вазифани ҳамма дудуқланадиганлар ҳам эплай олмайдилар. Шунинг учун қўшиқни яккахон ижро этиш аста-секин тарбияланади: аввал бола хорда, кичик гуруқда қўшиқ айтади. Сўнгра логопед диалог шаклидаги ўзига хос қўшиқни танлаб олади: биттаси саволни куйлайди ва иккитаси ёки учтаси жавобни куйлайди, кейин диалогни иккита дудуқланадиган куйлайди, шу билан бирга якка куйлаганида талваса пайдо бўладиган бола олдин берилган саволга жавобни куйлайди ва фақат ундан кейингина диалогнинг ташаббускори сифатида чиқади.

қўшиқ ижро этиш коррекцион ишнинг босқичига боқлиқ. Болалар фақат нутқнинг индамаслик, шивирлаш даврида педагог томонидан ижро этилаётган қўшиқ ёки куйни эшитадилар. Туташ ва аксланган нутқ даврида педагог билан қўшиқни биргаликда куйлаб болалар унинг мазмунини эгаллайдилар, матнни ўрганадилар. Болалар нутқнинг савол-жавоб босқичларида қўшиқни диалог шаклида ижро этадилар. Логопед эса бу даврда савол-жавоб шаклида танлаб олган матн бўйича қўшиқларни сақналаштиришни ўтказди. Бола мустақил нутқдан фойдаланишни ўрганганида қўшиқ ижро этиш ҳам ўзгартирилади. Болалар аввал хор бўлиб сўнгра яккахон ашула айтадилар. қўшиқни бир бола, нақоратни эса ҳамма куйлаши мумкин. Мустақил қўшиқни сақналаштириш ҳам худди шундай содир бўлади.

Босқичнинг бошида ва охирида мусиқани тинглаб бўлгандан кейин логопед дудуқланадиганларга мусиқада улар нимани эшитганларини, қандай ҳиссиётлар туғдирганини гапириб беришни таклиф қилади.

Мусиқани идрок қилиш чуқур ички кечинмалар билан тўлдирилган мураккаб ва поетик жараён ҳисобланади. Унда шу дамдаги мусиқали товушларнинг сенсорли ҳиссиётлари, жаранглаши, олдинги тажриба ва содир бўлаётганлар билан жонли ассотсиатсиялар, мусиқали образлар ривожланиши ва улардаги ёрқин жавоб таъсирларини кузатиш ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Дудуқланадиганларда қўшиқ айтиш пайтида куйлаш кўникмалари, [«а»], [«о»], [«у»] унлилари ва уларнинг бирикмалари [«е»], [«и»] ни давомли куйлаш ишлаб чиқилади. қўшиқчилик диапазонини мустаҳкамлаш учун олдин кичик машқлар берилади, қўшиқлар ҳар сафар анча баланд оҳангдошликда куйланади, яъни ташилади (асарнинг оҳангдошлиги юқори ёки паст томонга ўзгаради). Турли регистрли машқлардан фойдаланилади (битта одам гоқ баланд, гоқ паст овозда куйлайди).

Логопед диктсия устида иш олиб борар экан болаларнинг эътиборини қўшиқдаги ифодали нутқ оҳангларига ва уларнинг мусиқа оҳанги билан мослигига ҳаратади. Дудуқланадиганлар мурожаат қилишни овоз билан ажратишни ўрганадилар: («қой, йўлдаги, эктиёт бўл»!), савол («қани менинг болаларим, кул ранг мушукчаларимқ»), образнинг характерли белгиси («қўрқоқ кул ранг куёнча...»).

Эшитишнинг товуш баландлигини ривожлантириш учун дудуқланадиганларга куйидаги машқлар таклиф қилинади: куйнинг охириги товуши жаранглаши қачон тутаганини аниқлаш (уни тепкида ушлаб туриш); деярли иккита бир хил мусиқали иборанинг ҳар хил қўшимчасини эшитиш; юқори

ва паст товушларни, ҳамда куйнинг юқори-паст ҳаракатини ажратиш; тўғри ва нотўғри куйлаётганларни аниқлаш.

Овоз ва эшитишни мувофиқлаштиришни ривожлантириш учун: берилган товушга «созланишни» уддалаш; педагогнинг топшириқи бўйича ва унинг ёрдамида эркин куй жаранглашини керакли оҳангдошликда баландлатиш ёки пастлатиш; ўз овози жаранглашининг характери ва баландлигига педагогнинг кўрсатмасига кўра куй ижро этаётган бошқаларнинг овозини «текислаш»; мусикали киришдан кейин кўшиқни ва ҳар бир мусикали иборани алоқида аниқ бошлаш.

Дудукланадиганларга куйлашни мусика жўрлигисиз ўргатиш фойдали. Бундай куйлаш эшитиш диққатини ривожлантиришга, диктсияни ва товуш овозини тозаллигига имкон беради.

Дудукланадиганлар аввал фортепиано жўрлигида куйлайдилар (куй озгина чалиб турилади), сўнгра педагог билан ва, ниқоят, мустақил мусика жўрлигисиз куйлайдилар.

ҳамма ёшдаги дудукланадиганлар била ишда куйдекламатсиядан фойдаланиш мумкин. Шеърли ва прозаик матнларни танлашда ёшни, нутқнинг ҳолатини, мусикий қобилиятнинг ривожланишини, коррекцион ишнинг босқичини ҳисобга олган қолда амалга оширилади. Мусика жўрлигидаги ўқиш, ифодали қикоя қилиш, диалог ёки хорли декламатсия қилиш матн мазмунига мос келиши, сюжетни, образни асар персонажларини очишга ёрдам бериши керак.

3.4. Дудукланадиган болаларда коррекцион ишнинг босқичига логоритмик таъсирнинг боқлиқлиги

Дудукланадиган болаларда тўғри, талвасаланмаган нутқни тарбиялаш аста-секин амалга оширилади: унинг енгиллашган шаклидан мустақил шаклигача, дудукланадиганлар учун алоқида турмуш вазиятларида ҳиссиётли нутқ. Табиийки, дудукланадиганларга комплекс таъсир қилинганида логопедик ритмика логопедик коррекция вазифаларига боқлиқ бўлади. Мактабгача ёшдаги дудукланадиганлар билан логопедик ритмика машғулотлари методикаси дудукланишни бартараф қилиш босқичлари билан мувофиқликда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Нутқнинг чекланган даври вазифалари (сукут ва пичирлаш мулоқоти): умумий эркин моторикани ва юз мускулларини; нафас нутқини; эшитиш диққатини ва эшитиш хотирасини; кўриш диққатини ва кўриш хотирасини; шахсий сифатларни ривожлантириш йўли билан эркин хулқни: чидамлилиқни, диққат-эътиборни жамлашни, эътиборни; пичирлаб талаффуз қилинган иборада пауза қилиш устида ишлашни; луқатни куйидаги мавзулар ва уларнинг вариантларида фаоллаштириш ва тўлдиришни тарбиялаш: «Куз», «Сабзавотлар», «Мевалар».

Логоритмик машғулотларда логопедик таъсир вазифалари билан боқлиқ бўлган нутқсиз машқ ва ўйинлар ўтказилади. Юз мимикасини, орал праксисни, эшитиш ва кўриш диққатини ривожлантириш учун, фазода мўлжал олиш, тақлид қилиш, умумий ва нозик эркин моторика учун материал берилади ва бошқалар. Логопед берган матнга этюдлар ўтказилади, иккита дудукланадиган жим туриб ҳаракатлари, мимикаси, пантомимикаси билан матн сюжетини ривожланишини

кўрсатади. Этюдлар мусиқа остида ёки усиз ўйналади. Бу даврда машғулотларда чолқу ва вокал мусиқалари ёзувини санъат усталари ижросида эшитиш фойдали. Мусиқали асарлар мавзулари логопедик машғулотлар мавзусини акс эттириши керак. Масалан, агар логопедик машғулот «Куз» мавзусида ўтказилаётган бўлса ёки унинг вариантларини («Сабзавотлар ва мевалар», «Мўл қосил», «Ўрмон кузда», «Куз ўрмонида ўрмон қайвонлари», «Ўрмонга мева тергани бордик», «қосилни йихамиз» ва бошқалар) акс эттираётган бўлса, унда логоритмик машғулотда П.И.Чайковскийнинг «Йил фасллари. Куз» мусиқасини эшитиш, педагог ижросида М.Пришвин, В.Бианканинг асарлари бўйича куй декламатсиялари, кетаётган поезд, машинага таклид қилувчи ҳаракатларни қайта ишлаш; далада сабзавотли қутиларни машинага ташиш ва сабзавот дўконида машинадан тушириш вазиятларида мускуллар тонусини тартибга соладиган машқлар ва бошқалар киритилади. Логопед болаларни машғулот мавзусига шундай киритадики, у бир сюжет бўйича ўтсин, логоритмик воситалар эса бир бирини алмаштириб сюжетни очиб беради. Логопедик машғулотлар ҳам логоритмик машғулотлар ҳам ўқитиш-ўргатиш хусусиятидан иборат. Болалар логопедни эшитишни, унинг кўрсатмаларини бажаришни ўрганадилар, лекин бунда ўзлари жим турадилар. Логопед (мусиқа рақбари, тарбиячи) болалар билан пичирлашиб гаплашади.

Туташ ва аксланган нутқни тарбиялаш босқичида логопедик коррекциянинг вазифалари ўзгача: просодияни, нафас нутқини тарбиялаш: нафас чиқаришни узайтириш; мотор четга чиқишларини, товуш талаффуз қилишнинг бузилишини коррекциялаш; ўйин ҳолатларида ва ундан ташҳарида шерик билан мулоқот қилишни ўргатиш давом этади; эркин хулқни тарбиялаш: фақат катталардан чиқадиган талабларни эмас, балки тенгдошларининг талабларини ҳам бажариш; луқатни фаоллаштириш, ибораларни тўртта сўзгача узайтириш. Кўрсатилган вазифалар қуйидаги мавзуларнинг ўтишида амалга оширилади: «Куз», «қушлар», «қўзиқоринлар», «Касблар» – туташ талаффуз қилишда. «Катталарнинг меҳнати», «қишлаётган қушлар», «қишлаётган қайвонлар» мавзулари – аксланган талаффуз қилишда ўтказилади.

Логоритмик машғулотларда юқорида кўрсатилган вазифалар махсус воситалар орқали амалга оширилади. Илгари кўрсатиб ўтилган машқлардан ташҳари қўшиқли, хороводли ўйин ва машқлар, қўшиқларни сақналаштириш киритилади, нарсаларсиз ҳаракатли ўйинларга ўргатиш, қўл, панжа, бармоқлар моторикасини ривожлантириш учун ўйинлар ва бошқалар ўтказилади. Логопед машғулотларда туташ ёки аксланган нутқли шуқулланадиганлар билан мулоқотда бўлади. Негаки нутқнинг бу кўринишлари анча кўп вақтни олади (нутқ намунаси икки мартадан талаффуз қилинади: педагог билан ёки педагогнинг орқасидан), шунинг учун логоритмик машғулотларга кам сонли иш турлари киритилади.

Савол-жавоб нутқини тарбиялаш даврида тўла меъёрда ахлоқий фаоллик ва мустақиллик шаклланади: гуруҳдаги бутун шуқулланадиганлар машғулотларда галма галдан логопедик вазифаларни бажаришда ва ўйинларда етакловчи бўлишлари, сақналарда, этюдларда бош ролни ижро этувчи, навбатчи бўлишлари мумкин. Диалоглар савол-жавоб шаклида қурилади. Бу босқичнинг вазифалари қуйидагилар: нутқнинг просодик компонентлари устидаги; иборани бешта сўзгача

узайтириш устидаги, иборани муттасил талаффуз қилиш устидаги, диалогнинг ифодалилиги устидаги иш давом этади. Шахс сифатларининг тарбияси давом этади: фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, ижодийлик. Товуш талаффуз қилишнинг бузилишларини коррекциялаш амалга оширилади, тарбиячи билан биргаликда қуйидаги мавзулар бўйича дастурлар ўтилади: “қиш”, “Ёввойи қайвонлар”, “Мебел”, “Идиш-товоқ”, “қушлар” ва уларнинг вариантлари.

Нутқнинг савол-жавоб шаклида нутқ материали танлаб олинади. Масалан, болаларнинг бир гуруҳи унлиларни баландлашган овоз билан сўроқ оҳангида, бошқаси эса пастлашган овоз билан ундов оҳангида куйлайдилар. Худди шу оҳангда санок машқлари, қўшиқлар, мусиқа жўрлигидаги сақналаштирилган диалоглар ва бошқалар ўтказилади.

Мустақил нутқ босқичи қайта қикоя қилиш материалида тайёрланган нутқнинг тарбияси ва қикоя материалида мустақил нутқни тарбиялашни ўзига киритади. Бу бўлимларнинг ҳар бирида ўзининг вазифалари бор. Мустақил нутқ устидаги қайта қикоя қилиш ишида болалар тайёрланган матнни қайта қикоя қилишни қуйидагича драмалаштириш билан ўрганадилар: воқеаларни, ҳаракатларни турлича ўйин материаллари асосида қикоя қиладилар. Машғулотларда фаоллик, мустақиллик, ўйиннинг ҳамма кўринишларида (ҳаракатли, дидактик, драмалашган ўйинлар, сюжети-ролли) ҳулқнинг эркинлиги тарбияланади; товуш талаффуз қилишдаги бузилишларнинг коррекцияси бўйича, нутқнинг лексик-грамматик қурилишини ривожлантириш бўйича иш давом этади. Бу даврда педагог умумий вазифаларни ҳисобга олган қолда логоритмик машғулотларни қуради. Машғулотларга катта қажмда нутқ вазифалари, ўйинлар, мусиқа жўрлигисиз машқлар, ҳамда мусиқали-ритмик тарбия бўйича материаллар (хороводли ва мусиқали композитсиялар, рақсли, мусиқа остида ёдланганлари ҳам, ҳаракатли импровизатсиялар ҳам) киритилади.

қикоя материалида мустақил нутқни тарбиялаш болаларни тасвирий қикоя қилишга, хотира бўйича қикоя қилишга, ижодий қикоя қилишга ўргатишни мўлжаллайди. Бу даврдаги логоритмик машғулотлар оммавий болалар боқчаси болаларини мусиқали-ритмик тарбияси билан мосликда қурилади. Коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш босқичининг охирида дудуқланадиган болалар шу қадар коррекцияланган бўлишлари муҳимки, оммавий болалар боқчаси дастури талабларини эплашлари керак. Шунинг учун логопедик ритмика бўйича машғулотлар нутқ материали, ижодий ҳолатлар ва етарлича ҳаракат вазифаси билан бойитилади.

Фаол қулқни ва эркин мулоқотни мустаҳкамлаш босқичида логопедик ва логоритмик машғулотлар болаларда тенг меъёрда келгусида ташкилотчилик сифатларини, фаол, шахснинг ижодий бошланишини, турли вазиятларда ҳар қандай нутқ мураккаблигида мулоқотни уддалашни мустқкамлаш масалаларини қал қилади.

Катталар ва ўсмирлар билан логоритмик машғулотлар ҳам логопедик иш вазифалари ва нутқ муассасасининг турига сабаб бўлади. Дудуқланадиганлар 1 ойдан 3 ойгача бўладиган шифохонада логоритмика курси нутқ коррекцияси учун замин яратишга қурилади: машғулотлар умумий ҳаракатларнинг темпи ва ритмини, мимикали мускулларни, орал праксисини, релаксацияни, мускуллар

тонусини тартибга солишни тарбиялаш учун кўп вазифаларни киритади. Куй декламатсия кенг қўлланилади: махсус танлаб олинган музика остида дудукланидиганлар логопеддан олган нутқ материални ифодали гапириб берадилар. Шифохона шароитида логоритмика курси 35–60 кунга мўлжалланган ва унга босқичга бўлинади.

1. (5 кун). Психомоторикадаги четга чиқишларни аниқлаш мақсадида беморларни кўрикдан ўтказиш.

2. (20 кун). Вазифалар: фаол тормозланиш жараёнини мустаҳкамлаш; мускуллар тонусини тартибга солишни ўрганиш; мимикали мускулларни ривожлантириш; нутқ–ҳаракат мувофиқлигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

3. (10 кун). Олинган кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Агар катталар ва ўсмирлар логопедик ёрдамни поликлиникада ёки асабневрологик диспансерда оладиган бўлса, унда логоритмика логопедик машғулотларга киритилади. Бу муассасаларда ритмист штати йўқ, шунинг учун музикали-ритмик тарбия билан таниш бўлган кенг маълумотли, билимдон бўлган мутахассис логопеднинг роли ошмоқда.

Назорат саволлари:

1. Дудукланидиган болалар билан коррекцион ишда логопедик ритмикадан фойдаланиш қандай ҳолатлар билан шартланган?

2. Дудукланидиган болалар ҳулкида ва ҳиссий-ирода доирасида, мотор бузилишлари қандай?

3. Катта ёшдаги дудукланидиганларда бўладиган моторика бузилишларининг хусусиятлари қандай?

4. Дудукланидиган болалар ва катталар билан ишда логопедик ритмиканинг қандай воситаларидан фойдаланилади?

5. Ўйин фаолияти методикаси бўйича логопедик ритмика билан логопедик машғулотларнинг боқлиқлиги қандай?

6. Дудукланидиган болалар билан пичирлаш нутқи босқичида логопедик ритмика бўйича машғулотларни таҳлил қилинг. Унинг хусусиятларини сўзлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2007.

2. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

**4-МАНЗУ: Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз
бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик
ритмика
(4 соат)**

Режа

- 4.1. Дислалияни коррекциялаш учун ўйин ва машқлар
- 4.2. Ринолалия билан касалланганлар учун логоритмик машғулотлар
- 4.3. Дизартрияли болалар учун логоритмик ва мушқали-ритмик воситалар
- 4.4. Артикуляцион аппаратни, умумий ҳаракат кўникмаларини, эшитиш-талаффуз қилиш дифференцияларини ривожлантириш

Таянч иборалар: дислалия, дизартрия, ринолалия, артикуляция, нутқий товушлар, нутқсиз товушлар.

4.1. Дислалияни коррекциялаш учун ўйин ва машқлар

Дислалияни коррекциялаш учун логоритмик ва мушқали-ритмик тарбия воситалари босқичма-босқич ва дифференсиал фойдаланилади. Турли нутқ мураккабликлари материалида овозни автоматлаштириш ва дифференсиаллаш, овозни чақиришни ва шакллантиришни тайёрлов босқичида ажратилади (бўқинларда, сўзда, гапда ва мушқил нутқда ажратилган).

Логопедик ва логоритмик машғулотларнинг тайёрлов даврида эшитиш эътиборини, эшитиш нутқи, фонематик идрок, артикуляцион моторика, нафас олиш физиологияси, нафас олиш нутқи, овозларни ривожлантириш учун ўйин ва машқлар ўтказилади.

Эшитиш диққатини ривожлантириш учун ўйинлар

«Ёмғир» (Муаллиф Е.Соковнина, Т.Ломова мушқаси)

Вазифалар: мушқа характерини ўзгаришига ҳараб алмаштириб, ҳаракатларларни мушқа билан келишишини ўрганиш.

Болалар турибдилар, «Сайр» мушқаси янграпти ва улар бутун зал бўйлаб эркин юрибдилар – сайр қилиптилар. «Рақс» мушқаси янграпти – ўзларига таниш рақс ҳаракатларидан фойдаланиб болалар рақс тушадилар. «Ёмқир ёқалок» мушқаси янграйди. Болалар 1-2-тактларда тепага ҳараб қафтларини кўтарадилар – ёмқир томчиларини ушлайдилар, 3-6-тактларда эса ўз жойларига қочадилар.

Ўйин бир неча марта қайтарилади, педагог болаларга мушқани эътибор билан эшитишни эслатиб қўяди.

«Нима билан ўйнаймизқ» (Муаллиф Е. Соковнина)

Вазифалар: таниш мушқани эшитиш ва таниб қолиш ва шу мушқа садосида ҳаракат қилиш; байроқчалар билан шакдам, тетик юриш мақоратини мушқамлаш, рақс ҳаракатларини машқ қилиш; тўпиллатиб қадам ташлашни эркин, ўзига ишониб бажариш.

Болалар сонига ҳараб залда девор бўйлаб стулларда атрибутлар ётибди. Биринчи девор остида – руллар, бошқасида – рангли рўмолчалар, учинчисида – ўзи кенг бўйи паст гулдонда рангли байроқчалар, тўртинчисида – болалар, улар мушқа

тинглашмоқда. Агар рақс мусиқаси янграса, стулларга яқинлашиб рўмолчаларни оладилар ва эркин тартибда рақс тушадилар, мусиқа тугаши билан рўмолчаларни жойига қўядилар. Агар марш ижро этилса, байроқчаларни олиб, уларни кўтариб, бир-бирини орқасидан марш қилиб юрадилар. Агар «Автомобил» мусиқаси ижро этилса, рулларни олиб бир-бирини орқасидан тўпиллатиб қадам ташлаб ҳаракат қиладилар.

Нутқий эшитишни ривожлантирувчи ўйинлар
“Тингла ва бажар” (Т.Ломова мусиқаси.)

Қиз болаларга қўқирчоқ, ўқил болаларга мусиқа асбоблари: дўмбира, шиқилдоқ, балалайкалар берилади. “Сайр” мусиқаси янграйди. қиз болалар осойишта қадам билан сайилгоқга борадилар, кейин эса олдиндан кўрсатилган жойларга ўтирадилар (хона деворининг ёнига). “Алла” куйи янграмоқда – қиз болалар педагог билан алла боламни айтиб қўқирчоқни тебратадилар:

Ш е ъ р м а т н и

“Мусиқачилар” куйи янграмоқда, болалар тетик қадам билан чирмандалар чалиб ва шиқилдоқларни жаранглатиб келишади. Мусиқа тугайди, ўқил болалар ўз жойларига ўтирадилар. қизлардан бири югуриб келиб улардан қўқирчоқлар учун шўх куй чалиб беришни сўрайди. Мусиқачилар рози бўлишади, “Рақс” куйи янграйди қўқирчоқ кўтарган қизлар залнинг ўртасига чиқиб рақс тушадилар. 1-4 тактлар: қизлар чўкка тушадилар, қўқирчоқнинг оёқчалари билан полга урадилар: “Топ-топ, топ-топ”. 5-8 тактлар: қўқирчоқни кўтариб у билан енгилгина айланадилар. Рақс тугаши билан қизлардан бири мусиқачилардан яна бир бор ижро этиб беришларини сўраши мумкин. Бошқа куй янграйди, масалан полка.

Фонематик эшитишни ривожлантирувчи ўйинлар

“Товуқни қувлаймиз”. (В.Викторова матни, Ан.Александрова қайта ишлаган чех халқ кўшиқи.)

Болалар чўққайиб ўтирадилар, кўшиқ айтадилар, ҳар чоракда енгилгина чўкка тушиб товуқ қандай чўқиётганини қўллари билан кўрсатадилар. Бир бола болаларнинг кўшиқ айтишини эшитиб ва педагогнинг сигналинини кутиб чеккада туради. “Кш!” сигналинини эшитиб ҳамма тарқалиб кетади, чеккада турган бола эса уларни тутати. Матн:

Ш е ъ р м а т н и

“Қовоқ ари ва қўнқизлар”.

Болалар осойишта куй остида доира бўлиб юрадилар, куй алмашади ва “қўнқизлар” “қовоқ арилар” билан яйловга “учиб келадилар”. Педагогнинг “ш-ш!” сигнали бўйича “қовоқ арилар” елкаларига ётадилар ва “панжаларини” тез силкитадилар, “қўнқизлар” ётган “қовоқ арилар” атрофида “учишни” давом эттирадилар. Педагогнинг “ж-ж” сигнаliga “қўнқизлар” елкаларига ётадилар ва “панжаларини” силкитадилар, “қовоқ арилар” эса улар атрофида “учадилар”. Командаларнинг алмашуви бир неча марта қайтарилади. “қовоқ ари ва қўнқизлар” қайтадан бошланган мусиқа остида яйловдан “учиб кетадилар”.

Артикулятсион моторикани ривожлантирувчи ўйинлар

Сурнайча-сурнай

Болалар стулларда ўтирадилар, уларнинг ҳаршисида қўлида ўйинчоқ сурнай билан бир бола ўтиради. Болалар шошмасдан ашула айтадилар:

Ш е ъ р м а т н и

Бола лабларини олдинга чўзиб, сурнайча чалаётгандай қилиб ўхшатадилар: «Ду-ду-ду!». Болалар ўзларига таниш ҳаракатлардан фойдаланиб рақсга тушадилар. Педагог: «Сурнайча бошқа чалинмайди, Коля болаларни қувиб кетди» - дейди. Болалар қочиб кетадилар, етакловчи кимнидир тутишга ҳаракат қилади, у тутиб олган бола эса етакловчининг ўрнига туради ва ўйин қайтарилади.

Тойчоқлар (М.Раухвергер мусикаси)

Болалар колонна бўлиб турадилар. Улар тойчоқлар. Мусика янграйди, ҳамма бир-бирини кетидан юради. Болалар туёқларнинг тарақ-турукига тақлид қилиб, мусикадаги уркуга тилларини тақиллатишади. Мусика тугайди. Тойчоқлар тўхтайдилар. Педагогнинг таклифига кўра: «Кимнинг тойчоқи туёқлари билан зўр тақиллатадиқ» – болалардан иккитаси бир-бирининг ҳаршисига юриб тиллари билан қирсиллатадилар. қолганлар эшитадилар.

Физиологик нафас олишни ривожлантирувчи ўйинлар

Гуллар

Болалар қўллари туширилган, доира бўлиб турадилар. 1-2-тактлар: ўнг қўлни оқиста кўтарадилар, қўл панжаси озгина орқада қолади (биринчи бақорги гул пайдо бўлади, ўсишни бошлайди). Болалар кўзлари билан гулнинг ўсишини кузатадилар: нафас олинади, қўллар туширилади – нафас чиҳарилади. 3-4-тактлар: чап қўлни оқиста кўтарадилар (иккинчи гул ўсишни бошлайди): нафас олинади, қўллар туширилади – нафас чиҳарилади. 5-такт: ўнг қўлни оқиста ён томонга оладилар (биринчи гулнинг қунчаси очилади): нафас олинади, қўллар туширилади – нафас чиҳарилади. 6-такт: чап қўлни оқиста ён томонга оладилар (иккинчи гул очилади): нафас олинади, қўллар туширилади – нафас чиҳарилади. 7-8-тактлар: қўлларни оқиста кўтарадилар, тепага интиладилар (гуллар қуёшга интилади): нафас олинади, қўллар гавда бўйлаб туширилади – нафас чиҳарилади. 9-16-тактлар: қўлларни секин чапга-ўнгга қимирлатишни бошлайдилар, кейин қаттиққроқ, тана билан (олдин енгил шамол эсади, кейин эса қаттиқ шамол туради). Бир вақтнинг ўзида лабларини олдинга чўзиб шамол эсишига тақлид қиладилар. 17-18- тактлар: қўллар оқиста туширилади (гуллар ерга энгашди).

Гуллар билан машқлар. («Валс». А.Жилина мусикаси)

Болалар доира бўлиб, қўлларида бир донадан гул ёки барг ушлаб турадилар. 1-8-тактлар: қўлларни оқиста олдинга кўтарадилар.ҳар бир тактда гулга (баргга) ҳараб пуфлайдилар. 9-16-тактлар (қайтариш): болалар гулларни ушлаган қолда унга пуфлайдилар, ўнгга ёки чапга буриладилар ва доира бўйлаб чопадилар. Мусика тугаши билан чўкка тушадилар, нафас чиҳарадилар.

Нутқий нафас олишни ривожлантирувчи ўйинлар

Болалар ўнг қўл бармоқлари учини фаол ва ритмик равишда яқинлаштирадилар (бош бармоқ билан 2-, 3-, 4-, 5-ларни). Бармоқлар бир бирлари билан тирноқларининг учигача тегиши керак. Машқ пайтида қуйидаги матнни ритмик равишда талаффуз қилинади:


Шуларни чап қўл билан, кейин эса икки қўл билан биргаликда.

Овозни ривожлантируви ўйинлар

«Ау, ау»

Бир бола залда стулча орқасида яшириниб олади (дарахт макети орқасида ва бошқалар) ва дам бадам «Ау» деб гапиреди. Бошқа бола ёки ҳамма болалар уни қидирадилар. Педагог оқитса мусиқа остида шеър ўқийди:

- «Алла-ё-алла...» – қандай товушни эшитаяпсан? ([А]).



“А” нима дейди?

*Аждод, авлодлар аромони,
Амир, амалдор аркони,
Анжир, анорнинг арзони,
Ақл-у адолат арқони,
Али, Анвар, Акмал, Аброр,
Мен биландир, ҳам мен пойдор.*



Ш е ъ р м а т н и

«Товуқчалар ва хўрозча»

«Товуқчалар» ва «хўрозча», худди қўноқдагидай зал деворларининг бири тагида чўққайиб ўтирадилар. «Хўрозча» қанотлари-қўлларини силкитиб уйидан чиқади, залнинг марказида тўхтади (дон топиб олди) ва «товуқчаларни» жарангдор қилиб «ку-қа-ра-ку!» деб чақиради. «Товуқчалар» «қанотларини» шўх силкитиб оёқларини учида «хўрозча» ёнига чопиб келадилар ва унинг атрофида югурадилар, тўхтаб-тўхтаб дон чўқишларини кўрсатадилар. «Хўрозча» четга чиқади ва яна товуқчаларни чақиради.

Ўйин қайтарилаётганида бошқа «хўрозча» танлаб олинади.

«Товуқчалар»:

Ш е ъ р м а т н и

«Хўроз» доирани айланиб чиқади, тўхтаб гапиреди:

Ш е ъ р м а т н и

Сўнгра ўйин биринчи вариантдаги ҳолатда давом этади. Ўйинни мусиқа остида ҳам ўтказиш мумкин.

«қозлар, қозлар»

Болалар икки гуруҳга тақсимланадилар: «болалар» ва «қозлар». Педагог (ёки болалардан бири) бўри ролида чиқади. «Болалар» ва «қозлар» бир бирлари билан бирмунча ораликда юзма-юз турадилар, «бўри» эса нарироқда, унинг ёнида битта «қозча» туради. Қўшиқни куйлаб «болалар» «қозлар» ёнига келадилар ва орқаларига қайтадилар (тўрт қадамча). Кейин шу ҳаракатларни «қозлар» ўз сўзлари билан қайтарадилар. «Биз бўрини кўрдик» – сўзларига «бўри» «қозча» билан «болалар» ёнидан югуриб ўтади. Сўнг яна гуруҳлар галма-гал бир бирларини

олдига келадилар.қўшиқ тугаши билан «қозлар» «бўрининг» орқасидан чоғиб «қозчани» қутқарадилар.

Ш е ъ р м а т н и

Логотирмик машғулотларга товуш шаклланиши босқичида юз мимикаси, орал праксиси, умумий моторикани ривожланиши учун материаллар киритилади. Масалан, «Сиз нордон лимон истеъмол қияпсиз. Сиз жанжалкашни учратиб қолдингиз. Сизнинг қаерингиздир оқрияпти. Сиз хафасиз. Сизга чиройли ўйинчоқ совқа қилишди» туридаги вазифаларни педагог мос мусиқа остида юз мимикаси ривожланиши учун беради. Кейин эса логопед оғзаки кўрсатма бермаса ҳам болалар мусиқа остида ойна олдида туриб юзларида турли ҳиссиётларини акс эттирадилар. Мимика билан турли ҳиссиётларни беришни уддалашнинг ривожланиши билан ойна ёрдамидаги кўрув назорати олиб ташланади. Орал праксиснинг ривожланиши учун лаб, тил, чақакнинг ҳамма машқлари ритм билан берилади: ҳисоб, метрон остида, мусиқа остидаги аниқ кўрсатилган ритм ва урқу. Умумий моториканинг ривожланиши асосий ҳаракатлар материаллари асосида амалга оширилади: юриш, марш қилиш, югуриш, югуриб юриш, турли қурилмалар, қайта қурилмалар. Қўл ҳаракати, ҳаракатли ўйинлар қўшилади. Товушлар қўйилмаганлиги сабабли охиригилари нутқ материалларисиз ўтказилади.

Товуш талаффуз қилиши бузилган болалар учун ҳаракатлантирувчи ўйинлар «Тикув машинаси»

Болалар ўнг қўлларида панжа ва тирсаклар билан айланани айлантиришни, чап қўлларида игна билан ишлашга мос майда ҳаракатларни бажарадилар. Кейин ҳаракатлар алмашади: чап қўл айланма ҳаракатларни, ўнг қўл – игна ҳаракатларини. Қўл ҳаракатлари «тук-тук-тук» сўзларини ритмик айтиш остида амалга оширилади.

«Айиқчани яширамиз»

Болалар айиқчани яшираётган етакловчига орқаларини қилиб турадилар. Болалар шўх мусиқа остида уни қидирадилар. Ким топса, ўша етакловчи бўлади.

«Кўприкча устида юриш»

Болалар полдан 5-10 см баландликда қўйилган сал қияликдаги кўприкча-доскада галма-гал юрадилар қоматларини, юриш ритмларини кузатиш.



«Кичик оёқчалар йўлда югурадилар»

Болалар ўтирибдилар, педагог уларга оёқларини кўтаришни таклиф қилади. Уларнинг оёқлари кичкиналигига эътиборини ҳаратади ва бир неча марта қайтаради: «Кичик оёқчалар йўлда югурадилар». Кейин эса педагог айикнинг оёқлари катта, шунинг учун у секин юради, дейди: «Катта оёқлар йўлда юрадилар». Педагог болаларда тез ва енгил, ёки бўлмаса секин ва оқир оёқ ҳаракатларини кўрсатиш учун мусиқа остида қазил ашулаларни тез ва секин темпда айтадилар.

Логоритмик машғулотларда товушларни автоматлаштириш жараёнида турли ҳаракатлар мослигида артикулятсия, диктсия, оҳангдор бурролик ва бошқалар (ҳамма просодияларда) амалга оширилади.

Артикулятсияни ривожлантирувчи ўйин ва машқлар

«Акс-садо»

Болалар секин, оқиста мусиқа остида ўрмонда юрадилар ва мева, кўзиқоринлар терадилар. Биринчи гуруҳ залнинг бир томонига, бошқаси ҳарама-ҳарши томонга кетадилар. Мусиқа анча баланд, тақликали янграйди. Биринчи гуруҳ болалари баланд овозда «АУ-АУ-АУ» дейдилар. Иккинчи гуруҳ уларга сокин мусиқа остида паст овозда «АУ-АУ-АУ» деб, жавоб қайтарадилар. Бир-бирларини чақиришиб иккала гуруҳ учрашади. Марш янграйди, болалар ўрмондан уйга ҳараб келадилар.

Ундош товушларни аниқ гапиртирувчи ўйинлар

«Тарвузли поезд»

Болалар айлана бўлиб туриб коптокни бир бирларига узатадилар, кейин педагог эса: «тарвузларни поездга ташишни» тасаввур қиладилар. Ундан кейин қўлларнинг айланма ҳаракати билан мусиқа остида ҳаракат қилаётган поездни тасвирлаб «Чу-Чу-Чу», деб талаффуз қиладилар. Ҳаракатлар мусиқа тўхташи билан тугайди. Болалар «Ш-Ш-Ш!» деб, талаффуз қиладилар. «Тарвузларни поездга ташиш» даги ҳаракатлар билан «тарвузларни тушириб олиш» бошланади.

«Юриш»

учаётган кўнқизни тасвирлайдилар ва кўнқиллайдилар: бошқа гурук: - чивинни ва 3-3-3 деб зинқиллайди.

Учинчи давр. Бу даврда логопедик иш дизарттрияда азоб чекаётган болалар билан логопедик ритмика воситалари, нутқ кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳаракат қобилиятларини ва жамоавий ўзаро муносабатларни, жамоада мулоқот мақорати билан амалга оширилади. Шу мақсадда кўшиқ айтиш билан ўйинлар, қоида билан ҳаракатли ўйинлар (сюжетсиз, сюжетли, спорт ўйинлари элементи билан), драматик ўйинлар ўтказилади.

“Айлана кетидан”

Болалар узун арқонни ушлайдилар, арқоннинг охири етакловчида. У болаларни етаклайди ва: “Бир бирини кетидан, айлана кетидан, биз қадам ба қадам юрамиз” дейдилар. Сигналга ҳамма тўхтади (муסיқа тўхтади), айланага юзларини қилиб ўгириладилар ва: “Жойингда тўхта, ҳаммамиз ақиллик билан мана бундай қиламиз” дейдилар. Педагог (навбатчи, етакловчи) ҳоқлаган ҳаракатини кўрсатади, масалан, кўларини арқон билан юқорига кўтаради ва унга ҳарайди. Болалар такрорлайдилар. Муסיқа янграйди, болалар: “Бир бирини кетидан...” деб юрадилар ва бошқалар. Тўхтаганларидан кейин педагог янги ҳаракатни кўрсатади, тана олдинга эгилади ва текисланади; ёки оёқни тиззада эгиб арқонгача кўтариш; ёки оёқни олдинга чиқариб чўкка тушиш ва бошқалар. ҳар бир машқ 3 мартадан 6 мартагача такрорланади. Бир ўйинда 5-6 та турли ҳаракатлар қилишга йўл қўйилади.

“Арилар ва айиқ”

Болалар стулчаларда ўтирадилар ва ариларга тақлид қилиб қинқиллайдилар, шу пайтда “айиқ” бекинади. Педагог сигнал беради: “Арилар айиқнинг орқасидан” дейди. Болалар ўтлоқ бўйлаб “гулдан” “гулга” кўниб “учадилар”. Шу пайтда “айиқ” тўрт оёқлаб чипта қоп–стулча ёнига келади ва қайқиради: “Рр”. Педагог: “Айиқ пасекада” дейди. “Арилар” учадилар ва қинқиллайдилар: “Жжж”, “айиқ” бўлса тўрт оёқлаб ўзининг “дарахт”–стулчасига томон қочади, “арилар” стулчаларга ўтирадилар. Ким “айиқ”ка тегиб кетса, ўша “айиқ” бўлади. Ўйин такрорланади. Педагогнинг сигналидан ташқари “айиқ” ва “арилар” образлари муסיқа жўрлигида ҳам яратилади.

Нутқ ҳаракати ва умумий ҳаракат бузилишининг характериға ҳараб муסיкий-ритмик материал танлаш зарур. Логоритмик машғулотлар учун бузилишнинг ўхшашлигиға ҳараб болалар гуруқини тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб парез кўриниши бор кўпол, мослашмаган болалар бир гурукға олинади. Бундай болалар билан муסיқа жўрлигидаги машғулотлар ритмик, ҳаракатларни рақбатлантирадиган бўлиши керак (марш, полка, галоп, муסיқали асарлар қисқа, лекин ритмик иборалари аниқ ифодаланган бўлиши лозим). Гиперкинезали, тикли, миоклонусли болалар учун оқиста, тинч расмли, ҳаракат ибора билан таъкидланадиган; кўшиқлар албатта ритмик нақорат ва кўшиқ оқиста бошланадиган муסיкий асарлар танлаб олиш керак. Спастик кўринишдаги болалар учун куйли, хотиржам, бўшаштиришға мос бўлган муסיқа танлаб олинади (валс, алла; табиат қодисаларини тасвирловчи муסיқа: сувнинг шилдираши, шамолнинг барглардаги шовқини, ёмқирнинг шовқини ва бошқалар).

Овозида бузилиши бўлган болалар ва катталар билан муסיкий-ритмик машғулотлар

Тиббий-логопедик таъсирлар мажмуи логоритмик машғулотларга: 1) овозни тарбиялашга: унинг баландлиги, кучи, тембри, диапазонини; 2) нафас олишни ривожлантиришга: нафас олишнинг чуқурлиги, нутқий нафас чихаришнинг давомийлигига; 3) артикулятор аппаратининг ривожланишига имкон беради. Овоз бузилишининг терапия мажмуи Дори-дармонли, физиотерапияли даволаниш ва ортофоник машқларни ўз ичига олади. Ортофония – артикуляторли, нафас олиш ва овозли машқлар билан овоз функциялари бузилишини даволашнинг махсус усули. Ортофоник даволашнинг мақсади – қикилдоқнинг ишида, нафас ва артикулятсия функцияларида автоматик бузилишни тиклаш. Овоз бузилишининг муҳим негизи логопедик, логоритмик ва даволаш ишининг изчиллиги, овозни тиклашнинг ҳамма босқичларида функционал терапияни ўтказиш ҳисобланади. Шунинг учун нафасни, артикулятсион моторикани ва логоритмик машғулотларда овозни ривожлантириш маълум маънода комплекс ишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Артикулятсион аппаратни ривожлантириш учун лаб, тил, пастки жақ, юмшоқ танглай учун машқлар ўтказилади. Машқлар ритмик, санок остида, муסיқа жўрлигида бажарилади. Дидактик ўйинлар ҳам таклиф қилинади: “қувноқ тилча”, “Мазали мураббо”, “Тишларни тозалаймиз”, “Мушқуча белини букяпти” (очик оғиз билан тилнинг бели кўтарилади), “Тебрангич”, “Биз қандай куламмиз”, “Кема гувиллайди” ва бошқалар.

Катталар билан машғулотларда артикулятсион аппаратни машқ қилишда мустақиллик даражаси оширилади ва вазифанинг тури мураккаблашади.

“Ўйлаб топинглар ва кўрсатинглар”

Шуқулланаётганлар икки қатор бўлиб бир бирларига ҳарама-ҳарш турадилар ва сафда тартиб билан саналадилар. Педагог истаган раҳамини айтади. Кимда шу раҳам бўлса, у сафдан чиқади ва лаб (тил) учун учта ҳар хил ҳаракатни кўрсатади. Сўнгра бошқа сафдаги шуқулланаётган чақирилади ва олдингисига ўхшамаган учта янги машқни кўрсатади. Агар машқлардан бири олдин бўлган бўлса, унда жамоага битта жарима очкоси ҳисобланади. Мусобақа 5-6 минут давом этади. Натижа жарима очколарининг жамига ҳараб яқунланади.

Тананинг турли қисмлари ҳаракати билан артикуляторли ҳолатни бирга олиб бориш учун вазифалар таклиф қилиш мумкин: лабларни юмалоқлаш ва қўллар билан чамбаракни кўрсатиш; лабни “найча” қилиб олдинга чўзиш ва елка даражасида олдинга чўзилган қўлларни бирга боқлаш; оғизни кенг очиш ва қўлларни имо-ишора билан очиш: ўнг қўл –юқорига, чап қўл пастга – орқага олинган ва бошқалар. Вазифага машқ қилувчилар ўртасида мусобақа элементлари киритилади.

Кўрсатилган машқларга овоз ва нафасни назорат қилиш қўшилади: қўллар ён томонга ажратиб қўйилади (нафас олиш), олдинга таранг тортилган лаблар билан бир вақтнинг ўзида [у] товушини талаффуз қилиб елка даражасида кафтларни бирлаштиргунга қадар кўкрак олдида секин бирлаштирилади; қўлларни юқорига кўтариб оёқ учида кўтарилади (нафас чихариш), қўлларни ён томонга тушириб

аста-секин чўкка тушилади, узун: “О-о-ох” дейилади ва бошқалар. Бундай машқлар нафас олишни ривожлантириш учун фойдали.

Нафас уч палладан ташкил топган: нафас чиҳариш, пауза, нафас олиш. Машқлар пайтида узун равон нафас чиҳаришга ўрганиш керак. Нафас чиҳариш ихтиёрсиз уни бошҳариш керак эмас. Иккинчи палла муҳим – пауза. У қачон ва қанча нафас олиш кераклигини айтиб туради. Е.А.Лукиянова “нафас олиш” сўзини шартли термин “нафаснинг қайтиши” сўзи билан алмаштиришни таклиф қилади. Бунда нафаснинг уч палласи шундай белгиланади: нафас чиҳариш, пауза (кутиш), “нафаснинг қайтиши”. “Нафаснинг қайтиши” албатта бурундан бўлиши керак. Оғиздан нафас олиш ноқулай ва организмга кам кислород беради.

Уч паллали тўғри нафасни ишлаб чиқиш учун учта йўналишда ишлаш керак: 1) чарчокни оладиган нафас усуллари ўзлаштириш; 2) махсус машқлар билан нафас мускулларини ривожлантириш; 3) ҳаракатда оқилона нафас усуллари қўллаш.

Шу тизим бўйича нафаснинг ривожланиши нутқда, қўшиқда ва ҳаракатда қурилади. Машғулотларда бўқинларни секин алмашинуви, ундошларнинг қўшилиши, тез диктсияли машқлар, матнни талаффуз қилишда ундошларни тўхтатиб турадиган машқлар ўтказилади. Нафаснинг ривожланиши қўшиқ куйлашда вокал машқлари ва ашулаларининг ижро этилиши ҳисобига содир бўлади. Яна буларга ҳаракатлар қўшилади: классик рақс элементлари, нутқли ва ашулалар машқлар билан гимнастик ва ритмик ҳамоҳанглик.

Уч паллали нафасни эгаллаш ўтирган ҳолатдаги машқлардан бошланади: тўғри ўтириш, елкалар ростланган, қўллар тиззага эркин қўйилган. Бу ҳолатда таранг тортилиш бўлиши керак, лекин ортиқча зўр бериш эмас. Биринчи палла келди – нафас чиҳариш: лаблар олдинга чўзилган, қаттиқ сиқилган лаблар орқали [“п”] товуши талаффуз қилинади, сўнг “ффф” товушига қаво чиҳарилади. Нафас чиҳарганда елка ва кўкрак кескин тушиши керак эмас. Нафас чиҳарилганидан кейин иккинчи палла бошланади – пауза – “нафаснинг қайтиши” ни кутиш. Педагог: “кеч нарсани қўшмасдан қавони бурундан ичкарига киритамиз ва яна “пфф” орқали “шамни пуфлаймиз” дейди. Нафаснинг қайтишини яна кутамиз”. Нафас чиҳариш – “пффф”, пауза, нафаснинг қайтиши. Бу биринчи машқ ўтирган, турган ва ётган ҳолатда бажарилади. Одам ётган ҳолатда тўғрироқ нафас олади, у паузани яхши қис қилади. Нафас чиҳаришни тамомлашда унинг текислигини ўзгартирмасдан нафаснинг охирини қайтариб бериш мумкин эмас. Уч паллали нафас олишни оз-оздан машқ қилиш керак, кўпинча: кунига 8–10 марта, ўтирган, турган, ётган ҳолатларда кетма-кет 2-3 марта нафас чиҳариш. Ундош товушларда нафас чиҳариш с товушининг 2-3-машғулотларида машқ қилинади. Олдин “пфф” га нафас чиҳарилади, паузани ушлаб турилади ва “нафаснинг қайтишини” кутилади, сўнгга нафас чиҳарилганидан, паузадан, “нафаснинг қайтишидан” кейин давомли “ссс” (“ш”, “ф”, “х”) талаффуз қилинади. Машқ 2-3 марта такрорланади: “пф–ссс”–пауза, нафаснинг қайтиши; “ссс” – пауза, нафаснинг қайтиши; “пф” (дам олиш). Кейин нафас чиҳаришни машқ қилиш схема бўйича овознинг паст оҳанглирида [«ж»], [«з»] товушларида давом этади. Машқни бажаришда қорин пресси мускулларини озгина таранг ҳолатда ушлаш фойдали (“ростланиб” тургандай), шунда нафас чиҳаришда диафрагма кўпроқ туширилган ҳолатда туради

ва анча секинлашган нафас чихариш қосил бўлади, унинг ривожланишига ёрдам берадиган нафас мускуллари таранглашиб қолади. Нафас чихаришни машқ қилиш [«р»] товушида ўша схема бўйича давом этади: “пф” қўшув “ростлан”; “ppp” – пауза – нафаснинг қайтиши; “ppp” – пауза– нафаснинг қайтиши.

Унли товушларда узун нафас чихаришни ривожлантириш учун қиқилдоқ ва юмшоқ танглайнинг ҳаракатчанлигини машқ қилиш зарур. Кўтарилган юмшоқ танглай ва туширилган қиқилдоқда эснак ҳолатини “эснакнинг ҳолати” деб аташ қабул қилинган. Агарда эснаш катта бошланса ва оғизни юмиб эсноқни тўхтатилса бу ҳолат пайдо бўлади. Юмшоқ танглай куч билан кўтарилади, қиқилдоқ эса пастга тушади. Бу ҳолатда лаблар қаттиқ юмилади, марказга йиқилади ва йиқилган қаттиқ қисилган лабларда [“м”] товуши жаранглайди. Бунда товуш кўкракда акс садо беради. Бемор “эснакнинг ҳолати”ни нафас чихаришда [“м”] товушини ўзлаштириб олганидан кейин эснак ҳолатини кенг талаб қиладиган [“у”] товушидан бошлаб унли товушларда нафасни қайта ишлашга киришиши мумкин. Схема: “пф” – (нафас қайтишида “м” шакли) ; “м-уу” – пауза – нафаснинг қайтиши (“м” шакли); “м-уу” – пауза – нафаснинг қайтиши; “пф” – дам олиш. [“м”] товуши [“о”] (“мо”), [“а”] (“ма”), [“е”] (“ме”), [“ў”] (“мў”), [“и”] (“ми”) унли товушлари билан бирга қўшиб олиб борилади. Кейин бир нафас чихаришда учта бўқин талаффуз қилинади: “момему” ва “момаму”.

ҳаракат билан “пффф” ва ссс да узун нафас чихаришни машқ қилиш бундай ўтказилади: тўғри туриш, чўзилган қўллар билан оқиста айланалар қилиш. Йўналиш ўзгартирилади, айлана пастдан юқорига, ёки юқоридан пастга бошланади. Машқни икки-уч “пф” давомида такрорланади.

“Пф”, “ссс” – қўллар билан оқиста айланалар – пауза – нафаснинг қайтиши; “ссс” – пауза – нафаснинг қайтиши.

Нафас чихаришнинг давомийлигин назорат қилишга вокал машқлари ёрдам беради. Олдин фақат ре-бемол, ре, ми-бемол ноталарида [“р”] товушини ашула қилиб айтилади. ҳамма вокал машқлар худди нутқ машқларидек “пф” дан бошланади. Кейин куй бўқинларда айтилади: ре-бемол тонидан –“мў-и” гача, ре – “мў-и” дан, ми-бемол ва ми – “мо-о” дан. Бўқинлар битта нотада куйланади, кейин аста-секин ярим ноталарга кўтарилади.

“Момему” бўқинлари битта нотада , бошқасида – “момаму”. Ритм нутқдаги каби қолади: “мо” да – кичик тўхташ, “ме” ва “ма” тезроқ айтилади, “му” ҳаммасидан ҳам давомий жаранглайди. Нафас чихаришда “пф” да бошлаш ва тугатиш керак. Овоз равон ва паст бўлиши керак. Лабнинг олдинга ҳаракатида “м” шакли бузилмаслиги керак. Шу учта бўқин равон ва оқиста жаранглашни бошлаганида тўртта “мамемаму” айтиб кўрилади. Худди нутқ машқдаги каби “мо” ва “му” да тўхташ қилинади, “ме” ва “ма” да тезроқ хиргойи қилинади. Кейин ҳамма унлилар бирлаштирилади. “Пф” (“м” шаклини нафас қайтишига тайёрлаш), “мў-и-момема-му” – пауза – нафаснинг қайтиши (“м” шаклини тайёрлаш), “мў-и-момема-му” ва бошқалар. [“ч”] қисқа ундош товушини такрорлаш нафасни жуда яхши машқ қиладди. Олдин оқиста ритм чорак қилиб олинади:

“пф” – ч ч ч ч – пауза – нафаснинг қайтиши – ч ч ч ч.

Сўнгра товуш тез – гуруқларда ўн олтига: “пф” –

ч ч ч ч ч ч ч ч – пауза – нафаснинг қайтиши – ч ч ч ч – ва бошқалар.

Нафас чиҳаришни машқ қилиш учун “чк” товушини бирга қўшиб олиб бориш фойдали. Олдин секин темпда пф – чк чк чк чк – пауза – нафаснинг қайтиши – чк чк чк. Сўнгра темп тезлашади, “чк” товуши гуруқларга учтадан бўлиб бирлаштирилади:

пф – чкчкчк чкчкчк чкчкчк – пауза – нафаснинг қайтиши – чк чк чк – ва бошқалар.

Биринчи бўлақлар секингина таъкидланади. Нафас чиҳаришни тежашнинг асосий кўрсаткичи жаранглашнинг равонлиги ва унинг эркинлиги ҳисобланади. Товуш чизикларининг узунлиги нафас мускулларининг ривожланиш даражасига ҳараб кўпаяди, биринчи машғулотлардан эса равонликка эришишга ҳаракат қилиш керак эмас.

Нафас чиҳариш тежашда товушлар пайдо бўлса, эшитувчига улар бетўхтов чўзилаётгандек туюлади. Шу аломат билан нутқда ва қўшиқ айтишда нафасни тўғри етказиб бериш текширилади.

Диафрагманинг таранг мускулларида давомий нафас чиҳаришни эгаллагандан кейин нафас пайтида тана мускулларини озод қилишни ўрганиш зарур. Одатдаги “еснак”нинг яхши шаклида ва “ростлан”иб турганда, қомат тортилганда, “пф” дан кейин “му” бўқини талаффуз қилинади; кейин нафасни охиригача сарфламасдан “му” юмшоқ, қолсизланган “х” товушига ўтказилади, шу вақтда танани бўшаштириш керак. Бунда [«х»] товушида тананинг бутун мускуллари озод қилинади. Навбатдаги бўқиннинг бошида яна “ростлан”иб туришга қайтилади, [«х»] товушига эса яна бўшашади. Бўқинлар, одатда [«м»] ундоши ҳамда [«з»] ва [«ж»] товушлари қўлланиши асосида қурилади: «пф-му-xxx» (“ростлан”, бўшаштириш) – пауза – нафаснинг қайтиши. ҳамда машқлар бўқинлар асосида қурилади “ма-xxx”, “ме-xxx”, “мқ-xxx”, “жу-xxx”, “жо-xxx”, “жа-xxx”, “же-xxx”, “жи-xxx”, “зу-xxx”, “зо-xxx”, “за-xxx”, “зе-xxx”, “мқ-xxx”. Бу машқлар узун нафас чиҳаришни машқ қилдиради ва мускулларни озод қилишга ўргатади.

Жаранглашни нафас таянчида ҳам тарбиялаш зарур. “Таянган” ва “таянмаган” жаранглашлар турлича. “Таянган” жаранглашда овознинг товуши жуда зич ва тўйинган, диафрагма доирасида эса таранглик қис қилинади. Демак, овоз товуши тўйинган бўлса, диафрагма мускуллари йиқилган, товуш “таянган” бўлади. Товушнинг “таянчига” “ростлан” ҳолати – қорин прессини танлаш ёрдам беради.

Товушлар кўкрак резонаторида бутунлай бир хил акс садо бериши керак. Биринчи тўртта унли ҳарфлар: [“у”], [“о”], [“а”], [“е”] дарров “м” шаклида қурилади ва унга осонгина ўтади. Охирги “ў” унли ҳарфи “м” ҳарфига қайта қурилиш билан ўтади: “пф”– “бууу”– “mmm” (“м”ни тушириб қолдириш) – пауза – нафаснинг қайтиши – “бааа”– “mmm”– (“м”ни тушириб қолдириш) – пауза – нафаснинг қайтиши – “беее”– “mmm”– (“м”ни тушириб қолдириш) – пауза – нафаснинг қайтиши – “бўўў”– “mmm”– (“м”ни тушириб қолдириш) – пауза – нафаснинг қайтиши – “пф”.

Айниқса, “а”, “е” унли ҳарфлари шаклини эътибор билан кузатиш керак. Бир ой машқ қилинганидан кейин биринчи ундошни алмаштириш керак, масалан, товушларни ўзгартириш “ж” – “з”: “пф” – “жж” – “уу” – “mmm” – пауза – нафаснинг қайтиши – “жж” – “оо” – “mmm” ва бошқалар; “пф” – “зз” – “уу” – “mmm” – пауза – нафаснинг қайтиши – “зз” – “оо” – “mmm” ва бошқалар.

Диктсион машқлар. Диктсия – бу нутқда ва ашула айтишда талаффуз қилишнинг софлик даражаси. Диктсион машқлар овоз функциясини меъёрлаштириш учун керак. Масалан, бир нафас чихаришда бўқинлар бирикмасини жуда аниқ гапириш: “птаптепти”. Биринчи бўқиннинг унли товушини озгина чўзиб талаффуз қилинади: “птаааптепти”. Талаффуз қилишни секин темпдан, аста-секин тезлаштириб бошланади. Лаб мускуллари учун куйидаги машқлар бажарилади: оғиз юмик, лаблар иложи борица марказга жипс йиқилган ва кейин шошмасдан кенг кулгу қилиб чўзилади. Кейин – яна марказга ва яна кулгу. Лаблар бир дақиқа ҳам эркин қолиши керак эмас. ҳаракат бир неча марта галма-гал бажарилади: олдин кетма-кет 3-4 марта, сўнгра 5-6 мартадан. Яхши диктсияни ва нафас таянчини ривожлантириш учун тез айтиш машқлари берилади: “От топота копыт пўл по полю летит”. Матн паст тонда, овоз унча баланд эмас, лекин ҳар битта бўқинга ургандек қисқа қайсар ва шафқатсиз талаффуз қилинади. Товуш чўзилувчан сакраши керак. Бунинг учун ўнг қўл тирсагини эгиш, уни ёнга тираш, мушт қилиш ва чап қўл кафтига қисқа урилади, худди бу чўзилувчан резина ёстикчаси ёки пружинадек, бундан мушт ўз-ўзидан сакраб тушади. “Пф”, от-то-по-та-ко-пўт-пўл-по-по-лю-ле-тит”. Темп жуда вазмин, қатто секин бўлиши керак.

Вокал машқлар, ашула айтиш ҳам оқиста нафас чихаришни ишлаб чихариш учун хизмат қилади, лекин логопедик машғулотлар билан мослашишга риоя қилиш зарур. Ашула айтиш машғулотлари қикилодоқ, овоз бурмаларининг функционал касалликларини ўткир давридан кейин, ўтказилган даволаш ишларидан сўнг бошланади. Масалан: 1) педагог худди ашулани бошлаш олдидан созлангандек биринчи товушни куйлайди (узоққа чўзади), беморлар такрорлайдилар; 2) турли оқандошликларда мусиқали ашулаларни ижро этиш; 3) мусиқали ашулаларни анча баланд ва паст товушларда ижро этиш; 4) ашула айтишда қандай айтишни, баланд ёки паст кўрсатувчи қўл ҳаракатларидан (дирижёрлик элементлари) фойдаланиш; 5) мусиқа жўрлигисиз ашула айтиш. Бу машқлар аниқ вокал оҳангнинг ривожига ёрдам беради. Ашула айтишни яхшиси унлилардан [«а»], [«о»], [«е»], [«и»] ва уларнинг биргалигини биринчи октавада “до” “ре” атрофида ва иккинчи октавада “до” (“до диез” – “ре”) атрофида бошланади. Кейин ўз исмини ёки исми ва отасининг исмини ашула қилиб айтиш, диалогни куйлаш: «Сенинг исминг нимақ – Менинг исмим Аня» ва бошқалар. Ёки: «Бугун об-қаво қандайқ» – «Бугун об-қаво булутли». Сўнгра паст ва юқори тонлардаги «ау», «куку» овозига тақлид қилишни тайёргарликсиз бажарадилар; масалан, ўрдак ва ўрдакча, қоз ва қозча. Болалар ва катталар ўртасидаги диалоглар. Педагог беморлар билан сўзнинг охирида ундошларни аниқ ифодалаб бўқинларни ашула қилиб айтади. Бунинг учун бурун товушлари олинади: «дин-дин», «бам-бам», «дон-дон», «бим-бом», «тили-тили-бом» ва бошқа бирикмалар. Охирги сонор товуши иложи борица узунроқ чўзилади. Кейин ашула айтиш учун қисқа иборали унли товушларга ва жарангли ундошларга бой қўшиқ танлаб олинади. Масалан, «Баю-баюшки-баю, менинг Оленкам баю» ва шунга ўхшаган алла қўшиқлари. Беморларнинг қизиқишларини ҳисобга олинади, улар ашула айтиш кўникмаларига эга бўлганларидан кейин коррекцион ўқитишнинг ўртаси ва охирида яхши кўрган қўшиқлари айтилади.

Жаррохлик аралашувидан сўнг, папилломатоз, қиқилдоқнинг стенози оқибатида овозида органик бузилишлари бор беморларда ашула айтиш воситалари билан овозни эктиёт бўлиб ривожлантириш керак; диафрагмал нафас таянчини яратишга, аста-секинлик билан овозни тарбиялашга эътибор ажратилади; овоз кўкрак бўлимида жаранглашига эътибор ҳаратилади (жаранглашни кўл билан назорат қилинади).

Тўғри овозни тарбиялаш бўйича машғулотларни олдин ҳаракатсиз, канонларни, икки овозли ашулаларни айтиш, нутқли ва ашула айтиш машқларидан бошлаш тавсия этилади. Лекин вақтнинг катта қисми ҳаракат вақтидаги товуш ишига бақишланиши керак бўлади. Ритмика ёки гимнастика комбинатсиялари билан рақсли кўшиқлар ва машқлар ижро этилади. Беморнинг ёши қанча катта бўлса, ҳаракат билан боқлиқ шунча кўп машқлар таклиф қилинади, унинг олдидаги вазифалар мураккаблашаверади, бу вазифалар эса тайёргарлик кўриш учун кўп вақт талаб қилади.

ҳаракат билан товушли машқ қилишни текшириш фақат логоритмик машғулотларда эмас, балки логопедик машғулотларда ҳам ўтказилади. Шуқулланаётганлар ўйлаб топган комбинатсияларни логопед кўради ва ўзининг тузатишларини киритади, бунинг асосида беморлар у ёки бу машқни мустақил қайта ишлайдилар, кейин эса логоритмик машғулотда уни яна бажарадилар. Шундай қилиб логопед ва логоритмист касалнинг овозини меъёрлаштириш устидан олиб борилган ишда бир бирини тўлдиради.

Назорат саволлари:

1. Дизартрияли ва дислалияли шахсларда моторика бузилишининг хусусиятлари қандай?
2. Дизартриянинг турли шаклларида ҳаракат бузилишларини гапириб беринг.
3. Тошвуш талаффуз қилишнинг бузилишини коррекцияллашнинг тайёрлов даврида ўйин ва машқларнинг аҳамияти қандай
4. Дислалия билан оқриган болалар учун логоритмик машғулотларда фойдаланилаётган эшитиш диққатини, нутқ эшитишини, фонематик идрокни, артикулятсион моторикани ва бошқалар ривожлантирувчи ўйин ва машқларга мисоллар келтиринг.
5. Ринолалия билан оқриган одамларда логопедик ритмика машғулотларини ўтказишнинг хусусиятлари қандай
6. Назализатсияни олдини олиш учун логоритмик воситаларни айтиб беринг.
7. Дизартрияли болалар билан олиб борилган логопедик ишнинг ҳар бир босқичида логоритмик тарбиянинг вазифаларини айтиб беринг.
8. Дизартрияли болалар учун даволовчи гимнастика машқларидан мисоллар келтиринг.
9. Овози бузилган одамларда нафасни тарбиялаш ишларининг аҳамияти қандай?
10. Ундош товушларда уч паллали нафас машқларига мисоллар келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2007.
2. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс:

- Таълим берувчи вазифанинг амалга оширилиши ҳаракат малакаси ва кўникмасининг шаклланишига, макон тасаввурлари ва қобилияти ихтиёрий равишда борликда бошқа одамлар ва предметларга нисбатан силжиш, эпчиллик, куч, чидамлилиқ, бир ҳаракатдан бошқасига ўтишни ёритинг.

2-кейс:

- Логопедик ритмиканинг воситалари қуйидагилардир: турли йўналишдаги юриш ва ҳарбийларча юриш; нафас, овоз ва артикуляцияни ривожлантириш учун машқлар; мускуллар тонусини бошқарувчи машқлар; диққатни фоғллаштирувчи машқлар; ҳисобли машқлар;

3-кейс:

- Логоритмик машғулотларда коррекцион таълим ва тарбияда кўргазмали, оғзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади. *Кўргазмали усуллар* ҳиссий қабул қилиш ва ҳаракатли ҳис-туйғунинг яққоллигини таъминлайди. Ҳар бир усул вазифанинг умумийлиги ва унинг ечимига ягона ёндошувни бирлаштирувчи турли-туман йўллارни ёритинг.

4-кейс:

- Мушиқа кузатувисиз нуткий машқлар; мушикий ўлчов ёки метр туйғусини шакллантирувчи машқлар; мушикий темп туйғусини шакллантирувчи машқлар; ритмик машқлар; кўйлаш; мушикий асбобларда ўйин машқлари; нуткий бузилиши бўлган одамларнинг муштиқил мушикий фаолиятлари; ўйинли фаолият, ижодий ташаббусларни ривожлантириш учун машқлар; яқуний машқлар

5-кейс:

- Машғулотлар олдинга қаратилган тарзда ўтказилади, педагог таниш бўлган машқларни такомиллаштириш учун гуруҳларга бўлади ва муштиқил ҳаракат қилишни таклиф этади, ижодий изланишга рағбатлантиришни ёритинг.

6-кейс:

- Масалан, мушиқа характерининг ўзгариши билан боғлиқ равишда машқларни қандай ўзгартириш, бошқа қоидалар билан ҳаракатланувчан ўйинларни олиб бориш, ўйинлар вариантларини тузиш, янгиларини ўйлаб топиш йўлларини ёритинг.

7-кейс:

- В.М.Бехтерев мушиқанинг кичик ёшдаги болаларни эстетик, маънавий тарбиялашдаги аҳамиятини кўрсатди. У кичик ёшда тарбиянинг муҳимлигини таъкидлади, чунки ривожланаётган шахснинг илк қадамлари бирмунча қийин ва айни дамда бирмунча муҳимдир. Барвақт эғалланган нарса кечроқ эғалланганларидан муштаҳкамроқ ушланади.

Мустақил таълим мавзулари

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзуси

1. Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Мусиқали ритмик тарбия тизими. Мусиқа ва шахсини ҳар томонлама ривожлантириш
2. Логопедик ритмиканинг воситалари
3. Дудукланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика
4. Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик ритмика
5. Нафас олишни, овоз артикулятсиясини ривожлантириш учун машқлар. Мушаклар, ҳолатини бошқарувчи ва диққат эътиборни фаоллаштирувчи машқлар.
6. Санок машқлари, мусиқасиз сўз машқлари. Ритмик машғулотлар, уларнинг бажарилишини ифодалаш, мусиқий асбобларда ойнаш. Ўйин фаолиятидаги мустақил машқлар.
7. Ижодий ташаббускорликни ривожлантирувчи машқлар. Нутқ нуқсонига эга болалар билан логоритмик воситасилардаги машқлар.
8. Дизартрик болалар учун логоритмик ва мусиқали ритмик воситалар. Болалар ва ўсмирларда мусиқа ва шахсни тарбиялаш.
9. Кичик ёшдаги болаларга мусиқий ритмик таъсир ҳақида В.М.Бехтерев ва бошқа мусиқашунослар фикрлари.

ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
Логопедия	Логопедия	Logopedi a	Логопедия термини грекча <i>логос</i> (сўз, нутқ), <i>пейдео</i> (тарбиялайман, ўқитаман) сўзлардан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри «нутқни тарбиялаш» маъносини англатади.
Логопедик ритмика	Логопедик ритмика	Speech therapist rhythmic	Нутқида нуксони бўлган болаларда соғломлаштирувчи вазифани ҳал қилиш натижасида суяк-мускул аппаратлари мустаҳкамланади, нафас олиш, мотор, сенсор функциялар ривожланади, мувозанат туйғуси, тўғри қад-қомат, қадам ташлаш, чиройли ҳаракат тарбияланади.
Муסיкий тизим	Музыкальни й система	Musical chain	Баландлик бўйича муаян ўзаро муносабатларда бўлган товушлар қаторидан иборат
Ритм	Ритм	Rhythm	Ўзаро боғланиб изчил келган товушлар чўзими
Нутқ нуксонлари	Речевой дефект	Speech defects	Бу адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан бироз бўлса ҳам четга чиқиш.
Нутқ фаолияти	Речевой деятельность	Speech	Мураккаб руҳий фаолият. У руҳий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига ката таъсир кўрсатади.
Махсус машқлар	Спец упражнения	Special exercises	Бу ўринда биз нафас олишни ривожлантириш бўйича у ёки бу кўринишдаги, логопедия амалиётида тез-тез қўлланиладиган махсус машқларни бажаришни (пахтани пуфлаш, резина ўйинчоқларни пуфлаб шишириш) шарт эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бундай нафас олишнинг барча турлари нутққа алоқадор эмас.
Нутқ системаси	Речевой система	Speech system	Нутқ системасининг тузилиш компоненти (товуш томони, грамматик тузилиши, луғат зонаси), нутқнинг функционал жиҳатлари, нутқий фаолият турларининг (оғзаки ва ёзма) ўзаро алоқадорлиги ҳисобга олинади.
Нутқ аппарати	Речевой аппарат	Office of the speech	Нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари тизими
Ринолалия	Ринолалия	Rinolalia	Ринолалия (грекча сўздан олинган бўлиб, рхинос – бурун, лалиа – нутқ) нутқ аппаратининг анатомик ва физиологик камчиликлари сабабли овоз тембри ва товушлар талаффузидаги бузилишдир. Ринолалияни ўрганиш тарихи жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Муаммони ўрганишда врачлар, психологлар, дефектологлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.
Дизартрия	Дизартрия	Dizartria	Дизартрия – нутқ аппарати инервациясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир. Дизартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, дис – бўлак, артхон – бириктириш деган маънони билдиради.

			Дизартрия-бу марказий характердаги органик нутқ бузилиши ҳисобланади. Дизартрияда нутқ аъзоларининг (юмшоқ танглай, тил, лаблар) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикуляцияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз, нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми ва ифодалилигида ўзгаришлар кузатилади. Дизартриянинг оғир формасида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай ҳол анартрия деб аталади. Анартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, а-йўқ, артҳон – бириктириш деган маънони билдиради.
Дудукланиш	Заикания	Stammering	Дудукланиш – бу нутқ аппарати мускулларининг тортишиш натижасида нутқнинг суръат-оҳангининг бузилишидир. Дудукланиш муаммосини нутқ бузилишлари ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихида энг қадимийларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унинг моҳиятини турлича талқин қилиш фаннинг ривожланиши ва муаллифларнинг бундай нутқ бузилишларига қандай нуқтаи назардан ёндашганликлари ва ёндашаётганлиги даражаси билан боғлиқдир.
Тилшунослик	Лингвистика	Linguistics	Нутқ тиллар бирлигининг турли даражаси ва уларнинг амал қилиш қоидаларидан фойдаланишни ҳам назарда тутди. Улар ҳар хил бузилишларда турлича бузилиши мумкин. Боланинг тил нормаларини ўзлаштириб олиш қонунлари ва изчиллигини билиш логопедик хулосаларни аниқлаштиришга ёрдам беради, логопедик таъсир этиш тизимларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлади.
Болалар китоби	Детская литература	Children's literature	Шахс ва таълимни ривожлантириш, билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситалардан бири бўлган нашр тури. Болалар китолари фақатгина ўқиш ва билим олиш манбаи бўлибгина қолмай, балки боланинг эстетик ва психологик тарбиясида муҳим ўрин тутувчи манбадир.
Бошқариш фаолияти	Управленческая деятельность	Management activity	Раҳбарнинг педагогик, норматив ва психологик асосларда бошқариш қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишга қаратилган мақсадга мувофиқ хатти- ҳаракатлари мажмуи.
Гигиена	Гигиена	Hygiene	Яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқадиган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.
Дидактик ўйинчоқлар	Дидактические игрушки	Didactic toys	Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланиши ва таълим олишида хизмат қиладиган ўйинчоқлар тури. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида

			ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ ўйинчоқлари (матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар, чиллақлар) киради.
Ёш гуруҳи	Младшая группа	Primary group	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анаънавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.
Инклюзив таълим	Инклюзивное образование	Inclusive education	Болаларни бир биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.
Истеъдод	Талант	Talent, gift	Қобилиятлар, иқтидорларнинг юқори даражада ривожланганлиги бўлиб, ижодий фаолият турларида намоён бўлади.
Касбий фаолият	Профессиональная деятельность	Professional activity	Бирон нарсанинг бажарилишининг мураккаб ва меъёрий жиҳатдан белгиланган усули. Меҳнат субъекти фаолиятининг сифат жиҳатдан белгиланадиган шакли. Инсон бажараётган фаолиятнинг мураккаблигини тавсифлайдиган мезон.
Мактабгача болалик	Детский дошкольный период	Pre-school period	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмнинг жадал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
Мактабгача ёш	Дошкольный возраст	Pre-school age	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.
Мактабгача ёшдаги бола компетентлиги	Компетенция ребенка дошкольного возраста	Competency of a pre-school age child	Мактабгача ёшдаги бола шахсининг асосий характеристикаси. Коммуникатив, ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ривожланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуникатив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий ва нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) воситалар ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.
Мактабгача таълим муассасалари	Дошкольные образовательные учреждения	Preschool educational establishments	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси қуйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги

			МТМ, тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган болалар учун санатория типдаги МТМлар.
Мактабгача таълим муассасаларнинг вазифалари	Задачи дошкольного образовательного учреждения	Tasks of preschool educational establishments	ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.
Мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базаси	Материально-техническая база дошкольного образовательного учреждения	Material and technical basis of preschool educational establishments	Муассаса балансида турган асосий воситалар мажмуи (бино, ховли, қўшимча қурилмалар, коммуникация, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар).
Мактабгача таълим муассасасининг ривожланиш концепцияси	Концепция развития образовательного учреждения	Conception of educational establishment	Мактабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган бош ғоя; инновацион жараёнлар натижасида унинг янгиланишига қаратилган чора тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.
Миллий анаъналар	Национальные традиции	National traditions	Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва хислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.
Нодавлат нотижорат ташкилот	Негосударственная некоммерческая организация	Nongovernmental noncommercial organization	Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.
Оилавий муҳит	Семейная обстановка	Family environment	Оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳитни ифодаловчи тушунча. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, дунё қараши, тасаввур ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Инсон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало оила бағрида шаклланади.
Олий таълим	Высшее образование	Higher education	Турли олий даргоҳларда олий малакали мутахасислар тайёрлаш олий ўқув юртлари

			томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахасис бўлишни истаган, ўрта махсус ёки касб хунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.
Тарбияланувчилар	Воспитанники	Pupil	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.
Тарбиячи	Воспитатель	Educator, teacher	Тарбияни амалга оширадиган, ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
Таълим муассасасини бошқариш	Руководство образовательным учреждением	Managing the educational environment	Фаолият субъектларининг алоҳида фаолияти бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасида болалар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг таълими такомиллаштириш ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига йўналганлигини таъминлайди.
Таълим сифати	Качество образования	Quality of education	Таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир бирларига нисбатан қадрий-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар тизимида ифодаланади.
Фармон	Указ	Decree	Бирқатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
3. “2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.
4. “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.
5. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.
6. “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.
7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 102б.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Махсус адабиётлар.

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2007.
2. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.
3. Волкова Г.А. Логопедик ритмика. Москва. 2004.

III. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлар сайти.